

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

«Тасдиқлайман»

Минтақавий марказ директори

Ф.Т.Эсанбобоев

“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2015 йил

**“ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МЕРОСИДА МАЊНАВИЯТ МАСАЛАСИ”**

**МОДУЛИДАН**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчилар:**

ф.ф.н., Н.Абдуллаева

**Тошкент – 2015**

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР .....	2
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....	11
1-Мавзу: Шарқ алломаларининг дунё илм-фани ривожида тутган ўрни.....	11
1.1. Шарқ мутафаккирларининг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган хиссаси.....	11
1.2. Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг шарқ мутафаккирлари меросига янгича ёндошувнинг ўзига хослиги. ....	14
1.3. Мутафаккирлар мероси ёш авлод учун ибрат мактаби сифатида. ....	15
2-Мавзу: IX-XII асрларда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг маънавият ривожига қўшган хиссаси.....	17
2.2. Шарқ мутафаккирларнинг илмий, маънавий мероси(Форобий, Ибн Сино Хоразмий,Беруний, Фарғоний, ва ҳ.к) .....	19
2.3. IX-XII асрлар маънавияти ва маърифати ривожида панднома асарларнинг ўрни.( Кутадғу билиг”,”Қобуснома”). ....	31
3-Мавзу: Тасаввуф ва унинг маънавиятга таъсири.....	37
3.1. Тасаввуф (сўфизм) таълимотининг пайдо бўлиши.....	37
3.2. Тасаввуф таълимоти намоёндалари (Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Жалолиддин Румий ва ҳ.к). ....	38
3.3. Тасаввуф таълимотида илгари сурилган маънавий-ахлоқий ғояларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти .....	47
4-Мавзу: XIV-XV асрларда маънавий-маърифий тафаккур тараққиёти .....	51
4.1. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида яратилган маънавий мероснинг ўзбек халқи маънавий тикланишида тутган ўрни.....	51
4.2. Шарқ мутафаккирлари меросида маънавий баркамоллик масаласи ( Улугбек, Жомий, Навоий, Ҳусайн воиз Кошифий, Бобур) .....	54
4.3. XIV-XV асрлар маънавий-маърифий тафаккурининг умуминсонийлик моҳияти.....	61
5-Мавзу: Шарқ илмий-маърифий марказларининг замонавий аҳамияти ....	64
5.1. «Байт ул-ҳикма» (Донолар уйи) ва Хоразм Маъмун академиясида амалга оширилган кашфиётлар, ихтиrolар.....	64
5.2. Шарқ илмий-маърифий марказларининг умуминсоний аҳамияти. ....	65
5.3. Замонавий олим ва тадқиқотчиларнинг шарқ мутафаккирлари меросини ўрганишдаги роли.....	67
ГЛОССАРИЙ.....	70

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **КИРИШ**

Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки, маънавият ривожланганда гина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қиласи. Буни чуқур ҳис қилган Президент Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди.

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи - халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигиdir. Халқимиз адолат, тинчлик аҳил-кўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Аждодлар маънавий меросидан мустақилликни мустаҳкамлашда оқилона фойдаланиш лозим. Қадимий ёзувлар, битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, улуғ шоир ва мутафаккирларимиз яратган асарлар, Қуръони Карим, ҳадислар, Яссавий ва Боқирғонийлар яратган диний-ахлоқий руҳдаги асарлар, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиблар яратган ахлоқий, панд-насиҳат асарлар, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий яратган инсон ички дунёси, руҳиятига қаратилган таълимотлар, Навоийнинг ўлмас бадиий ижод ҳазинаси ва бошқалар бизнинг бой маънавий меросимиз ҳисобланади. Улар инсон ички дунёсини, руҳиятини, инчунун маънавиятни сайқал топишига қаратилган. Уларда инсонлар маърифатга, юксак ахлоқ-одобга, олийжаноб фазилатларга, яхшиликка даъват этилади, ёмонлик, ёвузлик қораланади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Шарқ алломалари меросида маънавият масаласи” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини шарқ алломалари меросида маънавият масаласи ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, шарқ алломалари маънавий меросини таҳлил этиш, шунингдек, улар тўғрисида кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

### **Модулнинг вазифалари:**

- Шарқ алломаларининг дунё илм-фани ривожида тутган ўрнини таҳлил қилиш;
- IX-XII асрларда яшаб, ижод этган мутафаккирларнинг маънавият ривожига кўшган ҳиссасини ўрганиш;
- Тасаввуф ва унинг маънавиятга таъсири ўрганиш;
- XIV-XV асрларда маънавий-маърифий тафаккур тараққиёти босқичларини

таҳлил қилиш ва замонавий билимлар билан уйғунликда амалиётга тадбиқ этишга ўргатиши;

-Шарқ илмий-маърифий марказлари ҳақида тингловчиларда қўникма ва малакаларни шакллантириши.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Шарқ алломалари меросида маънавият масаласи” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **tinglovchi**:

Шарқ алломалари меросида маънавият масаласи курсини назарий ва амалий соҳаларда эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

Шарқ алломалари меросида маънавият тушунчасининг фалсафий талқини, уларнинг асарларида комил инсон ғояси, шахс маънавий камолоти тушунчаси **назарий билимларга эга бўлиши**;

Тингловчи касбий фаолият соҳаларида шарқ алломалари маънавий меросидан самарали фойдаланиш ва уларни амалиётда қўллаш каби **амалий қўникмаларни эгаллаши**;

Тингловчи шарқ алломалари меросида маънавият масаласини англаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларни эгаллаши** лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Шарқ алломалари меросида маънавият масаласи” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Шарқ алломалари меросида маънавият масаласи” модули мазмуни ўқув режадаги “Мустақиллик йиларида маънавий соҳада эришилган ютуқлар ва таълим тарбия тизими олдида турган муаммолар”, “Маънавият асослари”, “Тарих”, “Фалсафа”, “Социология”, “Психология”, “Педагогика”, “Антропология”, “Этика”, “Эстетика”, “Диншунослик”, “Фан фалсафаси”, “Қадриятлар фалсафаси” кабилар билан узвий алоқадорликда.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар эгалланган билимлар инсон маънавиятини ривожлантирувчи асосий омиллар бўлиб, улардан илмий ва ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида, шунингдек кундалик ҳаётда фойдаланиш мумкин.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси					
			Жами	Назарий	Амалий машғулот			
1.	Шарқ алломаларининг дунё илм-фани ривожида тутган ўрни	4	4	2	2	-		
2.	IX-XII асрларда яшаб, ижод этган мутафаккирларнинг маънавият ривожига қўшган хиссаси	8	6	2	4	2		
3.	Тасаввуф ва унинг маънавиятга таъсири	6	6	2	4	-		
4.	XIV-XV асрларда маънавий-маърифий тафаккур тараққиёти	8	6	2	4	2		
5.	Шарқ илмий-маърифий марказларининг замонавий аҳамияти	4	4	2	2	-		
		30	26	10	16	4		

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-Мавзу: Шарқ алломаларининг дунё илм-фани ривожида тутган ўрни Режа**

- 1.Шарқ мутафаккирларининг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган хиссаси
- 2.Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг шарқ мутафаккирлари меросига янгича ёндошувнинг ўзига хослиги
- 3.Мутафаккирлар мероси ёш авлод учун ибрат мактаби сифатида.

Аждодларимиз фаолияти, ҳаёти, ўлмас мероси юксак мэрраларни кўзлаган ёшларимиз учун ибрат мактаби эканлиги. Ўрта асрларда она-заминимиздан етишиб чиқсан минглаб олиму фузалолар, буюк мутафаккирлар, шоирлар башарият илм-фан ва маънавият осмонининг ёрқин юлдузлари. Буюк аждодларимизнинг математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлоқ, фалсафа каби кўплаб соҳаларга оид асарлари. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шахрисабз, Термиз ва

бошқа шаҳарлардаги осори атиқалар бутун жаҳоннинг бебаҳо мулки эканлиги. Алгебра фанига асос солган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий илмий кашфиётлари. Аҳмад Фарғоний мероси. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 1998 йилда Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда нишонланиши. Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний меросининг Шарқ фалсафий, ижтимоий, ахлоқий фикри ривожидаги ўрни. Шарқ ва Европада «Шайх-ур раис - олимлар бошлиғи» унвонига эга бўлган аллома Абу Али ибн Сино (980-1037) нинг илмий мероси. Шарқ мутафаккирларининг фундаментал тадқиқотлари умуминсоний маънавий-маърифий, маданий тараққиётда янги босқич сифатида.

## **2-Мавзу: IX-XII асрларда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг маънавият ривожига қўшган ҳиссаси Режа**

- 1.IX-XII асрлар Шарқ уйғониш даври сифатида**
- 2. Шарқ мутафаккирларнинг маънавий мероси (Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий ва ҳ.к)**
- 3. IX-XII асрлар маънавияти ва маърифати ривожида панднома асарларнинг ўрни.( Қутадғу билиг”, ”Қобуснома”).**

IX-XV асрларни Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида шартли тарзда «Ренессанс» (уйғониш) даври. Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг илмий, маънавий меросида ўзбекона ахлоқ, маънавий фазилатлар ҳақидаги фикрлар. Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Бухорий, Ғаззолий, ва бошқа улуғ зотларнинг ҳаёт тарзи, илм учун фидойилиги, эътиқод-иймонининг поклиги. IX-XII асрлар маънавияти ва маърифати ривожида панднома асарларнинг ўрни. “Қутадғу билиг”, ”Қобуснома”.

## **3-Мавзу: Тасаввуф ва унинг маънавиятга таъсири Режа**

- 1.Тасаввуф (сўфизм) таълимотининг пайдо бўлиши.**
- 2.Тасаввуф таълимоти намоёндалари (Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Жалолиддин Румий ва ҳ.к).**
- 3.Тасаввуф таълимотида илгари сурилган маънавий-ахлоқий ғояларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.**

Тасаввуф (сўфизм) таълимотининг пайдо бўлиши. Сўфизм тушунчаси. Тасаввуф ва унинг маънавий жиҳатлари. Тасаввуф - инсон ҳақидаги илм эканлиги. Диний ва дунёвий иймон ҳақида. Ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий, Хожа Абдухолик Фиждувоний, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Али Ромитаний, Абу Али ал-Фармадий, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Аҳмад Яссавийлар юртимиз ва ҳалқимизнинг файзи камоли. Тасаввуф таълимотида илгари сурилган маънавий-ахлоқий ғояларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.

## **4-Мавзу: XIV-XV асрларда маънавий-маърифий тафаккур тараққиёти Режа**

- 1 Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида яратилган маънавий мероснинг ўзбек халқи маънавий тикланишида тутган ўрни.**
- 2. Шарқ мутафакирлари меросида маънавий баркамоллик масаласи ( Жомий, Навоий, Ҳусайн воиз Кошифий, Бобур в.х.з)**
- 3. XIV-XV асрлар маънавий маънавий-маърифий тафаккурининг умумисонийлик моҳияти.**

Амир Темур буюк давлат арбоби, юксак маънавият соҳиби. Темурийлар сулоласи даврида маънавият ва маърифат ривожи. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида яратилган маънавий мероснинг ўзбек халқининг маънавий тикланишида тутган ўрни. «Темур тузуклари». Улуғбек Жомий, Навоий, Али қушчи, Мирхонд.; Камолиддин Беҳзод маънавий мероси. Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний», «Тўрт улус тарихи», Алишер Навоийнинг «Ҳамса», «Лисонуттайр» асарларида маънавий баркамоллик масаласи. Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” да ахлоқ масалалари. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ўзбекларга хос маънавий-ахлоқий сифатларнинг тасвирланиши.

## **5-Мавзу: Шарқ илмий-маърифий марказларининг замонавий аҳамияти Режа**

- 1.«Байт ул-ҳикма» (Донолар уйи) ва Хоразм Маъмун академиясида амалга оширилган кашфиётлар, ихтиrolар.**
- 2. Шарқ илмий-маърифий марказларининг умумисоний аҳамияти.**
- 3. Замонавий олим ва тадқиқотчиларнинг шарқ мутафакирлари меросини ўрганишдаги роли.**

Бағдодда «Байт ул-ҳикма» (Донолар уйи) ташкил этилиши. Хоразм Маъмун академиясида амалга оширилган кашфиётлар, ихтиrolар. Академия ташкилотчиси ва раҳбари бўлган Абу Райҳон Берунийнинг серқирра фаолияти. Марказий Осиёдан етишиб чиқсан мутафакирлар, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Фаробий, Ибн Сино, ал-Беруний каби мутафакирлар фаолияти. Хоразм Маъмун академияси 1000 йиллиги нишонланиши ва унинг қайта ташкил этилгани. Ўрта Осиёning кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро, Хива, Самарқанд каби шаҳарлари қадимдан фан, маданият ва маънавиятнинг маркази бўлиб келганлиги .Шарқ мутафакирлари меросининг замонавий аҳамияти.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР**

Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида, таянч олий таълим муассасаларининг кафедраларида

ташкил этилади.

Амалий машғулотларда таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга оид меъёрий-хуқуқий хужжатларни амалда қўлланилиши ва улар асосида ишлаб чиқиладиган бошқа ташкилий характерга эга бўлган хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш масалалари ўрганилади.

**Амалий машғулотларда қўйидаги мавзулар ва вазиятли масалалар ўрганилади:**

- 1.Шарқ алломаларининг дунё илм-фани ривожида тутган ўрнини таҳлил қилинг.
- 2.IX-XII асрларда яшаб, ижод этган мутафаккирларнинг маънавият ривожига қўшган ҳиссасини изоҳланг.
- 3.Тасаввуф ва унинг маънавиятга таъсири қандай?
- 4.XIV-XV асрларда маънавий-маърифий тафаккур тараққиёти босқичларини аниқланг.
- 5.Шарқ илмий-маърифий марказларини биласизми?

## **6. Шарқ алломалари маънавий меросини амалиётга кенг тарғиб этиш бўйича сизнинг фикрингиз?**

№	Асосий ютуқлар нималардан иборат?	Мавжуд муаммолар?	Муаммоларни бартараф этиш механизми?
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қўйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalar қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълимнинг тавсия этилаётган тахминий мавзулари:**

1. IX-XII асрларда яшаб, ижод этган мутафаккирларнинг маънавият

ривожига қўшган ҳиссаси

2. XIV-XV асрларда маънавий-маърифий тафаккур тараққиёти

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Раҳбарий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-21 жилдлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2014.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

#### **Дарслик ва ўқув қўлланмалар:**

4. Абдураҳмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. / Ўқув қўлланма. Тошкент: Университет, 2009.
5. Отамуротов С., Абдураҳмонов М, Хусанов С. Маънавият асослари. / Ўқув қўлланма. Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2011.
6. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. / Ўқув қўлланма. Тошкент: Cho’lron номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006.
7. Қуранбоев Қ., Абдураҳмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиши бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: 2010.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис.4- китоб. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. -527 б.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси рашириёти, 1993. -223 б.
3. Ал-Фақих Абу Лайс Ас-Самарқандий. Танбехул-ғоғилийн. Биринчи китоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. -112 б.
4. Алишер Навоий. Маҳбуб-ул қулуб. Асарлар, 13 жилд, - Тошкент, 1966.
5. Амир Темур ўғитлари. - Тошкент, 1992.
6. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. - Тошкент, 1991.
7. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Тошкент. “Ўқитувчи” 1992.
8. “Ал-Мотурудий таълимоти ва унинг 10-12-асрларда Мовароуннаҳр маданиятида тутган ўрни” Маърузалар тўплами.-Тошкент 1999.
9. Кайковус. Қобуснома. - Тошкент. “Ўқитувчи”,1986.
10. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. - Тошкент “Ёзувчи”,1996.
11. Комилов Н. Тассаввуф. Иккинчи китоб. - Тошкент “Ёзувчи”,1999.
12. Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент, 1991.
13. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. - Тошкент, 1990.

## **Фармон ва Қарорлар**

1. Республика “Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил, 23 апрель Фармони.
2. “Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил, 9 сентябрь Фармони.
3. “Тошкент Ислом унверситетини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1999 йил 7 апрель фармони.
4. “Республика маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб қувватлаш тўғрисида”
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1999 йил, 3 сентябрь Фармони.
6. “Маънавий ва маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон
7. Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июл Қарори
8. Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази қошидаги “Олтин мерос” халқаро ҳайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 28 сентябрь Қарори.

## **Журнал ва вақтли матбуот материаллари**

1. Ахмедов Б. Амир Темур ва шарқнинг уйғониш даври. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1999, 9 май.
2. Даврон А. Маънавият даҳосини тавоф этайлик. Миллат ва тараққиёт. // “Ватан”, 1999. Жабборов Ш. Маънавиятнинг фалсафий кирралари. // “Маърифат”, 1996, 20 ноябрь.
3. Маънавият жамият тараққиётининг асоси. // “Ўзбекистон овози”, 1995, 16-февраль.
4. Маънавият-давлат миқёсидаги масала. // “Маърифат”, 1997, 4 декабрь.
5. Отамуротов С. Баҳронов Ж. Миллий ўзликни англаш – ўтиш даври сиёсатининг устувор йўналиши. // “Халқ сўзи”, 1995, бмай.
6. Юсупов Э. Маънавият мезонларига янгича ёндашув. // “Ўзбекистон овози”, 1995, апрел.
7. Вафоев О. Маънавият тараққиёт омили. Истиқлол ва маънавият. // “Мулоқот” 1995, 2-сон.
8. Жумабоев Й.Ж. Инсонинг ҳаёт мазмуни. // “Фан ва турмуш”, 1996, 3-сон.

## **Электрон таълим ресурслари:**

www.Ziyonet.uz - Ахборот, таълим портали

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) – Маънавият, маданият, адабиёт ва санъат портали

[www.qadriyat.uz](http://www.qadriyat.uz) – миллий ва диний қадриятларимиз ҳақидаги саҳифа

[www.acmeology.com](http://www.acmeology.com) – акмеология фанига бағишенгандык портал

[www.akmeology.ru](http://www.akmeology.ru) – “Акмеология” илмий – амалий журнали саҳифаси

[www.lex.uz](http://www.lex.uz) – миллий қонунчилигимиз баъзаси

[www.turklib.uz](http://www.turklib.uz) – Туркистан кутубхонаси

[www.xs.uz](http://www.xs.uz) - “Халқ сўзи” газетаси

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz) – педагоглар портали

[www.philosophy.ru](http://www.philosophy.ru) – фалсафа фанига бағишенгандык сайт

## **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

### **1-Мавзу: Шарқ алломаларининг дунё илм-фани ривожида тутган ўрни**

#### **Режа**

- 1.Шарқ мутафаккирларининг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси**
- 2.Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг шарқ мутафаккирлари меросига янгича ёндошувнинг ўзига хослиги**
- 3.Мутафаккирлар мероси ёш авлод учун ибрат мактаби сифатида.**

#### **ТАЯНЧ СЎЗЛАР**

*Форобий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Фарғоний, Мирзо Улугбек, Газзолий, Бухорий, Термизий, Нақишибандий, Яссавий, Жалолиддин Румий, Жомий, Навоий, Кошифий, Беҳзод, Бобур маънавият, илм-фан.*

#### **1.1. Шарқ мутафаккирларининг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси**

Бугунги кунда ўтмиш маданий-маърифий меросини, жумладан Шарқ халқлари маънавий қарашларини ўрганиш жамият тараққиёти учун зарур бўлган долзарб масалалардан бирига айланган. Шарқ минтақаси тафаккури тарихида вужудга келган ғоялар ва таълимотларнинг моҳиятини ўргаништобора янгиланиб бораётган фалсафий тафаккуримизнинг ўтмиш маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган Шарқ ахлоқий-маънавий, ижтимоий тафаккурининг янгидан – янги уфқларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки аждодларимиз қолдирган маданий меросда барча даврлар учун керак бўладиган илғор фикрлар борки, булар бугунги тараққиёт учун ҳам муҳим. Ўтмишдаги илғор мутафаккиримизнинг мероси инсоннинг яшашдан мақсади, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, тарбияси, ҳаёти ҳақидаги пурмаъно фикрли юксак тафаккур маҳсулидир. Улар халқимизнинг маънавий дунёсини янада бойитишда, шахсни камол топтиришда, мустақил давлат фуқаросининг дунёқарашини юксалтиришда амалий ёрдам бериб келмоқда.

Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чукур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо бериш, ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим. Шарқ оламида, хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида ривожланган маданиятнинг мавжуд бўлгани ҳақида қадимги бақтрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар, деворий тасвирий

санъат асарлари ва ҳайкалчалар, архитектура намуналари далолат беради. XI-XIII асрларда асос солинган Хоразм давлати, Форс кўрфазигача бўлган худудлардаги қўшни халқлар ерларини бирлаштирган ҳолда, Осиё қитъасининг катта қисмини қамраб олган. Милодгача бўлган II асрдан милодий XV асрга қадар қадимий халқаро транспорт артерияси вазифасини бажариб, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўртаер денгизи минтақаси каби ҳудуд ва мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипак йўлининг улкан, бекиёс ролини баҳолашнинг ўзи қийин. Мазкур йўл нафақат юқорида зикр этилган худудлар ўртасида савдо-сотик алоқаларини, балки қитъалар ва давлатлар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилди, янги технология ва ишланмаларнинг (ипак, чинни буюмлар, порох, қофоз ва бошқа кўплаб маҳсулотлар) тез тарқалишида, қишлоқ хўжалиги экинлари ва агротехнологияларнинг, шунингдек, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарди ва шу тариқа цивилизациялараро муроқот ва технологиялар алмашуви учун шартшароитлар яратди.

Бу даврларда турли мамлакатлар халқларининг илмий билим ва ютуқлар билан бир-бирини бойитиб бориши алоҳида роль ўйнади. Буюк Ипак йўли орқали Европага, Европадан эса Осиёга Шарқ ва Ғарб оламидаги улуғ аллома ва мутафаккирлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар етказилди. Сократ, Платон, Аристотель, Птоломей ва антик даврга мансуб бошқа буюк алломаларнинг илмий асарлари, ғоя ва кашфиётларини ўрганиш учун амалий имконият вужудга келди. Ўрта асрлар Шарқида маданиятли киши Грамматикани, риторика, тарих, географияни, шеъриятни билиши керак бўлган.

Атоқли астроном Ян Гельвеций томонидан 1647 йили нашр қилинган “Целенография” китобида айтилишича Ойдаги кратерлардан иккитасига буюк ватандошларимизнинг Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи берилган.

Ўзбекистоннинг ўзида китоб фондларида 100 мингтадан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Европа ва Осиёнинг Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларида кутубхоналарнинг “олтин фонд”ини ташкил этади. Аҳмад Фарғоний IX асрда яратилган “Астрономия асослари” фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққан ва шунингдек, Нил дарёсида “ниломер” деган, кўп асрлар давомида сув сатхини

ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машхур иншоотни яратган.

Абу Наср Форобийни X асрнинг қомусий алломаси замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, “Шарқ Аристотели” деб атаганлар. У кўплаб фанларни илмий қашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантириди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машхурлари “Моҳият хусусида сўз”, “Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб”, “Тафаккур моҳияти” ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва шарқ тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чукур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда..

Абу Али ибн Сино Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти аввало тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишиланган. Ибн Сино (980-1037) “ТИБ қонуни” Европада дарслик сифатида ўқиб келинган ва бугун ҳам бутун жаҳон аҳли бу асардан баҳраманд бўлиб келмоқда.

Абу Райхон Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради. Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъя мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталиши бежиз эмас. Яна бир буюк мутафаккир Хоразмий Боғдоддаги Байт-ул ҳикма илмий марказини мудири бўлган, Ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини, илм-фан соҳасига жорий этган, Европа ва Яқин Шарқ илмини қадимги ҳиндларнинг ўнлик тизими билан танишитиради, “Китоб ал жабр ва ал-муқобала”, “Астролябия бўйича рисола”, “Ернинг шакли ҳақида китоб”, “Тригонометрик жадваллар” каби асарлар муаллифидир. Асосий илмий қашфиётлари: Ер меридианини узунлигини аниқлаган, Ер ҳаритасини тузган, Арифметикага асос солган, Алгебрани мустақил фан сифатида шакллантирган. Мирзо Улугбек XV асрда тузган астрономия жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди. Мирзо Улугбек Учта мадраса бунёд этган – Бухоро мадрасаси (1417 й), Самарқанд мадрасаси (1417-1420 йй) ва Фиждувон мадрасаси (1433 й); 1424-1429 йилларда Самарқанд яқинида Улугбек расадхонасига асос солинди; Самарқандда 15 минг томдан иборат кутубхона ташкил этди.

## **1.2. Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг шарқ мутафаккирлари меросига янгича ёндошувнинг ўзига хослиги.**

Мустақилликдан кейин шарқ мутафаккирлари меросига бўлган муносабат ўзгарди. Шарқ мутафаккирлари таваллуд айёмлари кенг миқёсда нишонланиши, уларнинг асарлари қўп миқёсда чоп этилиш ва уларнинг асарларига оид илмий тадқиқотлар сони ошиб бориши ҳам фикримизни тасдиқлайди.. Нафақат Марказий Осиё балки жаҳон олимлари уларнинг меросига қата-қайта мурожаат этимшмоқда. Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг биз учун номаълум бўлган саҳифаларини очишга ёрдам берган япон профессори жаноб Като минтақамизнинг йирик тадқиқотчиси ҳисобланади. Унинг Буюк Ипак йўлини, Бақтрия давлатини ўрганишга бағишлиланган ишлари, шунингдек, 1989 йилдан буён Сурхондарё вилоятининг қўҳна Далварзинтепа ва Қоратепа шаҳарлари ўрнида олиб бораётган археологик тадқиқотлари, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобур ва Марказий Осиёнинг бошқа улуғ мутафаккирлари асарларини япон тилига қилган таржималари бизнинг улкан минтақамиз тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларни жаҳон мулкига айлантириш имконини берди.

Америкалик тарихчи, археолог, антрополог, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи – профессор Фредерик Старр жаноблариридир. Унинг 2009 йилда “Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши” деб ном олган эссеси АҚШда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материали сифатида эътироф этилган.

Шарқ Ренессанси даври Ҳиндистоннинг академик ва маданий доиралари томонидан ҳам чуқур ўрганилмоқда. Бугун ушбу анжуманда Индира Ганди номидаги Миллий маданият марказининг илмий раҳбари, IV-XV асрлардаги Ўрта Осиё ёзма манбаларини қиёсий ўрганиш бўйича узоқ йиллардан буён самарали иш юритиб келаётган профессор Мансура Ҳайдар хоним ҳам иштирок этаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Олиманинг “Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарининг тарихий аҳамияти” деб номланган илмий монографияси халқаро миқёсда кенг эътироф этилган бўлиб, у Амир Темурнинг ҳаётлиги даврида унинг давлатчилик фаолиятига бағишлиб ёзилган ягона китобни батафсил тадқиқ этишга қаратилган.

Қоҳира университети профессори, турк филологияси ва адабиёти бўйича таникли олима Магида Махлуф хоним ўтган йили “Бобурнома”ни араб тилига таржима қилиш бўйича узоқ йиллик ишини якунига етказди ва унда ўзининг чуқур шарҳлари ва аввалги тадқиқотларга доир танқидий таҳлилларини баён этди. Энг муҳими, бизнинг буюк аждодимиз Захириддин Мухаммад Бобурнинг шоҳ асари билан инглиз, форс ва бошқа кўплаб тиллар қатори эндиликда араб тилида ҳам танишиш имкони пайдо бўлди.

Шарқ тарихи ва фалсафасининг турли йўналишлари бўйича 60 дан ортиқ нашр қилинган ишлар муаллифи, Бельгиядаги Лувен католик университети профессори Юль Янссенснинг илмий фаолиятини ҳам биз юксак баҳолаймиз.

Олимнинг “Ибн Сино ва унинг араб ва лотин дунёсига таъсири” китоби, “Абу Али ибн Сино ва унинг мероси” тўплами фақат мутахассислар эмас, балки бутун дунё китобхонлари орасида ҳам юқори баҳоланди ва кенг эътироф этилди.

Европада таникли врач, соғлиқни сақлашнинг замонавий тизимини ташкил этиш соҳасида тан олинган эксперт, доктор Марк Боннелнинг фидокорона фаолияти катта хурмат ва эҳтиромга сазовордир. У раҳбарлик қилаётган “Абу Али ибн Сино – Франция” уюшмаси Франция ва Европада Ибн Синонинг маданият, фалсафа ва тиббиёт соҳасидаги илмий асарларини оммалаштиришга бекиёс ҳисса кўшмокда. Шунингдек, Утрехтдаги Фан тарихи институтидан машхур голланд олими Роберт ван Гент ҳам иштирок этмоқда. Ушбу тадқиқотчининг нашр этилган ўндан ортиқ китоби, 60 та мақоласи фақат астрономия, картография ва геодезиянинг бугунги долзарб муаммоларини эмас, айни пайтда уларнинг тараққиёт тарихини, жумладан, ўрта асрлар Шарқига мансуб даврни ҳам қамраб олади.

### **1.3. Мутафаккирлар мероси ёш авлод учун ибрат мактаби сифатида.**

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳамма вақт жамиятнинг муҳим ва асосий мақсади бўлиб келган. Бугунги кунда ўтмиш маданий-маърифий меросини, жумладан Шарқ халқлари ахлоқий қарашларини ўрганиш жамият тараққиёти учун зарур бўлган долзарб масалалардан бирига айланган. Чунки аждодларимиз қолдирган маданий меросда барча даврлар учун керак бўладиган илгор фикрлар борки, булар бугунги тараққиёт учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ўтмишдаги илгор мутафаккирларимизнинг мероси инсоннинг яшашдан мақсади, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, тарбияси, ҳаёти ҳақидаги пурмаъно фикрли юксак тафаккур маҳсулидир. Улар халқимизинг маънавий дунёсини янада бойитишда, шахсни камол топтиришда, мустақил давлат фуқаросининг дунёқарашини юксалтиришда амалий ёрдам бериб келмоқда. Улув испан адиби Сервантеснинг, тарих – фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўгит, келажак учун эса огоҳлантиришдир, деган сўзларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки энг аввало, ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу – бебаҳо бойлик, янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, керак бўлса, янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир. Шу борада мустақилликдан сўнг шарқ мутафаккирлари мероси асосида олиб борилган илмий ишларни таъкидлаш лозим. Самарқандада Марказий Осиё мутафаккирлари илмий меросига бағишилаб ўтказилган халқаро конференцияда жаҳон олимлари бу мутафаккирлар меросининг замонавий жиҳатдан ҳам муҳимлигини такидлашди ва ўзаро ҳамкорик асосида бу мўътабар манбаларни ўрганиш ва таҳлил этиш юзасидан фикрлашдилар.

## **АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий:**

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. Ўзбекистон. 1996-2009.
2. Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., “Маънавият” 2008.
3. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1998
4. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик /Дарслик. Т. Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти, 2010.
5. Умаров Э.У., Загритдикова Ф.Б. Этика /Учебник для вузов. Т: Чарос. 2005.
6. Нурматова М.А. Шарқ ахлоқий тафаккур тараққиёти босқичлари /Услубий қўлланма. Т.: Университет. 2008.

### **Кўшимча:**

1. Жумабоев И. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т., Ўқитувчи, 1997
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., Шарқ, 2004.
3. Фалсафа қомусий луғат. Т., Шарқ, 2004.
4. Буюк сиймолар, алломалар. (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар.). 1-3 китоб. Т., Ўзбекистон, 19996, 1997.
5. Зуннун Ш. Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида. Т., Ўқитувчи, 1996.
6. Комилов Н. Комил инсон-миллат келажаги. Т., «Ўзбекистон», 2001.
7. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: F.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи. 2009 йил
8. Шеров А. Келмагу-кетмақдин не экан мақсад? «Тафаккур» жур. Т., 2006 1-сон.
9. Абу Абдуллоҳ Мухаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис.4- китоб. – Тошкент: Қомуслар Баш таҳририяти, 1996. -527 б.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси рашириёти, 1993. -223 б.
11. Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Самарқандий. Танбеҳул-ғофилийн. Биринчи китоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. -112 б.
12. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуబ (Қалблар севгилиси). – Тошкент: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. -112 б.

### **Назорат саволлари**

1. Алгебра фанига асос солган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий илмий кашфиётлари нималардан иборат?
2. ЮНЕСКО қарорига мувоғиқ, Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги қачон халқаро миқёсда нишонланди?
3. Шарқ ва Европада «Шайх-ур раис - олимлар бошлиғи» унвонига эга бўлган аллома ким?
4. Берунийнинг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси нималардан иборат?
5. Форобий меросини тадқиқ этган қайси замонавий олимларни биласиз?
6. Мирзо Улугбекнинг қайси асари дунё миқёсида ўрганилади?

## **2-Мавзу: IX-XII асрларда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг маънавият ривожига қўшган ҳиссаси**

Режа

1. IX-XII асрлар Шарқ уйғониш даври
2. Шарқ мутафаккирларнинг илмий, маънавий мероси(Форобий, Ибн Сино Хоразмий, Беруний, Фарғоний, ва ҳ.к)
3. IX-XII асрлар маънавияти ва маърифати ривожида панднома асарларнинг ўрни.( Қутадғу билиг”, ”Қобуснома”).

**ТАЯНЧ СЎЗЛАР:** Уйғониш даври, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Фарғоний, Мирзо Улугбек, Ғаззолий, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, ҳинд ҳисоби, Беруний асли Юлдузлар жадвали, Кимёи саодат, Қутадғу билиг, Қобуснома.

### **2.1. IX-XII асрлар Шарқ уйғониш даври**

Тадқиқотчи-олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидағи Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Бу даврда яшаган Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Исмоил Бухорий, Абу Исо Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Юғнакий каби юзлаб алломалар жаҳон маданияти ва цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшдилар. Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа олимлар математика, астрономия, табобат, жуғрофия ва бошқа фанлар билан шуғулланиб, жаҳон илму фанини ривожлантирилар. Бу даврда, айниқса, илм-фан соҳасидаги катта ютуқларга эришилганлиги билан характерланади.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчilar қайд этганидек, агар Европа Уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурданалари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди.

**Ал-Хоразмий** (783-850й) Ўрта аср Шарқ ва Ғарб математикаси тарихида хоразмлик олим, математик астроном, географ Муҳаммад бин мусо Ал Хоразмий, айниқса, аҳамиятли рол ўйнайди. Унинг асарлари туфайли хоразмлик олимларга кўпдан бери маълум бўлган ҳинд математикаси Ғарбга ҳам йўл очиб, кириб борди. Абу Абдуллоҳ Хоразмий ўз даври анъаларига кўра, илм-фанларни тасниф этишда, уларни Шариат илмлари ва ноарабий илмларга ажратади. Ал-Хоразмий номи ҳалигача ҳозирги математика

терминологиясида «алгорифм» формасида («Ал-Хоразмий» номидан ўрта асрда бузиб айтилган «алгоризм» сўзидан олинган) яшаб келади, муайян қонунларга кўра, ижро этилган ҳар бир арифметик ёки алгебраик жараён шу термин билан аталади. Масала унинг алгорифми, ҳал қилиш методи белгилангандан сўнг ечилган ҳисобланади. Алгебра номининг ўзи (арабча «ал-жабр») Ал-Хоразмийнинг асосий алгебраик асари сарлавҳасининг биринчи сўзидан бошқа нарса эмасдир. алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривожидаги хизматлари умумэътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари "алгоритм" ва "алгебра" каби замонавий илмий атамаларда агадийлаштирилди. У ҳалифа Маъмун (813-833 йилларда ҳалифалик қилган) даври ва ундан кейин умрининг охирига қадар Бағдоддаги "Байт ул-ҳикмат"ни бошқарган. Олимга буюк шуҳратни дастлаб «Ҳисоб ал-хинд» ("Ҳинд ҳисоби") номли рисоласи олиб келган. Мазкур рисолада жаҳон фани тарихида биринчи марта ўнлик позицион система ва унинг аҳамияти ҳақида сўз боради. Хоразмийнинг ўнлик позицион системаси инсониятга чексиз қулай имкониятлар яратиб берди. Агар мазкур саноқ системаси бўлмаганида илмий тафаккур бу даражада такомил топиши амри маҳол бўларди. Хоразмий тўққиз белгидан иборат ҳинд рақами ёрдамида чексиз миқдорларни қайд этувчи ва уни осонлик билан ифодаловчи саноқ системасини кашф этди. Ҳиндарнинг тўққиз белгидан иборат рақамлар тизими мукаммал саноқ тизимига айланиши учун "0" кашф этилиб, ўз ўрнига қўйилиши керак эди. Хоразмий томонидан "0"(нул)нинг кашф этилиши инсоният илмий тафаккурининг бекиёс улкан ютуқларидан биридир. Ҳозирги замон жаҳон илмий-техника ва технологияларнинг эришаётган улкан ютуқлари асосида буюк аллома Хоразмий даҳоси ётганлигини эндиликда ҳеч ким инкор эта олмайди.. Бу ҳақда Ислом Каримов тўхтар экан: "Бугунги кунда одамзотнинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютуқларини кўз олдимизга келтирас эканмиз, беихтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак мэрраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади,"<sup>1</sup>- деб таъкидлайди.

Кишиларга фақат яхши одамлардангина дўст орттиришни маслаҳат беради. Фақат яхши ишилар қилибгина яхши натижалар кутиш мумкин, чунки "... тикан экиб, ҳосилига узум олмайсан", деб айтади.

**Аҳмад Фарғоний** «Шарқда «Ҳосиб» (математик) деган лақаб олган ал-Фарғоний араб илмий атамашунослиги ривожланишига катта ҳисса қўшиб, Птолемей «Юлдузлар жадвали»даги маълумотларни текширишда иштирок этди ва Боғдод расадхонасида астрономик кузатувишлари давомида 812 йилги қуёш тутилишини олдиндан билди. Ернинг шаршаклида эканлигини

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: "Маънавият", 2008. 41- бет

далиллар билан исботлади<sup>2</sup>. Аҳмад Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб» асарининг қўлёзма нусхаси Мисрдаги «Дор ал-қутб» кутубхонасида, «Китоб ал-ҳаракат, ас-самовиява жавомиъилм ан-нужум» («Сайёralарилми»), «Китобул-комилфил-устурлоб» («Астролябияҳақида мукаммалкитоб»), «Фисанъат ал-устурлоб» («Астролябиясанъатиҳақида»), «Рисолатул-фусулматҳал фил-Мажисдий ва хува салосуна фаслун» («Ўттиз бобдан иборат Мажисдийга кириш ф асллари рисоласи») каби асарларининг қўлёзма нусхалари Фарбдаги йирик кутубхоналарда сақланмоқда. “Астрономия ва астролябияга кириш”, “Фалакдан бўладиган сабаблар”, “Астролябия фани усуллари”, “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум” каби асарлари мавжуд. Бу асарларнинг ҳар бирида астрономияга оид янги, қимматли фикрлар айтилган<sup>3</sup>. Бизнинг фикримизча, Фарғоний амалга оширган ҳисоб-китобишлари – хоҳ уриёзиёт, хоҳу астрология, хоҳ угеографияга тааллуқли бўлсин, ниҳоятда мукаммал эди. Зеро, «Европада Ал-Фраганус номи билан машҳур бўлган бу алломанинг илм-фан ривожидаги нуфузи шу қадар юксак эдики, унинг исми катта шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрда Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилгани бу фикрни исботлайди томонидан IX асрда яратилган “Астрономия асослари” фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек, Нил дарёсида “ниломер” деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди.

## 2.2. Шарқ мутафаккирларнинг илмий, маънавий мероси(Форобий, Ибн Сино Хоразмий, Беруний, Фарғоний, ва ҳ.к)

Хоразмлик олим, математик, астроном географ ва тарихчи Ал-Беруний ўрта аср фанининг ёрқин намоёндаларидан биридир. Улуғ қомусий аллома Абу Райхон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради.

Бошқа ишлар қаторида, бурчакнинг уч тарафлама кесиши маси ва

<sup>2</sup>Hoji Ismatulloh Abdulloh. Markaziy Osiyoda Islom madaniyati. –Т.: Sharq, 2005. –B.110.

<sup>3</sup>Fayzullaev O. Al-Farg‘oniyning fanniy olami//Ma’rifat. 2008 yil, 5 iyul.

кубнинг икки ҳисса катта қилиш масаласини уч босқичли тенгламани ечиш масаласига айлантиришни топди ва ҳинд алгебраси ва грек геометриясини таққослаш натижасида бунга эришди. Унинг йил ҳисоби ва календар тўғрисидаги асари янада қимматлидир. Ҳиндистон тўғрисидаги кенг тарихий этнографик китоби ҳозирги замоннинг ҳар бир олимни учун шарафли иш бўла олди. Илмнийн сон ҳаётининг мазмуни ва келажакнинг меваси деб юқори баҳолаган Абу Райхон Беруний ўрта асрнинг буюк қомусий олми, бекиёс ақл-заковат соҳиби, фанларнинг ва ижтимоий ҳаётнинг жуда кўп жиддий муаммоларини ҳал қилиб, шулар асосида жуда кўп илмий асарлар яратган улкан донишманддир. У «Ўз замонасининг ҳамма фанларини: тарих, илми ҳайъат, физика, математика, геодезия, маъданшунослик, минерологияни пухта эгаллаб олган ва бу фанлар тараққиётига катта ҳисса қўшган улкан сиймодир»<sup>4</sup>. Беруний ўз асарларида дунёнинг чексизлигини, қитъалар ва океанлар доимо ўзгариб туришини, яъни бир сув босиб, бир тоғ кўтарилиб, давр ўтиши билан денгизлар чўлга айланиши ҳодисасини илмий асослаган. Беруний Ўрта Осиё олимлари орасида биринчи бўлиб, ернинг шар шаклида эканлигини исботлади ва ер қуёш атрофида айланади, деган тўғри фикрга келди. У ер шари ўлчамини аниқлаб, эни 5 метр келадиган глобус ясади, дунё ҳаритасини чизди. Дунёнинг қаерида қандай бойликлар борлигини, денгиз сувининг ҳар кун икки марта қалқиб-қайтиб туришини, ой ва қуёш тутилишларининг сабабини соддагина қилиб изоҳлаб берди. Амударё қайси вақтда тошиб, қайси вақтда саёzlаниб қолиши жадвалини тузди. Кейинчалик мазкур асарлар илмий қадрият сифатида жаҳонга тарқалди. Шунинг учун ҳам америкалик тарихчи олим Г.Сартон жаҳон фани тарихида 12 асрни «Беруний асри» деб атади. «Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссаси билан изоҳланади»<sup>5</sup>.

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталиши бежиз эмас.

Насихат бобида уч минг сўз ёздим, уч мингдан уч калимани танлаб олдим. Бу учтадан иккитасини эсда сақлаб ва бирини унутиб юбор: Худони ва ўлим хақлигини ёдингда тут, қилган яхшилигини унутиб юбор – Беруний Ахлоқ тўғрисида насхатлари..

Х асрнинг қомусий алломаси **Абу Наср Форобийни** замондошлари,

<sup>4</sup>Hoji Ismatulloh Abdulloh. Markaziy Osiyoda Islom madaniyat. – T.: Sharq, 2005. –B.127.

<sup>5</sup>Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat–yengilmas kuch. –T.: “Ma’naviyat”, 2008. – B.42.

универсал билимларга эга бўлгани боис, “Шарқ Аристотели” деб атаганлар. Абу Наср Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларнинг барча соҳаларини қамраб олувчи 160 дан ортиқ рисола яратган. Шундан 40 таси бизгача етиб келган<sup>6</sup>. «Фозил одамлар шаҳри» асарида Форобий фикрича давлатни идора этувчи шахс ўзининг 12 та туғма фазилати ва хислати билан ажralиб туриши, уни эгаллаган бўлиши лозимлиги таъкидланади. Булар: зийрак акл; аник, лўнда баён қилиш қобилияти; соғломлик, фаросатлилик, кучли хотирага эга бўлиш, зеҳнлилик, чиройли муомалалик, маърифатга интилиш, нафсга қарши ўзини тия олиш, ҳақиқатгўйлик, олиҳимматлилик, бойликка қизиқмаслик, адолатпарварлик ва жасурлик. Бу фикрлар Ўзбекистон жамиятининг маънавий янгиланиш ишароитида ёшлар онгига миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Абу Наср Форобий инсон баҳт-саодат нималигини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, фоя ва хоҳишга айлантирмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлса-да, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа, бу қилмишлар ёмон ва ўринсиздир, дейди. Форобий, моддий ва рухий неъматларнинг ҳаммаси биргаликда уйғунлашган чоғдагина ҳақиқий баҳт-саодатга эришиш мумкин, деган фояни илгари суради. «Бойнинг бойлигини безаб, камбағалнинг камбағаллигини яширадиган» гўзалликни «адаб» деб атайди. Фаробий инсоннинг туғма қобилиятига Зукколик, донолик, зеҳн ўткирлиги, бирор касбни эгаллашга бўлган қобилиятни киритади? Фаробий Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари асарида Инсонийликни одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос деб атайди. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантирди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машҳурлари “Моҳият хусусида сўз”, “Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб”, “Тафаккур моҳияти” ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва шарқ тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чукур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда. Фаробий кўп жилдлик «Мусиқа ҳақидаги катта китоб» асарида мусиқий билимни ижро санъати билан боқлиқ бўлган мусиқий амалиётга ва мусиқанинг «соғ ўзини», ижрочиликка боқланмаган ҳолда ўрганадиган назарияга ажратади. Китобда оҳанг тазимидағи уйқунлик, зарб сингари ҳодисалар таҳлил этилади. Шу муносабат билан у товушларни эмас, балки товушлар тасаввурини берувчи ракқосларнинг мусиқий қояга бўйсунган оҳангий ҳаракатини англатувчи ритмик мимика- оҳангий ҳаракат тушунчасини киритади. Шунингдек, китобдан Яқин ва ўрта Шарқдан маълум бўлган мусиқий асбоблар, уларни ижро этиш йўллари, усуллари ҳақида, умуман мусиқа тарихи тўқрисида атрофлича маълумот олиш мумкин. Абу Наср Форобийнинг раҳбар маънавиятига доир қарашлари нафақат ўз даври, балки ҳозирги давр учун ҳам катта аҳамият касб этади. Форобийда раҳбарлик

<sup>6</sup>Ноји Исламтуллоҳ Абдуллоҳ. Марказиј Осиёда Ислом маданийати. –Т.: Sharq, 2005. –В.118.

масаласи давлат ва жамият қурилиши нүктаи назаридан билдирилган фикрлар таркибида, давлат ва жамият бошқаруви, уларни бошқарувчи раҳбар шахслар, амалдор ва мансабдорлар масалалари юзасидан баён қилинган қарашларда акс этади. Форобий мулоҳазаларига кўра ҳақиқий давлат уч нарса – фозил жамият, адолатли тузум ва одил раҳбар асосида ташкил топади ва бу давлатнинг идорасида давлатнинг уччала асоси ўз ўрни ва вақти билан тенг иштирок этади. Ана шу уччаласининг ўзаро мувофиқлиги, мақсадга кўра бир йўналишдалиги ва вазифа жиҳатидан аниқ ва ҳақиқатга қаратилган хатти-ҳаракати ҳақиқий давлатнинг юксак тараққиётини таъминлайди. Ислом оламининг энг машхур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири” деган унвонга сазовор бўлган **Абу Али ибн Синонинг ҳаёти** ва фаолияти авлодларда алоҳида ғуур ва эҳтиром туйғуларини уйғотади. Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти аввало тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишлиланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб, ҳайратта тушганлар. Шарқда «Шайх ур-Раис» номи билан машхур бўлган ўрта асрнинг буюк мутафаккири Абу Али ибн Сино математика, астрономия, физика, кимё, биология, тиббиёт, доришунослик, руҳшунослик, физиология, фалсафа, филология, таълим-тарбия соҳаларида ижод этган. Булардан 40 дан ортиғи табобатга оид, 30 га яқин рисола турли табиий фанларга, 3 рисола мусиқага, 185 рисола фалсафа, мантиқ, психология, илоҳиёт, ахлоқ-одоб ва ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишлиланган. Булардан бизгача 160 га яқин асар йетиб келган. Кўпчилиги араб тилида, баъзилари форс тилида ёзилган»<sup>7</sup>. У инсонларнинг кундалик амалий ишларидаги энг зарур ахлоқий муносабатларга камтарлик, иззат-хурмат, жасурлик, тўғрилик, соғдиллик каби хулқий қоидаларга алоҳида эътибор беради. Ибн Синонинг «Саломон ва Ибсол», «Хай й ибн Яқзон»да ахлоқий фазилатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Олим ахлоқийлик кўпроқ ватанпарварлиқда ўз аксини топади, деб тушунган. У она-Ватани Туронни Хинд, эрон ва Чин каби йирик давлатлардан ортиқ билиб, унга хизмат қилишни ўз бурчи деб хисоблаб, Ватанининг фани, маданиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган. «Улуғ бобомизнинг бой мероси, унинг 400 дан ортиқ илмий кашфиётлари, айниқса, машҳур «Тиб қонунлари» асари 500 йил давомида Европа университетларида асосий дарслер сифатида кўлланилганининг ўзи кўп нарсани англатади. Бу фундаментал асар бугунги кунда ҳам дунё табобат илмида ўзига хос қомус бўлиб хизмат қилмоқда»<sup>8</sup>. Ибн Сино ҳақиқий шеърият билан назмий тизмаларнинг фарқи борасида

<sup>7</sup>Hoji Ismatulloh Abdulloh. Markaziy Osiyoda Islom madaniyati. –T.: «Sharq», 2005. –B.123.

<sup>8</sup>Karimov I.A. Jamiyatimizni erkinlashtirish, islohotlarni chiqurlashtirish, ma’naviyatimizni yuksaltirish va xalqimizning hayot darajasini oshirish – barcha ishlarimizning maqsadi va mezonidir. T.15.–T.: «O’zbekiston», 2007. –B.87-88.

фикр юритар экан, физика ҳақида достон ёзган Эмпедокл ўз китобини вазнга солганини, лекин Эмпедокл билан Гомер асарлари ўртасида вазндан бошқа ҳеч қандай умумийлик йўқ эканини таъкидлаган устози Арасту қараашларини тўла қувватлайди: «Эмпедоклнинг ёзганлари, вазннинг пайдо бўлишига қарамай, табиий гаплардан иборат бўлиб қолган холос. Ўмернинг вазнли гаплари эса шеърий сўзлар тусини олган. Шунинг учун Эмпедоклнинг сўзлари ҳеч қачон шеър бўлолмайди», - дейди аллома.

Шунингдек, Ибн Сино ўз рисоласида, Юнон шеърияти билан араб шеъриятини солиштириб, шеъриятнинг вазифаси ҳақида фикр юритади ва бу борадаги юнонлардаги баъзи устунликларга ишора қилади. Унинг айтишича, юнонлар шеъриятда феъл-атворга қараб тақлид ишлатишни кўзлаганлар. Араблар эса, икки важдан шеър ёзганлар. Бир томондан, улар шеър орқали одамлар руҳига таъсир этмоқчи бўлганлар. Зеро шеър идрок этувчидаги ҳаяжонли ҳиссиёт, тўлқинланиш уйқотиши шубҳасиздир. Шеър ёзишнинг иккинчи сабаби - одамларни таажжубга солиш бўлган. Араблар ҳар бир нарсага ташбеҳ ишлатаверганлар, улар бу ташбеҳлари билан одамларни ҳайратга солишини мақсад қилиб қўйганлар. Юнонлар эса шеър воситасида одамлар феъл-атворига таъсир этишни, ё бўлмаса, шеър орқали одамларни ўзлари кўзлаган ҳатти-ҳаракатларидан тийишини мўлжаллаганлар.

Бундай назарий фикрларни Ибн Сино, энг аввало, ўз амалиёти орқали тасдиқлайди. Алломанинг «Саломон ва Ибсол», «Ҳайй ибн Яқзон», «Юсуф қиссаси», «Қуш рисоласи» сингари насрда ёзилган фалсафий-бадиий ва мажозий асарлари билан бирга, бизгача етиб келган шеърий асарлари ҳам катта аҳамиятга молик.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бутун бир авлоди ҳақида сўз юритар эканмиз, Амир Темур ва Темурийлар даври деб ном олган давр ҳақида, номи илм-маърифат осмонида бамисоли ёрқин юлдуз бўлиб порлаб келаётган Мирзо Улуғбек ва унинг Қозизода Румий, Али Кушчи сингари кўплаб сафдошлари ва шогирдлари хусусида эсламасдан ўтмолмаймиз. Барчамизга яхши маълумки, Амир Темурнинг набираси бўлган, 40 йил Самарқандда ҳукмдорлик қилган Мирзо Улуғбек астрономия соҳасидаги буюк аллома сифатида шуҳрат қозонган ва унинг номи ҳақли равища Коперник, Жордано Бруно, Галилей ва бошқа улуғ илм-фан даҳолари қаторида тилга олинади. Улуғбек **Самарқанд Академиясининг асосчиси**. Аллома ўзи қурдирган мадрасаларидан бирининг пештоқига «Илм олиш ҳар бир мўмин ва муслима учун фарзdir», - деб ёздириб қуйган. Буюк тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий Улуғбекка атаб «Мунтахаби жоме ва таворихи шохий» асарини ёзган.

Мирзо Улуғбекнинг XV асрда тузган астрономия жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди. Мирзо Улуғбекнинг сафдоши **Ал-Коший** биринчи бўлиб ўнлик касрларни илмий истеъмолга жорий этди, эркин даражалар илдизларининг изчил яқинлашиб бориши ва уларни топиш методларини ишлаб чиқди.

Абу Абдуллоҳ Рўдакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз

Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк файласуфлар, шоир ва маърифатпарварларнинг ижодий меросида донишмандлик ва борлиқ оламни гуманистик англашнинг жуда улкан, битмас-туганмас хазинаси сақланиб келмоқда. Бу мерос ҳақиқатан ҳам жаҳон аҳамиятига молик бебаҳо бойлик ҳисобланади.

Дунё тарихидаги биринчи туркий тиллар луғати бўлмиш “Девони луғатит-турк” китоби муаллифи Маҳмуд Кошгарий бўлиб, у ўз асарида юксак маҳорат билан тўплашга эришган сўз бойлигининг том маънодаги олтин зарраларини – туркий мақол ва шеърларни ҳам келтириб ўтган. Кошгарий туркий халқларнинг тили, маданияти, этнографияси ва фольклорининг биринчи тадқиқотчиси ҳисобланади.

Араб тили грамматикасининг асосчиси сифатида тан олинган буюк тилшунос, адабиётшунос, географ ва файласуф аллома – Маҳмуд Замаҳшарий ҳаётлик давридаёқ кенг шуҳрат қозонган. У, шунингдек, тарихдаги биринчи кўп тилли луғат – арабча-форсча-туркий луғатнинг асосчиси бўлган.

Ўрта Осиёдан етишиб чиқиб, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўз фаолиятлари давомида шаклланишига катта рол ўйнаган Фаргоний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби мутафаккирларимиз хизматлари эътироф этилиб, улар ҳақида турли тилларда кўплаб асарлар яратилган. Уларнинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган. Демак, Ўрта Осиё Уйғониш даври жаҳон, жумладан, Ғарб илм-фанига катта таъсир кўрсатди. Шарқ Уйғониш даври маданияти фанларнинг ривожланиши, қомусий олим, мутафаккирлар йетишиб чиқиши билан бутун кишилик жамияти ривожланишининг юксак босқичи бўлди. Бу даврда яратилган асарлар, обидалар миллий қадриятларимизга айланиш билан бир қаторда, умум эътирофига сазовор бўлди.

**Абу Ҳомид Мұхаммад ибн Мұхаммад ал Ғаззолий (1059-1111)** Алишер Навоий ҳазратлари "Садди Искандарий" достони муқаддимасида Ғаззолийни "Кўк гумбази узра безакли қандил", "фалақдан туриб кишиларга баҳт ва толеъ улашади" деб таърифлайди.<sup>9</sup> "Насойим ул-муҳабbat" номли асарининг 439-рақамли мақолатида эса, уни "Хужжат ул-ислом Мұхаммад ибн Мұхаммад Ғаззолий Тусий, кунияти Абу Ҳомид ва лақабли Зайнуддинидир", дея қайд қиласидар<sup>10</sup>. Абу Иброҳим ал-Бағдодий "Бағдод тарихи" асарида ёзади: "У шундай бир кимса эдик, бу дунёдаги кўзлар унингдай нотиқни, унингдай зукко ва оқилни кўрмаган эди." Ибн Муқрий "Тухфат ул-Иршода"да: "Унинг муборак исми билан кўкраклар масрур бўлиб қўтарилиб кетади, нафаслар қувончга тўлади", - дейди.

Тасаввуф ахлоқшунослигида Хужжат ул-ислом Имом Ғаззолийнинг (1058 - 1111) ўрни бекиёс. Унинг ахлоқий қарашлари, асосан, ҳар жиҳатдан буюк асар бўлмиш «Иҳёи улум ад-дин» деб аталган тўрт жилдлик китобида,

<sup>9</sup> Алишер Навоий. "Садди Искандарий". Насрий баёни билан. Ғафур Ғулом нашриёт, -Тошкент: 1991, 513 бет.

<sup>10</sup> Алишер Навоий. Муқаммал Асарлар Тўплами, 17-том, 249- бет.

шунингдек, «Кимёйи саодат», «Мукошафат ул-қулуб» асарларида ўз аксини топган. Уларда таваккул (ҳамма нарсада Аллоҳга суюниш) Худонинг яккалигига эътиқод сифатида талқин этилади ва муҳаббат, ихтиёр эркинлиги, тақдир, ният сингари муаммолар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади.

Ғаззолий муҳаббатни билишнинг маҳсули деб атайди. Зеро, инсон ниманини билса, ўшанигина севиши мумкин. Масалан, тошда муҳаббат бўлмайди, у билишдан йирок. Муҳаббат фақат билишнинг жонли субъектигагина хос сифатdir. Мутафаккирнинг фикрига кўра, муҳаббатнинг беш тури мавжуд: 1) инсоннинг ўзига, ўз камолоти ва соғомонлигига муҳаббати; 2) инсоннинг ўз ҳаётини давом эттиришини таъминловчи, уни асрорчи, ундан турли муҳликтарни (ҳалок этувчиларни) нари тутувчи валинеъматларига муҳаббати; 3) инсоннинг гарчанд шахсан ўзига яхшилик қилмаган бўлса ҳам, бошқа инсонларга хизмат кўрсатган, яхшилик қилган зотларга муҳаббати; 4) инсоннинг ташки ёки ички қиёфадаги барча гўзалликка муҳаббати; 5) инсоннинг ўзи билан ботиний (ички), яширин ўхшашлиги бор бўлган зотларга муҳаббати.

Мазкур муҳаббат турлари ҳаммасининг замирида Аллоҳга муҳаббат ётади, яъни инсоннинг ўзига, ўзгаларга, атроф-муҳитга муносабати муҳаббат орқали амалга ошади ва бу муҳаббат турларининг ҳаммаси Аллоҳга муҳаббатнинг билвосита кўринишидир. Зеро: «Ўзини англаб етган кишигина ўз Яратганини англаб етади, у ўз-ўзича мавжуд эмас, унинг борлиги, мавжудлигининг давоми, камолотга эришуви Аллоҳдан, Аллоҳ ва Аллоҳ воситасидадир», - дейди Имом Ғаззолий.

Мутасаввуф файласуфнинг ихтиёр эркинлиги борасидаги қарашларида тақдир муқаррар ҳодиса сифатида талқин этилади. Бунда ҳам билим (билиш) биринчи ўринда ту-ради; ихтиёр билимга бўйсунади. Зеро, инсон нима ўзига ёки ёки ёқмаслигини билим (билиш) орқали англаб етади. Умуман, ихтиёр эркинлиги ихтиёрнинг ўзига хос тури, у нимагаки инсон ишончсизлик туйса, ўшанга нисбатан бўлган ақлий муносабатдан юзага чиқади. Ихтиёр эркинлиги «касб» тушунчаси билан боғлиқ. Касб - касб этмоқ, ўзига олмоқ, ўзига юқтироқ сингари маъноларни англатувчи тасаввуфий атама. Масалан, Худо бир бандасини синаб кўриш учун унга ёмонликни раво кўрди, дейлик. Бу унинг тақдери, мутлақ муқаррар ҳодиса. Лекин ёмонликнинг ижроси бошқа бир одам ихтиёрига берилади, яъни синалаётган бандага ёмонлик қилиш-қилмаслиги ана шу восита-одамнинг ихтиёрий танловига боғлиқ. У - эркин. Агар у яхшиликни танласа - савоб, ёмонликни танласа - гуноҳ унинг бўйнига тушади. Худди шунингдек, ёмонлик обьекти бўлган банда агар Худонинг синовига шукр билан жавоб берса, у суюк, аксинча, шаккоклик қилиб, Худодан нолиса ёки юз ўгирса, у гуноҳкор банда. Демак, Ғаззолий тақдирнинг муқаррарлигини таъкидлагани ҳолда, инсонга маълум маънода ихтиёр эркинлиги берилганини қайд этади.

Имом Ғаззолий ният масаласида ҳам ўзига хос фикрлар билдиради. У ниятни юракнинг икки нарса - билим ва ҳаракат қамровидаги сифати деб таърифлайди. Билим ниятдан олдин туради, у ниятнинг илдизи ва шарти ҳисобланади. Ҳаракат эса ниятдан кейин туради. Уни ниятнинг меваси ва бутоғи дейиш мумкин. Ҳар бир эркин танланган ҳаракат уч нарса - билим, ихтиёр этиш ва қобилият ёрдамида рўёбга чиқади. Зеро, инсон билмай туриб - хоҳламайди, хоҳламас экан - ҳаракат қилмайди; шунинг учун ихтиёр этмоқ лозим. Ихтиёр этиш ҳодисаси юз бергандагина навбат қобилиятга келади ва қобилият инсон аъзоларини ҳаракатга туширишга киришади. Демак, ният ўрталиқдаги сифатдир.

Ният тасаввуф ахлоқшунослигига баъзан ҳаракатдан ҳам катта аҳамият касб этади. Агар яхши ният қилинса-ю, лекин инсон ихтиёрига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли у рўёбга чиқмай қолган бўлса, бундай ният амалга ошган деб ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳар бир ҳаракат ўзини уйғотадиган ниятга бўйсунади, зеро, у ўз заруриятини ўша ниятдан олади.

Шеърнинг (қўшиқнинг) Куръон оятларига нисбатан оддий кишини кўпроқ жунбушга келтиришига қодир эканини етти нуқтаи-назарга кўра исботлашга ҳаракат қилган файласуф. Инсон руҳини такомиллаштириш унинг таълим-тарбияси билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ғаззолий бу масалага алоҳида эътибор қаратади. Ғаззолийнинг фикрича, ёшларни баркамолликка етакловчи асосий мезон ақл-заковат, кучли фаросат, саҳоват, ҳалоллик ҳисобланади. Аллома ҳар бир асарида фарзандлар тарбиясига алоҳида ургу беради, ёшларни жамиятнинг келажагини қурувчилар, деб ҳисоблайди. Газзолий ўзининг «Кимёи саодат» асарида олимларни тўрт турга: 1) фақат илмга интилевчи, 2) жамиятдаги мавқенини тиклаш, 3) шухратпастлик мақсадида, 4) жамият фойдаси учун олим бўлганини айтиб ўтиб, уларнинг ҳаммаси охир-оқибат эзгулик йулида қолишларини таъкидлайди. Билим доимо эзгуликка олиб боради.

1. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ҳалок этувчи олимлар.
2. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам саодатга элтувчи олимлар.
3. Ўзини ҳалок қилиб, бошқаларни саодатга йўлловчи олимлар.

Алломанинг илмий асарларида устозлар ва мураббийлар “олимлар” деб ҳисобланган, улар донишмандларга тенглаштирилган.

Ғаззолий инсон қачон илм беришга киришса, улуғ иш ёки катта вазифани зиммасига олган бўлади, шунинг учун унинг одблари ва вазифаларини ёдда тутиши лозимлигини таъкидлайди. Ҳатто, унинг бу борадаги вазифаларини кўрсатиб беради:

Биринчи вазифа. – Муаллим таълим олувчиларга нисбатан меҳрибон, шафқатли бўлиши ва уларга ўз болалари каби муомала қилиши керак. Бу фикрни тасдиқлаш учун Газзолий пайғамбарнинг “ота ўз фарзандига қандай бўлса, мен ҳам сизлар учун шундайман”, — деган ҳадисни келтиради.

Халқимизда “Устоз отангдек улуғ” деган нақл бор. Мазкур нақл пайдо бўлишининг сабаби, устоз шогирдга билим берар экан, ота-онаси билмаган

ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтиш йўлларини ҳам ўргатади. Уни турли офат ва балолардан асрайди. Шунинг учун ҳам, муаллимнинг ҳаққи ота-онанинг ҳақидан устун қўйилади. Чунки, ота фарзанд вужуди ва фоний ҳаётининг сабабчиси бўлса, муаллим эса, унга абадий ҳаёт баҳш этади. Имом Ғаззолийнинг ёзишича, бир устознинг шогирдлари худди бир ота-она фарзандидек бир-бирларига меҳрибон бўлишлари лозим.

Иккинчи вазифа.-Устоз ўз шогирдларига холисона билим бериши, таъмагирлик қилмаслиги лозим. Билим ўргатиб, мол-дунё тўплашдан сақланиши инсоний ижобий фазилат ҳисобланади. Илм билан мол-дунёни талаб қилган одам эса, ковушнинг тагини юзи билан артган кишига ўхшайди.

Учинчи вазифа.-Устоз талаба-ёшларга лозим бўлган насиҳатларни қилиши ва уларни нолойик ишлардан қайтариши керак. Агар муаллим талабасининг илмни фақат мансаб, мол-дунё, обрў, шуҳрат қозониши учун олаётганини билиб қолса, уни бу йўлдан қайтариши зарур.

Тўртинчи вазифа.-Устоз талабадаги нолойик сифатлар, ундаги камчиликларнинг йўқотишни мулоимлик, уларнинг заарини тушунтириш орқали бартараф қилиши керак. Муаллим ўрнак, намуна кўрсатиш методидан фойдаланган ҳолда илми толибларга таъсир этиши лозим. Устозлар мулоим, ширинасўз бўлишлари, улар таълим олувчиларни ўз фарзандлари сифатида кўришлари зарур. Улар ўқувчиларга нисбатан тан жазоси қўлламасликлари, очиқчасига танбех бермасликлари керак. Чунки, ошкора шаклда танбех бериш ҳурмат пардасини йиртиб, ўқувчиларда устозга қарши чиқишига журъат пайдо қиласи ҳамда қайсарликка бўлган майлни қўзғатади.

Бешинчи вазифа.- Бир илм соҳасини ўрганаётган илми толибга бошқа соҳадаги илмни қарама-қарши қўйиш керак эмас. Шу ўринда Имом Ғаззолий мисол келтиради: масалан, тил муалими фиқҳ илмини ёмон кўрсатишга одатланган, фиқҳ муалими эса, ҳадис ва тафсир илмини бир-бирига қарама-қарши қўйиши одобдан эмас. Мана шу нарса муаллимлар учун энг ёмон ахлоқдир. Бундай шароитда таълим олувчилар иккиланадилар ва билим олишдан безадилар.

Олтинчи вазифа.-Илм ўргатишида талабанинг руҳий, ақлий ва жисмоний имкониятларини ҳисобга олиш зарур. Айрим мураккаб илмларни уни тушуниш даражаси шунга етгандан сўнг ўргатиш ўринлидир. Ўқувчига илмни унинг фаҳм-фаросати қўтаришига қараб бериш лозим. Таълим олувчилар ақллари етмаган нарсани ўрганмасликлари лозимки, уларни илмдан нафратлантириб қўяди ёки ақлларини чалкаштириб юборади. Олим киши барча билган илмларни ҳар кимга ҳам ошкор қиласвермаслиги лозим. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фикрича, бу ўқувчиларда ўша илмни тушунадиган, лекин ундан фойдаланишга лойиқ бўлган ҳолатга тегишлидир.

Еттинчи вазифа. Илми толибнинг зеҳни паст бўлса, билимларни унинг руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда соддароқ қилиб тушунтириш, ўзига муносиб бўлган очиқ илмларни ўргатиш лозим. Устозлар илмнинг нозик жиҳатларини бундай ўқувчилардан беркитганлигини айтмасликлари керак. Чунки, бу унинг очиқ илмлардаги рағбатини камайтиради, қалбига ташвиш солади ва ўзига нисбатан баҳиллик қилинган, деган гумонга олиб боради. Шу

билин бир қаторда, Ғаззолийнинг фикрича, ҳар бир шахс ўз-ўзи ва ўз фаолиятига танқидий нуқтаи назардан қараши лозим. Чунки, қачонки шахс ўзига танқидий нуқтаи назардан қарасадагина, у ўзининг қандай ишга қодир эканлигини ҳис қиласи.

Саккизинчи вазифа. Муаллим ўзи ўқитадиган илмини чуқур билиши, унга амал қилиши лозим. Чунки илм басират (қалб қўзи) билан, амал эса, кўз билан билинади. Илмга амал қилмайдиган олим жоҳил бўлади. Алломанинг ўқтиришича, муаллимнинг шогирдлар олдидаги мавқеи – қолипнинг лойга ёки дарахтнинг сояга нисбати кабидир. Қолип бўлмаса, лойдан қандай фойдаланиш мумкин, дарахт эгри бўлса, соя қачон тўғри бўлади, — деган ажойиб ўхшатиш билан устоз-шогирд муносабатларини очиб беради.

Ғаззолий таъкидлашича, муаллимлар ва олимлар кишиларга йўл кўрсатувчилардир. Агар бу борада улар нотўғри йўл тутсалар, жоҳил бўладилар ва гуноҳ қилган бўладилар. Зоро, уларнинг йўлдан тойишлари билан кўплаб одамлар ҳам тойиладилар ва уларга эргашиб кетадилар. Кимки ёмон бир одатни жорий қилса, унга ўша ишнинг гуноҳи ва уни қилган барча одамларнинг гуноҳи ёзилади.

Имом Ғаззолий ва бошқа мусулмонлар инсонга ўзидағи ақл ва заковатни ўзининг имкони даражасида, ўзига фойда берадиган тарзда ишлатишни таклиф қиласидилар.

Имом Ғаззолий ҳазратлари ўзининг “Кимиёи саодат” асарида, Эй инсон! Зоҳирингни танимоқда бош, юз, қўл, оёқ ва гўшдан ўзгани танимассен. Ботининг – руҳиятининг ахволидин билурсенким, вақтики оч бўлсанг таом ерсан. Ва ташна бўлсанг сув ичарсен. Вақтики, ғазабинг келса, бир кишига иззо берурсан. Ва шахват ғолиб келса, хотун олурсен. Ва ҳамма ҷоҳорпо- ҳайвонлар бу ишларда сенинг бирла баробардирлар. Бас, сенга лозимдурки, ҳақиқатингни талаб қилғайсен, ўз аслинг не нимарсадур ва не ердин келибсен ва не ерга одат боргунгдур? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсан ва Тангри нима учун яратибдур? Саодатинг не ишдадур?<sup>11</sup>

Босит", "Вожиз", "Восит", каби асарларидан; тафсирчилар, қалом илмининг олимлари "Қавоид ал-Ақоид", "Ар рисолат ал-Кудсия", "Ал-Иқтисод фиъл-Эътиқод" сингари китобларидан; тасаввуфчилар, умуман, бошқа барча ҳақиқат ошиқлари "Иҳяи улум ад-дин" номли буюк асаридан баҳраманд бўлдилар, катта руҳий қувончни бошдан кечирадилар. Мўмин-мусулмонларнинг ҳаммасига унинг "Хужжат ул-Ҳақ", "Муфассил ал-Хилоф", "Қавосим ал-Ботиния" каби асарлари кундалик ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш учун асқотади. "Ат-тибр ал-масбук фи насиҳат ул-мулк" ("Султонларга насиҳат") асарида жамият ҳаётининг долзарб масалалари, хусусан давлат ҳукмдори, унинг хислатлари, фазилатлари билан бир қаторда унинг зиммасида ётган мажбуриятларни келтириб ўтади. Асарда келтирилган ижтимоий муносабатлар тартиби, ҳоким ва фуқаро муносабатлар маълум бир иерхик қонун-қоидалар асосида тушунтириб берилади.

<sup>11</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиёи саодат. -Тошкент.: Адолат, 2005. 29-30 бет.

“Агар сен тўртоёқлилар, яъни ҳайвонлар, даррандалардансен, буларнинг ишларига машғул бўлғил. Ва уларнинг тариқасини ўзинга лозим тутгилки, токим тўртоёқлилар мартабаси ва уларнинг саодатига етғайсен”<sup>12</sup>.

Имом Ғаззолий одамларни ахлоқий муолажани қабул қила олиш имкониятига қараб тўрт тоифага ажратади:

1. *Гофил инсонлар.* Улар ҳақ билан ботилнинг, чиройли билан хунукнинг фарқига бормайди. Лаззатларга ҳаддан ташқари тобе бўлиб қолгани учун улар биронта истагини тўла қондиролмайди. Бу тоифа инсон муолажани жуда тез қабул қиласи. Фақатгина у бир муаллимга, муршидга муҳтож. Шунда у тез орада хулқи гўзал инсонга айланади, дейди.

2. *Жоҳил ва адашган инсонлар.* Бу тоифадагилар ёмонликнинг нелигини билади, лекин яхши ишларга одатланмаган, қилаётган ёмон амали уларга чиройли бўлиб кўринади. Аввало, улар бузуқликка одатланиш натижасида ичида маҳкам ўрнашган жуда кўп иллатларни нафсидан суғуриб олишлари лозим. Кейин яхшиликка ундейдиган сифатни қалбига экмоқлари керак, деб таъкидлайди.

3. *Жоҳил, адашган ва фосиқ кимсалар.* Бу тоифадаги киши ёмон ахлоқни яхши ахлоқ деб эътиқод қиласи. Ундаги бу қарашиборган сари такомиллашади. Шунинг учун бу тоифадаги кишининг муолажаси мушкул, соғайишига деярли умид йўқ, камдан-кам ҳолда у дардига даво топиши мумкин, дейди.

4. *Жоҳил, адашган, фосиқ ва ёвуз кимсалар.* Бу тоифага мансуб кимса нафакат бузуқ қарашибда такомиллашади, балки у ёмонликни кўпайтиришни фазилат деб билади ва бу билан фахрланади. Бу тоифадаги кишиларнинг аҳволи оғир. Чунки улар ҳақида шундай дейилган: “Кексани тарбияламоқ – мاشаққат, бўрини тарбияламоқ уни азобламоқдир”<sup>13</sup>.

Муқаддас Қуръони Каримда севикли Пайғамбаримиз Мұҳаммад (с.а.в.) ҳақларида “Албатта сиз Улуғ Хулқ устидадирсиз” деган оят нозил бўлган (Қалам сураси, 4-оят). Демак, у зот бутун башариятга ибрат бўлгулик хулқ соҳиби бўлганлар. Бу хусусда ўзлари ҳам: “Дарҳақиқат, мен улуғ хулқларни камолига етказиш учун пайғамбар қилиб юборилганман”, деб марҳамат қилганлар<sup>14</sup>.

Имом Ғаззолий хазратлари гўзал ахлоқни Ҳақ таолони севиш билан ва унга томон интилиш билан боғлади: “Инсон дунё муҳаббатини қалбидан чиқариб, ўрнини Оллоҳ таолога муҳаббат билан тўлдирса, мана шу энг гўзал ахлоқдир. Бундай хулқни ҳосил этган киши учун улуғ ва қудратли Зот – Оллоҳнинг дийдорига етишдан суюклироқ нарса йўқ”, деб таъкидлайди буюк

<sup>12</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. -Тошкент.: Адолат, 2005. 30 бет.

<sup>13</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий, “Риёзатун-нафс”, Мовароуннахр, Тошкент, 2006. 24-б.

<sup>14</sup> Қуръони Карим, (Ўзбекча изоҳли таржима), тар. А. Мансур. Тошкент, 1992. 425-б.

аллома (2, 30)<sup>15</sup>. Ҳақиқатан ҳам Шарқу Ғарбда юксак мавқе, мартабага эга бўлган, тасаввуф таълимоти ва фалсафасига улкан ҳисса қўшган илохиётчи файласуф, донишманд Абу Ҳомид Ғаззолий ахлоқий қарашлари ҳозирги давр илм-фани ва маънавияти учун ҳам битмас-туганмас бебаҳо манбадир. Аллома ёзган асарлар бундан қарийб ўн аср илгари яратилган бўлсада ҳозирги қунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотган эмас.

“Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлукдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок шоҳий нурдан иборат. Фақат инсондагина ривожланиш руҳий камолот хислати мавжуд”. Демак, инсонни тарбиялаш, унинг моддий-ҳайвоний ҳирсларини барҳам топтириш (гарчи бу тамом мумкин бўлмасада!) мумкин, ёинки, тасаввуф таълимотига асосан, инсон руҳи мутлоқ руҳнинг бир қисми бўлғанлиги боис у моддий тубанликни тарқ этиши, илоҳ сари парвоз қилиши керак. Бунинг учун инсон инсонлигини идрок этиб, ботиние оламни поклаб, маърифат нурларига бориши шарт. Бундан юқоридаги фикримизга аниқлик киритадиган яна бир хуласа келиб чиқади: модомики инсон икки олам сарвари, шарафул махлукот экан, бу унинг илоҳий-раҳмоний жиҳатига қараб айтилган гап бўлиб, комил инсонга ишорадир. Комил инсон-жамики инсонларнинг ҳақиқатидир, яъни одамийлар одамийсидир. Биз ҳар биримиз илму-амал, фазлу камол касб этиб, ана шу ҳақиқат сари интилишимиз лозим.

Калом, инсон тарбияси, инсонни нуқсонлар, гунохлардан қутқариш улуг аждодларимизнинг қайғуси бўлиб келган. Улар савоб ва гуноҳ, соя ва нур, раҳмон ва шайтон, ҳайру шарр чегарасида яратилган инсон деган шубҳаи ҳилқатни англаш, унинг раҳмоний ва шайтоний қувватлари қачон, қаерда кучга кириши, бу кучларнинг сабаби нима эканлигини тушунишга жидду жаҳд қилганлар. Айниқса, тасаввуфда инсон тарбияси, инсонни риёзатлар билан поклаш марказий ўрин эгаллаб келган. Шу асосда улар Комил инсон ахлоқи концепсиясини ишлаб чиққанлар. Шариат аҳкомига қурилган тариқат расму русумлари, чунончи, пир-муридлик анъанаси, солик одоби, покланиш, тавба-тазаррӯъ, зикру саноъ-ҳамма-ҳаммасидан мақсад инсонни юксалтириш, руҳни яйратиши, ғайб асрорини кашф этиш эди. инсонни поклаш ва камол топтириш илми бўлган тасаввуф кишидаги барча салбий хислатларни нафс тушунчасига боғлаб изоҳлайди ва унга қарши жиҳод эълон қиласди. Нафс-шайтон қутқуси, нафс-тубанликка тортадиган куч, нафс-ҳирсу ҳавас даракчиси, тاما, манманлик, жаҳолат, фаҳшни киритиб чиқарадиган қувват. Шунинг учун инсоннинг биринчи вазифаси ўз нафсини жиловлаб олиш, уни мақв этишдир.

Қаноат ва саховат, ҳиммат ва ботиний факт билан инсон ўзининг илоҳийлиги-улуглигини англаса, энг ғаддор душман нафси эканлигини ҳам англайди. Алалхусус, футувват ҳақида ёзилган китобларда инсон қалбининг саховати, мардлик ва фидойилик ақидалари кенг ёритилади, авлодларга

<sup>15</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий, “Риёзатун-нафс”, Мовароуннахр, Тошкент, 2006. 30-б.

ибрат бўлар ишлар баён қилинади.

Имом Ғаззолий яшагн давр ила бугунги куннинг диний-дунёвий ҳаётида ҳам, тушунчаларида ҳам тафовутлар мавжуд, у пайтда муҳим бўлган баъзи нарсала бугун эскирган, у пайтда рад қилинган баъзи нарсалар бугун муҳимга айланган бўлиши мумкин.

Имом Абу Ҳомид Ғаззолий “Ихё” да тўртта катта мавзуни жамлаганлар: ибодатлр ҳақидаги қисм, урф-одатлар ҳақидаги ҳалок қилувчи ва нажот берувчи нарсалар ҳақидаги қисмлар. Ҳар бир қисм ўнтадан, жами қирқта китобни ўз ичига олган. Бу ҳақда Имом ҳазратлари муқаддималарида хабар берганлар. Имом Ғазоллий бирор мавзуни ёритар эканлар, исломий одоб ва анъянага кўра, дастлаб унга тегишли оятларни келтирадилар, сўнгра Пайғамбаримизнинг ҳадисларига мурожаат этадилар, кейин эса, саҳобалар, тобеъинлар ва бошқа улуғларимизнинг сўзларидан, сийратларидан далиллар келтиридилар, шундан сўнг фикр мулоҳазаларини баён этадилар, лозим ўринларда сўзлари ҳужжат билан қувватлайдилар.

### **2.3. IX-XII асрлар маънавияти ва маърифати ривожида панднома асарларнинг ўрни.( Қутадғу билиг”, ”Қобуснома”).**

Жаҳон маънавий меросининг буюк намуналаридан бири бўлган, Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг эътиборини ўзига жалб этган Унсурул маолий Кайковуснинг “Қобуснома” қомусий асарида ҳам бу масалага алоҳида аҳамият берилади. **Кайковус “Қобуснома” асарини ўғли Филоншоҳга бағишилаб ёзган** Бу асар X1 асрда яратилган бўлсада асрлар давомида авлодларга поклик, садоқат, одамийлик, ростгўйлик фазилатларини сингдириб келмоқда. “Қобуснома” бир неча тилларга таржима қилинган ва қилинмоқда. **Кайковуснинг “Қобуснома” асари 44 бобдан иборат**

Кайковуснинг Шарқ педагогикаси тарихида ғоят қимматли асарлар қаторида турувчи «Қобуснома»сида ахлоқий тарбиядан ташқари инсон кундалик ҳаётида зарур бўлган фазилат ва ҳунарларни эгаллашда амалий қўлланма ҳамдир. Агар молсизлиқдан қашшоқ бўлсанг ақлдан бой бўлмоққа ҳаракат қил, чунки мол била бой бўлгандан, ақл била бой бўлган яхшироқдир” Қобуснома” асари инсон ҳаёти ва фалиятнинг деярли барча томонларини қамраб оловчи ўтит-кўрсатмалардан иборатdir. Унинг бош мавзуси“Эзгу одам ва инсоннинг қадр-қиммати” қайси асарнинг бош мавзуси. Унда Билим ва ҳунар эгаллаш, меҳмон кутмоқ,, фарзанд парваришламоқ одоби ҳақида муҳим ўтит ва пандлар берилади ва ахлоқий тарбиянинг ролига катта эътибор қаратилади.

Асарда нотиқлик шарҳлари учун алоҳида боб ажратилганлиги бу санъатга бўлган, унинг санъаткорига бўлган қизиқишининг орта борганлигини кўрсатади. «Қобуснома»нинг «Суҳандонлик билан баланд мартабага эга бўлиш ҳақида» деб номланган еттинчи бобида ва ҳунарни эгаллашга бағишиланган олтинчи бобида нотиқлик сирларига доир ўтитлар билдириладики, бу фикрлар ўша даврда ҳам ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Кайковус нотиқлик ҳақидаги барча фикрларини ривоятлар, ҳикоятлар

билан мустаҳкамлайди, бойитади ва қизиқарли ва ўқимишли бўлишини таъкинлайди. Бобнинг бошланишидаёқ “Киши сухандон, сухангўй (нотик) бўлиши керак. Аммо эй фарзанд, сен сухангўй бўлғил ва лекин дуруғгўй (ёлғончи) бўлмағил. Ростгўйликда ўзинг шуҳрат қозонғил, токим бирор вақт зарурат юзидан ёлғон сўз десан қабул қилғайлар. Ҳар сўз десанг ҳам рост деғил ва лекин ёлғонга ўхшағон ростни демагилким, ростга ўхшаган дуруғ дуруғга ўхшағон ростдин яхшироқдир, нединким ул дуруғ мақбул бўлар, аммо ул рост сўз мақбул бўлмас.”<sup>16</sup> дейди. Яъни киши ҳар куни рост сўзни гапириш лозим деб бошлайди.

Мутафаккир нотикнинг ҳар бир сўзи халққа маъқул бўлиши ва халқнинг фикри ҳам унга маъқул бўлишини таъкидлайди. Бундай кишини эса оқиллар сафига қўшиш мумкин дейди. Дарҳақиқат, сўз орқали инсоннинг ахлоқи, ақли, маънавий олами намоён бўлади ва шунга қараб унинг кимлиги билинади. Шунинг учун Кайковус инсоннинг сўзига қараб уни оқиллар сафига қўшади. Аллома қўйидаги ибратли ҳикояси билан мулоқот вазияти, фикр ифодаси учун танланган нутқнинг нафақат тўғри балки маҳорат билан етказилиш лозимлигини таъкидлайди.

Кайковус нотиқликни ҳунар деб билади. Билгилким, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши дейди аллома. Нотиқликни эгаллашнинг муҳим йўли бу – мashaққатли меҳнат, нутқ гўзаллиги, тингловчи қалбига тўғри йўл топишdir. Чунки нотиқликни юксалтириш, тил маданиятини шакллантириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш катта меҳнатни талаб этади. У ёрдамида инсон қалбини эгаллаш, ишончини қозониш мумкин.

Кайковус ўз асарида муомала одоби ҳақида ҳам алоҳида тўхтаб ўтади. “Халойиқнинг орасида бир кишининг қулоғига сўз айтиш яхши эмасдир. Агар бу сўз гарчанд яхши бўлса ҳам, ташқарисиндан уни ёмон сўз деб гумон қиласдилар. Ва кўп одамлар бир-биридан даргумон бўладилар. Гар сўз демок бўлсанг, шундай сўз дегилки, сўзигни рослиғига гувоҳ бўлсинлар дейди.

Кайковус “Қобуснома” да нафақат нотиқлик, балки ёзма нутқ, котиблиқ, дабирлик борасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Асарнинг ўн тўққизинчи боби “Дабирлик ва котиблиқ зикрида” деб номланади. Юқорида тўхталиб ўтганимиздек шарқда ёзма нутққа катта эътибор қаратилган. Муншоот, котиблиқ, дабирликка катта эътибор қаратилган.

Кайковус “Эй фарзанд, агар дабир ва котиб бўлсанг, ёзма нутқни яхши эгалғил, хатни яхши билғил ва кўп ёзмоқни одат қилғил, токи яхшироқ моҳир бўғайсан”<sup>17</sup> деб таъкидлайди

**Юсуф Ҳос Ҳожиб**“Қутадғу билиг” “Қутга, яъни баҳт-саодатга эриштирувчи билим” асари қомусий асарларда биридир. Буюк шоир ва мутафаккир Юсуф Ҳос Ҳожибининг ушбу асари энг эзгу инсоний фазилатларни тараннум этувчи машхур пандномалардан бўлиб, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Юсуф Ҳос Ҳожиб ўзининг “Қутудғу билиг” асарида эзгу одамга Эзгу одам халққа, раиятга фойда етказувчи, шу йўлда ҳизмат қилувчи

<sup>16</sup> Кайковус Қобуснома.- Тошкент: Истиқлол 1994, 35 бет

<sup>17</sup> Ўна манба 132 бет

деб таъриф берган. 130000 мисрани ўз ичига олган ушбу шеърий асар туркий халқларнинг ахлоқий қомуси дейиш мумкин.“Қутадғу билиг” асари мавзулари билан гоят кенг қамровли, мазмундор бўлиб барчаси инсон билан унинг ижтимоий моҳияти, тафаккури, ахлоқи, ҳаётдаги ўрни билан боғлиқ муаммолардир. Бу мавзуларнинг моҳияти образли, бадиий юкса мисралар, шеърий ҳикматлар ва мақоллларда етказилади..<sup>18</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб комил инсон ҳақида сўзлар экан унинг бир қанча фазилатларини баён этади. Илмсиз киши соғлом бўлса ҳам, у ўлиkdir. Билим инсон учун битмас туганмас мулкдир” деган фикрни ким ва қайси асарида илгари сурган ?Инсоннинг қадри унинг билими ва тафаккури, ақл-идроқи, ахлоқи билан эканлигини таъкидлайди. Ушбу асарда тилнинг фазилат ва анфаатлари, инсон ҳаётида тутган ўрни, сўз одоби масалларига жуда катта ўрин берилган. Ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликни қоралаш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри рост ва дангал гапириш, тилёғламаликни қоралаш ҳақида гап боради. Юсуф Ҳос Ҳожиб уқув ва билимнинг таржимони тил, кишига яхшилик, эзгулик, қут-иззат, обрў-эътибор тил орқали келшини таъкидлайди. Тилни нотўғри қўллаш эса уни кўпчилк олида изза қиласи, ўз бошига бало келтиради. Бу ҳақида мутафаккир шундай дейди.

Тил арслон мисоли ётар қафасда  
Бехабар бошини у ер нафасда  
Тилидан тутилган не деяр, эшит  
Амал қил бу сўзга, ўзингга иш эт  
Бало келтиради бошга бу тилим  
Сўзиннги тийиб юр, бошинг ёрмасин  
Тилингни тийиб тур тишинг синмасин.<sup>18</sup>

Мутафаккир тил, ақл, фаросатни ўз вақтида ва ўз ўрнида ишлатиш лозимлигини уқтиради. Унинг фикрича инсонга баҳт саодат келтирувчи ҳам, уни баҳтсиз қилувчи ҳам тилдир. Ўзига эсонлик тилаган ҳар бир одам ўйламасдан гапирмайди, билиб сўзлаган сўз донолик белгиси эканлигини таъкидлайди. Оз ва маъноли сўзлаш, сўзларга кўпроқ маъно сингдириш лозим. Бу ҳақида Юсуф Ҳос Ҳожиб “тилингни авайла омондир бошинг, сўзингни авайла узаяр ёшинг” деб таъкидлайди. Ёмоннинг ёши қисқа” мақолга айланиб кетган ёки мақол ундан олинган.

Асарда инсондан қоладигани эзгу сўз, у тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга кўчиб юради. Инсон оламдан ўтар лекин унинг сўзи мангу деб таъкидланади. Инсон икки нарса туфайли қарилик нималигини билмайди, уларнинг бири хуш қилиқ, бошқаси эзгу сўз. Туғилган одамдан қоладиган мерос унинг эзгу сўзи, унига амал қилган нсон эса фойда ва наф олади.

Аллома муомала одоби ҳақида тўхталар экан дағал сўз кишига оғат келтиради, ҳасадли сўз кишининг рангини сомонга айлантиради.

Яшил кўқдан инди бу бўз ерга сўз,

<sup>18</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб Қутадғу билиг. Тошкент: Юлдузча, 1990, 12 бет

Сўз билан инсонда ёруғ бўлди кўз.

Юсуф Хос Хожиб серқамроқ, теран тушунча бўлган ахокни жамиятдаги мувозанат ва осойишталиктининг асосий омили эканлигини изоҳлайди. Маъноли ва бежирими гапириш, сўзниң орқа-ўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиш, нутқий фаҳм-фаросат, нозик нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг, маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган. У тил тилсимини, қудратини ва бу қудратни тўла ишга солиш учун маҳорат ва малака талаб этишини таъкидлайди.

Тил одобининг муҳим жиҳатларидан бири катталардан олдин сўз бошлаш, сўрамасдан олдина жавоб бериш инсоний одатларга зидлиги айтилади. Тил туфайли инсон бошига бало орттириш мумкинлиги аллома томонидан таъкидланади.

Қизил тил қиласи қисқа ёш сени,

Эсонлик тиласанг, пишиқ тут уни.

Тилингга маҳкам бўл, бўлар-бўлмас гапларни гапириш инсон бошига бало келтиради дейди аллома. Керак сўзни айтиш лозим, чунки кўпгина фойдлаи сўзлар пинҳон қолса у бефойда бўлиб қолади.

“Қора бошга ёвуз ёвдир қизил тил,

Не-не бошни еди, яна егай бил,

Бошингни ўйласанг, асрагил тилинг,

Истаган онида бошга етар тил.

Аллома тирик киши сўзламасдан юра олмайди, билимли сўзласа сухбат гулига айланар, билимсиз эса ўз бошига етиши мумкин дейди.

Юсуф Хос Хожиб билимнинг белгиси тил, киши ўнта сўзни ўйлаб, биттасини айтмоғи керак. Ноўрин айтилган киши кўнглини хуфтон қиласи, орўсини кетқазади дейди. Сўзни донодан эшитиб, нодонларга қўллаш лозим, шундагина у фойдали бўлади аллома фикрича.

Юсуф Хос Хожиб **Қунтуғди**, **Ойтўлди**, **Ўгдўлмиш**, **Ўзғирмиш образлари** Ойтўлди тимсолида камтар, доно, ростсўзли инсонни келтиради. Оталар сўзи ақлнинг кўзи, Ойтўлди ўғли Ўгдўлмишга тил одоби хусусида қатор насиҳатлар қиласи.

“Кимки фароғатли кунни истаси, у феъл-атворини созлаши, тўғрилик ва ростликни танлаши лозим. Кўпчиликка бош бўлган кишининг йўли адолат, феъли равон, қилмиши эзгулик бўлмоғи, ёмонлардан узоқ турмоғи шарт”<sup>19</sup>

Нотиқлик санъатининг нодир намуналарини яратишда ёзувчи, шоир, санъаткор ва бошқа маданий-маърифий соҳа вакилларининг хизматлари катта. Юсуф Хос Хожиб ижодида ҳам нутқ маданияти ва нотиқликнинг энг муҳим жиҳати тил ва тил одоби масаласи алоҳида ўрин тутади.

“Қутадғу билиг”да шоирлар хусусда алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шоирлар сўз терувчилар дейилади.

Энди шоир қолди, у сўз терувчи,

Тилда олқиши ёки сўкиши берувчи.

<sup>19</sup> Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Тошкент: Юлдузча, 1990, 32-бет.

Қиличдан ўткирроқ буларнинг тили.<sup>20</sup>

Шоирни сўзини тинглаб қулоғингга ол, севимли кишининг юзи белгили, тил очса маъноси сўзи белгили дейди аллома.

Асарда сўзлаш билан тинглаш одоби ҳақида ҳам фикр юритилади. Сўрамоқ осон иш, Жавоб бермоқ-мушкул. Бироқ сўзлашдан кўра эшиитмоқ афзал дейди. Жаҳонда қўпни кўриб, қўпни синаган донишмандлар оз сўзлаб, қўп тинглашни маслаҳат беришган.

Ўрта асрлар мусулмон шарқи минтақаси тафаккурида ахлоқнинг моҳиятини тушунтирувчи ва ахлоқийликни тарғиб этувчи ушбу пандномалар кенг тарқалган бўлиб, ахлоқий меъёр ва тамойилларни қизиқарли ҳикоятлар орқали тингловчиларни жалб этган. Ушбу пандномаларда сўзни эшиит, аммо дарров ишона қолмагин, сабрли ва тўғри сўз бўл деб таъкидланади.

Шарқ мутафаккирлари меросида нотиқлик, нутқ маданияти ахлоқий маданиятнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Ҳар бир киши муомала, тил қонун-қоидаларига, тил одобига, тилнинг нозик томонларига эътибор қаратиши таъкидланади;

## **Назорат саволлари**

1. Кайковуснинг “Қобуснома” асаридаги касб одоби масалаларининг ҳозирги замондаги аҳамияти ҳақида фикрингиз?
2. Дўст ва душманга муносабат масаласида Кайковус билдирган фикрлар ҳозир ҳам сиз учун аҳамиятлими?
3. “Қутадғу билик”да идеал раҳбарнинг ахлоқи ҳақида илгари сурилган фикрларни ҳозирги замон раҳбарларига ҳам қўлласа бўладими? Қиёсий таҳлил қилинг
4. “Қутадғу билик”даги Заковат ва билимнинг қадри, олимларга муносабат, тил ва муомала масалалари ҳақида қандай фикр билдира оласиз?
5. Уйланиш ҳақидаги Кайковус ва Юсуф Хос Ҳожиб фикрларини қиёсий таҳлил қилинг
6. Юсуф Хос Ҳожибининг билим ва маърифатни эгаллашда тил, сўз ва тафакурнинг аҳамияти ҳақида фикрларини изоҳланг?
7. Юсуф Хос Ҳожиб адолатли, идеал раҳбарни қандай тавсифлайди?

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Абдураҳмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. / Ўқув қўлланма. Тошкент: Университет, 2009.
2. Отамуротов С., Абдураҳмонов М, Хусанов С. Маънавият асослари. / Ўқув қўлланма. Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2011.

---

<sup>20</sup> Ўша манба, 94 бет

- 3.Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. / Ўқув қўлланма. Тошкент: Cho'lpon номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006.
- 4.Қуранбоев Қ., Абдураҳмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас қуч” асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: 2010.

**Қўшимча адабиётлар:**

- 5.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Тошкент:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси рашириёти, 1993. -223 б.
- 6.Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг.-Тошкент: Фан, 1971. - 336 б.
- 7.Кайковус ‘Қобуснома.-Т.Ўчитувчи, 2006 205 б.
- 8.Алиқулов X. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривожи. Т., Фалсафа ва хуқуқ институти, 2009.
- 9..Жумабоев И. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т., Ўқитувчи, 1997.

### **3-Мавзу: Тасаввуф ва унинг маънавиятга таъсири**

#### **Режа**

- 1.Тасаввуф (сўфизм) таълимотининг пайдо бўлиши.
- 2.Тасаввуф таълимоти намоёндалари (Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Жалолиддин Румий ва ҳ.к).
- 3.Тасаввуф таълимотида илгари сурилган маънавий-ахлоқий ғояларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.

#### **Таянч тушунчалар**

*Тасаввуф, сўфийлик, тариқат, Абуязид Бистомий, Жунайд Багдодий, Бухорий, Ҳаким Термизий, Мансур Ҳаллоҷ, Абдуллоҳ Анзорий, Суҳравардий, Ибн Арабий, Нажмиiddин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Жалолиддин Румий, Насафий маънавият, нафс, иймон, комил инсон, диний ахлоқ, қалб, руҳ, илм, сабр, ҳилм.*

#### **3.1. Тасаввуф (сўфизм) таълимотининг пайдо бўлиши**

Тасаввуф Шарқ маънавияти тарихида муҳим ўрин эгаллаб келган тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастваб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёяди. Бироқ зоҳидлар узлат ва тақвони пеша этган бўлишларига қарамай, ишқ ва ирфон (илоҳий маърифат)дан бехабар кишилар эдилар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш, Қуръони Каримда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-халоватига етишиш эди. Сўфийлар (“Сўфий” сўзи арабча “суф” сўзидан ҳосил бўлган, ундан тасаввуф сўзи келиб чиқади, яъни суфий - жун матодан кийим кийган одам демак) назарида эса жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам тамаънинг бир кўринишидир. Ҳолбуки, сўфий учун на дунёдан ва на охиратдан тамаъ бўлмаслиги керак. Ягона истак бу - Худонинг дийдоридир, холос.

. Букж суфий Боязид Бистомий айталнларки: Узингдан утдинг, Оллоға стдинг. X^зрат Хожа айтадиларки: Бизнинг хеч нарсамиз йўх лекии ёч нарсадан камимиз йуқ. Уша «хеч»... нарса кетидан югуриб гам ташвишда ҳдм эмасмиз. Эгнимизда жанда, оркамизда гуристон, агар улсак хеч бир мотам керак эмас.

Тасаввуф — суфийлик инсонни урганар экан, аввало, кишининг қунглига, дилига таянади, кунтилни, қдлбни тарбиялашга, қунгил кишисини вояга етказишга интилади, чунк:<sup>\*</sup> О;лсх фаҳат кишининг покиза қдлбидагина жилва ьдилади.

Худо ғазабидан қўркибгина амри маъруфни бажариш садоқат белгиси эмас, балки риёдир, дейди сўфилар, улар илоҳий ишқ-муҳаббатни, Аллоҳнинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, қўнгилни нафсу ҳирс ғуборидан поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ васлига етишиш ва бундан лаззатланиш ғоясини кенг тарғиб қилдилар. Инсон руҳи илоҳийдир ва, демак, асосий мақсад - илоҳий оламга бориб қўшилмоқдир, дедилар. Тасаввуф таълимотининг марказий ғояси инсон моҳиятини тушуниб олиш

Маънавиятнинг аждодларимиз меросида акс этган рамзий таърифи. Маънавият - Ҳақ нурининг инсон қалбида акс этиши. Тасаввуф таълимотида асосий маънавий қадрият бу... Оллоҳга муҳаббат

Шу тариқа, VIII аср охири – IX аср бошларида дунёдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, «бир назар билан тупроқни кимё этадиган» (Хофиз Шерозий) зехну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мутафаккирлар, файласуфлардан ажralиб турадиган, шариат илмини сув қилиб ичган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдики, уларни рух кишилари ёки аҳлулоҳ, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, дарвеш, қаландар, фақир деган номлар билан тилга олардилар.

Шунга кўра, олимлар тасаввуф тарихини дастлаб икки даврга ажратадилар: биринчи - зоҳидлик даври, иккинчиси - орифлик ва ошиқлик даври. Сўфийларнинг ўзини ҳам ориф сўфийлар, зоҳид сўфийлар, ринд сўфийлар, фақир сўфийлар, файласуф сўфийларга ажратиш мумкин. Орифлик даври деб атаганимиз иккинчи давр ҳам бир неча босқичларга эга. Чунончи, IX-X асрлар - хонақоҳларнинг пайдо бўлиши, тариқат русумларининг шаклланиш даври. XI-XII асрлар - тасаввуф мактаблари, силсилаларнинг таркиб топиш даври. Бунда Миср, Бағдод, Басра, Бухоро, Нишопур, Термиз, Балх шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим рол ўйнаган. Натижада Миср, Хурросон, Мовароуннаҳр, Ироқ ва Туркистон мактаблари шуҳрат топган.

### **3.2. Тасаввуф таълимоти намоёндалари (Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Жалолиддин Румий ва ҳ.к).**

XIII аср охири - XIV аср бошлари тасаввуф тарихида алоҳида бир маҳсулдор давридир. Бу даврга келиб, тасаввуф ҳам назарий-илмий нуқтаи назардан, ҳам амалий ҳаракатчилик нуқтаи назаридан ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Тасаввуф адабиётининг гуллаши ҳам шу даврга тўғри келади. Айниқса, Нажмиддин Кубро (1145-1221), Яхъё Суҳравардий (1155-1191), Муҳийиддин Ибн Арабий (1165-1240), сингари мутафаккир шайхлар, Аҳмад Яссавий (ваф. 1166), Фаридиддин Аттор (ваф. 1220), Жалолиддин Румий (1207-1273) каби улуғ сўфий шоирлар тасаввуф илмининг доирасини кенгайтирдилар, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитдилар. Агар IX-XI асрларда тавҳид асосларини чукурлаштиришга катта эътибор берилиб, тасаввуфнинг фано ва бақо каби тушунчалари, Ҳаққа восил бўлиш майли шиддат билан тарғиб қилинган бўлса, XIII аср ўрталаридан бошлаб, тафаккурий-ақлий йўналиш етакчилик қила бошлади. Бу фалсафий оқим тасаввуф тарихида «ваҳдатул вужуд» номи билан шуҳрат топди. Сўфийлар энди коинот тузилиши, одамларнинг ҳусусиятлари, олам ва одам муносабатлари, комил инсон англамлари билан бош қотирадиган бўлдилар. Натижада Ибн Арабий ва Жалолиддин Румий каби зотларнинг асарларида бутун бир фалсафий-ирфоний тизим ўз ифодасини топди, улар илоҳий кашфу

каромат, руҳий-психологик ҳолатлар, ботиний латифликлар билан бирга реал инсоний ҳаёт ҳақида ҳам кўп ажойиб фикрларни баён этдилар. Шундай қилиб, тасаввуф Шарқ фикрий тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўз ичига қамраб олиб, уни ривожлантирди, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, қалом ва ҳадис илмларидан озиқланиб, илоҳий илмлар билан дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилди. Натижада тасаввуф Шарқ кишисининг тафаккур тарзи ва ахлоқ нормасини белгилайдиган ҳодиса - феноменга айланиб қолди.

Шу зайлда, тасаввуф тарихи ислом тарихи билан бирга ривожланиб, ислом маданияти ва маърифатига ўлкан ҳисса бўлиб қўшилди. Агар дастлабки пайтларда Куфа, Басра ва Бағдод шаҳарларида саноқли даражада зоҳид суфийлар яшаган бўлса, бора-бора мусулмон оламида шайху машойихлар, сўфий дарвешлар, қаландарларнинг сони кўпайди, юқорида айтганимиздай, бу ўзига хос бир ҳаракатга айланди. Биргина Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳотул унс минал ҳазаротул қудс» номли китобида 664 та шайху сўфийнинг номи зикр этилади. Бу XV асргача яшаб ўтган атоқли сўфийлар тазкираси, ваҳоланки, улардан кўпларининг номи Жомий китобида зикр этилмаган. Навоий уларнинг бир қисмини «Насойимул муҳаббат» асарига киритган. Шулардан юздан ортиқроғи Туронзаминда етишиб чиққан бузургворлар ҳисобланади. XV асрдан кейин ҳам яна қанча азизу авлиё яшаб ўтганлиги маълум.

Шу тарихий жараёнда тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, сўфийларнинг амалий, руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланди. Тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келиб тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилди - тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди. Сўфийлар дастлабки пайтлар тасаввуфни нуқул сиру асрор, тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар («иборага келмайдиган ишоратлар») деб ҳисоблаган бўлсалар, бора-бора бу ҳолатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилина бошланди, сўфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари, одобини яратиш зарурати туғилди.

Тасаввуфнинг илк даврида мақомот ва тариқат асосларини ишлаб чиқиши, сўфийлик йўриқларини белгилаш ва илоҳий ҳақиқатларни эл орасига ёйишда Абуали ал Ҳорис Муҳосибий (781-857), Зуннун Мисрий (796-861), Абуязид Бистомий (вафоти 875), Жунайд Бағдодий (вафоти 910), Ҳаким Термизий (вафоти IX аср охири) ва Мансур Ҳаллож (858-922)ларнинг хизмати катта бўлган. Кейинчалик Абусаид Абулхайр (967-1049), Абдуллоҳ Анзорий (1006-1089), Аҳмад Яссавий (вафоти 1166), Яхё Сухравардий (1155-1191), Ибн Арабий (1165-1240), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) каби шайхул машойихлар тасаввуф илмини янги фикрлар, қарашлар билан бойитдилар, янги оқим, силсилаларини вужудга келтирдилар. Тасаввуф ҳақида бир қанча рисола ва китоблар ёзилди, тасаввуф ғояларини қизғин тарғиб этувчи улкан шеърият вужудга келди. Тасаввуфга оид назарий китоб ва қўлланмалардан Абунаср Саррож (вафоти 988 йил)нинг «Китоб ал - лумъ», Абубакр ал - Калабодий (вафоти 990

йил)нинг «Китоб ат - таарруф», Абу Толиб Маккий (вафоти 998 йил)нинг «Қут ал - қулуб», Абдураҳмон Суламий (вафоти 1021 йил)нинг «Рисолат ал - маломатия», Кушарий (вафоти 1072 йил)нинг «Рисола фит тасаввуф», Ал - Ҳужвирий (вафоти 1076)нинг «Кашф ал - маҳжуб», Абдуллоҳ Ансорийнинг «Манозил ас - соирин», Фаридиддин Аттор (1119-1222)нинг «Тазкират ал - авлиё» номли асарларини кўрсатиш мумкин. Булардан ташқари, Румий, Ҳофиз Шерозий, Маҳмуд Шабистарий асарларига ёзилган шарҳлар ҳам сўфиёна ишора ва тамсилларни англашда муҳим рол ўйнаган.

Тасаввуфга оид илмий китоблар ва дастурларда **тариқат** атамалари, мақомот манзилларини тушунтиришга кўп эътибор берилади. «Тариқат» сўзининг маъноси йўл демак. Яъни илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўли. Тариқатни тасаввуфнинг амалий қисми деб таърифлайдилар. Дарҳақиқат ҳам шундай, чунки пир-муридлик қоидалари, одобига риоя этиш, солик (яъни тариқатга қадам қўйган йўловчи) бажариши керак бўлган барча йўриқлар, иродат ва ишорат усуллари шу тариқат ичига киради. Тариқат ва унинг мақомотлари, маълумотларга қараганда, биринчи марта Зуннун Мисрий томонидан баён этилган экан. Абдуллоҳ Ансорий ёзадиким, Зуннун Мисрийни фақат «каромат билан ситойиши» қилиш кифоя эмас, чунки унинг «илгода мақом ва ҳол сухра эрди», яъни мақом ва ҳол илми Зуннун қўлида ўйинчоқдай гап эди (А.Навоий «Насойимул муҳаббат»). Навоий ёзади: «Ул кишиким ишоратни ибодатга келтурди ва бу тариқдин сўз айтди ул эрди».

Демак, Зуннун биринчилардан бўлиб, сўфиёна ҳолатлар, кароматларни сўз билан ифодалаган. Зуннуннинг ўзи ҳикоя қилиб дейдики, уч сафар қилдим ва уч илм келтирдим: аввалги сафарда бир илм келтирдим, хос ҳам, авом ҳам қабул қилдилар, иккинчи сафарда яна бир илм келтирдим, хос қабул қилди, аммо авом қабул қилмади, учинчи сафарда яна бир илм ҳосил қилдим, на хос қабул қилди ва на авом. (Тасаввуф ахли хос деганда илми ҳолдан хабардор сўфийларни, авом деганда эса, тасаввуфга ошно бўлмаган кишиларни назарда тутганлар.) Зуннун айтган биринчи илм шариат илмидир, чунки шариат хосга ҳам авомга ҳам бирдай тегишли. Иккинчи илм - тариқат ёхуд муомалат ва муҳаббат илми, учинчиси эса - ҳақиқат, яъни Илоҳ ҳақидаги илмдир.

Агар Зуннун тасаввуфдан биринчи бўлиб «сўз айтган» бўлса, Жунайд Бағдодий «бу илмга тартиб бериб, баст қилиб (жамлаб), кутуб битиди» («Насойимул муҳаббат»). Сўнгра Жунайднинг кичик замондоши Шайх Абубакр Шиблий бу илмни минбар устига олиб чиқиб, элга ошкор қилди. Биринчи бўлиб муридларга раҳнамолик қилган ҳам юқорида номлари тилга олинган шайхлар бўлган.

Шуни ҳам айтиш керакки, соликларнинг истеъдоди хилма-хил бўлгандай, пирларнинг мураббийлик қобилияти ҳам турлича бўлган. Баъзи шайхлар муридга тариқат одобини ўргатганлар, яъни уни хоксорлик, таслим ва итоатга келтириш, манманлик, ҳирсу ҳаво каби туйғулардан халос этиш билан шуғулланганлар. Баъзи шайхлар муридга руҳий каромати, мўъжизалари билан таъсир этганлар. Яна бир қисм шайхлар шогирдларига

тасаввуф асосларини ўргатиш, назарий билимлар билан қуроллантиришга эътибор қилганлар.

Масалан, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг бир нечта пирлари бўлган. Навоийнинг ёзишича, Хожа Баҳоуддинга «қабул назари» Бобойи Самосийдандир. Бобойи Самосий ёш Баҳоуддинни Амир Сайд Кулолга топширади. Амир Сайд Кулол тариқат одоби таълим мини давом эттирган. Бироқ, ҳазрати Нақшбанд анча илгари вафот этган Хожа Абдухолик Фиждувонийни ва Қусам шайхни ҳам ўз пирлари қаторига қўшади. Нега? Чунки, Амир Сайд Кулол зоҳир юзасидан пир бўлсалар, «ҳақиқат юзасидан» руҳий тарбиятни ҳазрати Баҳоуддин Абдухолик Фиждувонийдан олган. Бундай ғойибона руҳий-маънавий тарбия олишни тасаввуфда «увайсийлик» дейдилар. Сабаби Увайс Қараний ғойибан Ҳазрати Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам руҳларидан мадад олганлар, бу шунга ишора.

Фақат шуни таъкидлаш зарурки, мурид тарбиясидан асосий мақсад ахлоқни поклаш, нафсни ўлдириш, одамдаги ўзига бино қўйиш, такаббур, худписандликни йўқ қилиш эди. Мурид пир қўлида руҳий-маънавий зиналардан кўтарилиб боради. Илоҳ сари муҳаббати ошиб, дунё муҳаббати аҳамиятсиз бўлиб бораверган.

Шу боис тариқатда мақомот ва ҳол тушунчалари муҳим ўрин тутади. «Мақомот» - мақом(манзил, бекат) сўзининг кўплиги бўлиб, соликнинг руҳий-маънавий камолоти босқичларини англатади. Абунаср Саррож тариқатнинг қуидаги мақомларини қайд этган:

1. Тавба, 2. Вараъ, 3. Зухд, 4. Факр, 5. Сабр, 6. Хавф, 7. Ражо,
8. Таваккул, 9. Ризо.

**Тавба** - қайтиш демак, яъни камолотга, олий ахлоқий сифатларга қайтиш. Тавбани бобул абвоб - эшикларнинг эшиги ҳам дейдилар, чунки тариқатга қадам қўйган одамнинг нияти ва моҳияти аввало шу тавбасида аёнлашади. Тавбанинг ҳақиқати шуки, солик Худога этишиш йўлига ғов бўладиган жамики нарсалардан қайтишга қасамёд этади, бутун интилиши, таважжухини Оллоҳга қаратади, аввалги ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечади. Тавба қуфрдан, шариат манъ этган наҳий ва ёмон ишлардан қайтиш, замима ахлоқдан ҳамида ахлоққа қайтиш, Ҳақнинг ғайри бўлган нарсалардан қайтиш кабиларни ўз ичига олади.

**Вараъ** сўзининг маъноси парҳез, такво бўлиб, булғанишлардан, маънавий зарар келтирадиган шубҳалардан сақланиш демакдир. Шиблийнинг кўрсатишича, вараънинг уч кўриниши бор: тил вараъи, яъни тилни бемаъни гаплар учун ишлатмаслик, ғийбат-туҳматга берилмаслик; кўз вараъи - шубҳали нарсалардан сақланиш, ғализ шаклларга боқмаслик; қалб вараъи, яъни паст ҳимматни тарк этиш ва нохуш қилиқларни қилмаслик.

**Зухд** - вараънинг давоми ҳисобланади, бу ҳам парҳез қилиш демакдир. Аммо бунда таом ва ичимликдан сақланиш, ҳалол ва ҳаромни ажратишга алоҳида аҳамият берилади. Зухд сўфий учун дунё ва охират тарки, дунё молига эга бўламан деб интилмасликдир.

**Факр** - маъноси қашшоқлик, бенаволик. Сўфийлар наздида улуғвор

илоҳий моҳият касб этиш бўлиб, Худога бандаликни сидқидилдан олий даражада бажо келтириш, бандаликдан шараф топиш, ниёзмандлик ва талабгорликда йўлдаги тупроқ мисол ному нишонасиз бўлиш, Илоҳ наздида ўзини зарра, балки заррадан ҳам кам деб ҳисоблаш. Ва шу мартабада комиллик рутбасини қозониш ҳам.

**Сабр** - тоқат, чидам. Сўфийлар тилида қийинчиликлардан шикоят қилмаслик, айниқса, Худодан бошқага нола-илтижо қилмаслик. Сабр этувчи (собир) ўзини бало гирдобига солиб, балолардан қўрқмайдиган одамдир. Рухий-маънавий мушкилликлар юз берганда, сабр қилган солик кушиш топади, янги манзилларни кашф этади. Сабр - иймоннинг ярми дейдилар, чунки сўфийнинг душмани бўлган нафс сабр орқали жиловланади.

**Хавф** - қалбнинг ишончдан, иймон амнидан чиқиши, иккиланиш, таҳлика. Вақтинчалик шайтон найранги ҳам қўнгилга хавф-қўркув солади. Солик азобдан эмас, балки мақрдан, нафс макридан қўрқади. Ваҳоланки, шайтон иймони мустаҳкам одамдан қўркиши керак.

**Ражо** - умидворлик. Қалбнинг келажакда Маҳбуб васлига етишидан умидворлиги, хавфдан қутулиш умиди. Дилнинг соғинчи, интиқликлари ҳам шунга киради.

**Таваккул** - барча яхши-ёмон ҳодисалар, ишларни Худодан деб билиш, куллан Парвардигорга суюниш. Таваккул илоҳий файзга эътимодли кишининг иймонидир. Бу маърифат камолидан келадиган олиймақомдаги иймонидир. Инсон жуда кўп нарсаларни қила олади, аммо бу ҳаракатларнинг бари Улуг Аллоҳ курдати туфайли, Қурдатининг намоён бўлиши эканини англаш шарт.

**Ризо** - қалбдан қабоҳат-кирларнинг кетиши, қазою қадар ҳукмига бўйсуниш, нафс розилигидан чиқиб, Ҳақ розилигига киришдир. Қазо - амрига таслим бўлган қалбнинг сурури. Ризо - банданинг ўз ризосидан чиқиб, Маҳбуб ризосига кириши, илоҳий қисматга зарра эътиroz қилмаслигидир. Соликда ушбу мақомда ҳеч нарсадан ғазаб, ҳаяжон, гина-кудурат ва хафаланиш бўлмайди.

Мақомат даражаларини бир-бир эгаллаб, муваффақиятга эришган солик ҳол мартабасига етади ва тасаввур-тахаййулда илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, қалбини завқу шавқ қамраб олади. У шундай бир ҳолатга кўтариладиким, бутун аъзолари гўё Аллоҳ дейдиган, ҳар нафаси Буюк Аллоҳнинг борлигидан хабар берадиган бўлади.

Ҳолда орқага қайтиш йўқ, ўзгариш фақат олдинга қараб содир бўлади. Ҳолга кирган соликнинг тили эмас, дили сўзлай бошлайди, у кечинмалари, ҳолатини ҳаракат - ишоралар, феъл-атвор орқали изҳор этади. Ҳол руҳият билан боғлиқ бўлгани учун у тасаввуфда маҳсус илм - илми ҳол орқали ўрганилган. Тасаввуф ахли орасида «илми қол» ва «илми ҳол» деган тушунчалар бўлган. «Илми қол» тил билан ифодаласа бўладиган илмлар, яъни зоҳирий илмлар, чунончи шариат илми ҳам шунга кирган. «Илми ҳол» эса инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган ғаройиб руҳий кечинмалар, фавқулодда феъл-атвор, хислатларнинг намоён бўлишидир.

Худди мақомотнинг босқичлари бўлганидай, ҳолнинг ҳам тасниф-

таърифга келтирилган босқичлари мавжуд. Чунончи: 1. Қурб, 2. Мұхаббат, 3. Шавқ, 4. Үнс, 5. Мужоҳида, 6. Мушоҳида, 7. Мукошифа.

**Қурб** (яқинлик) - соликнинг ўзини Аллоҳ таолога яқинлашганини ҳис этиш ҳолати, Худонинг ҳузурини бевосита сезиш, Худо нигоҳининг тушишини ҳам англатади. Қурбни сўфийлар қўпинча Мұхаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Меърож туни Аллоҳ ҳузурига етганлари билан қиёслайдилар.

**Мұхаббат** - қалда кучли түғённинг кўтарилиши, бетоқат ва безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Аллоҳ томон талпинишдир.

**Шавқ** - муҳаббатнинг зўрайиши.

**Үнс** - қўникиш, Худо меҳрига, шафқатига одатланиш.

**Мужоҳида** - нағсни маҳв этишга қатъий интилиш, танга машаққатни раво кўриб, маънавият учун жиҳод, яъни жангга кириш ва ғалаба қилиш демак. Мана шундай жидду жаҳд, шиддатли руҳий изтироблардан кейин солик Ҳақ жамолини мушоҳида эта бошлайди.

**Мушоҳида** (кўриш) эса ўз навбатида ғайб пардаларининг очилиб, илоҳий сирларнинг кашф этилишига йўл очади - **мукошифа** мартабаси ҳосил бўлади. Албатта, бу мартаба - манзилларнинг кетма-кетлик тартибини шартли, деб билмоқ керак. Чунки бу ҳолатлар соликда навбатма-навбат юз бериши ҳам ёйинки бирданига бир неча хислат соҳибиға айланиши ҳам мумкин. Тариқат мақомотлари билан ҳол мартабалари орасидаги алоқалар хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Муриднинг мақомлар сари руҳий сафарида зикр, чилла ўтириш, пир билан сұхбат, самоъ мажлислари уюштириш муҳим рол ўйнаган. Соликнинг руҳий-маънавий камолотини «сайр» ёки «сафар» сўzlари билан тушунтирганлар. Сайр ва сафар тўғри маънода ҳам қўлланилган. Чунки сафар қилиш ажзу риёзат турларидан бири ҳисобланган. Кўп сўфийлар мусулмон мамлакатларини пиёда кезиб чиққанлар, атоқли шайхларнинг сұхбатига етишганлар. Айниқса, пиёда ҳаж сафарига бориш сўфий учун катта шараф деб қаралган. Лекин тариқат сафари деганда аксари руҳий сафар тушунилади. Сафар - кўнгилнинг Ҳақ сари таважжуҳи.

Сайр ва сафар тушунчаларини изоҳлайдиган бўлсак, қуйидаги маъно ҳосил бўлади: биринчи сафар - касрат (дунё) пардаларининг ваҳдат (Илоҳ) юзидан кўтарилиши; иккинчи сафар - ваҳдат пардасини касрат вужудидан кетказиш ва ботин орасидаги қайдларни бартараф этиш, айнан дунёнинг ўзида Уни қўриш; учинчи сафар - зоҳир (жузъ)дан жамъ сари тараққий этиш ва тўртинчи сафар - ҳақдан яна халққа қайтишдир. Ҳақдан халққа қайтиш деганда сўфийлар орасида: «расти-расиди» («узилдинг-етдинг») деган ибора бор. Бунинг маъноси халқдан узилсанг - Ҳаққа етасан, демакдир. Аммо бу ибтидодаги ният, бунга эришгандан кейин эса, энди сўфий халққа Ҳақ номидан гапира олиши мумкин бўлади, шу боис халққа қайтиш яна дунё машғулотига қайтиш эмас, балки дунёга Аллоҳ нурини таратишдир.

Ҳақ йўлига кирган дарвешнинг ана шундай руҳий изтироблар

сафаридан сўнг қўлга киритган маънавий маърифати туфайли у шахсий «Мен»дан қутулади ва тўлалигича Мутлақиятга қўшилиб, у билан қоришиб, эриб кетади. Сўфийлар буни қатранинг денгизга қўшилиши ёхуд қизитилган темирнинг олов билан бир хил тус олиши билан қиёслаб тушунтирганлар. Дарҳақиқат, қатра - денгиздан нишона, денгизнинг моҳияти қатрада ифодаланган. Шу сингари инсон руҳида ҳам Илоҳ сифатлари мужассам. Бироқ моддийлик уни Илоҳдан ажратиб туради. Аслидан ажралган, вақтинча ғарифликда, мусофирик (сафар)да бўлган инсон руҳи ҳижрон доғида қийналиб азоб чекади. Аммо руҳ моддийликдан покланса, мусаффо шабнамдай бўлиб, Денгизга - ўз аслига бориб қўшилиши мумкин. Бу васл фақат илоҳий маърифат орқали, яъни ўз-ўзини англаш, таниш ва шу асосда ўз Раббини таниш орқали қўлга киритилади.

Шундай қилиб, илоҳшунослик илми - теософия бўлган ирфон ёки маърифат («маърифат» сўзи арабча «арафа» - билмоқ сўзидан ясалган) тариқатнинг ҳосиласи ва бевосита давомидир. Сўфийлар назарида маърифат фикрдан олдин кетадиган ва шубҳага заррача асос қолдирмайдиган илмдир. Маърифат илми ботиний илм деб ҳам юритилган. Чунки тасаввуф аҳли дунёвий ва диний илмларни бирга қўшиб, «зоҳирий илмлар» деб атаганлар. Уларнинг уқтиришича, зоҳирий илмлар билан Худони билиш қийин. Бироқ, бошқа бир нуқтаи назар ҳам бор: гарчи зоҳирий билимлар Ҳақ таоло асрорини англашга яроқсиз бўлса-да, лекин дунёни билиш Аллоҳни билишнинг биринчи босқичи, яъни Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланиши керак, чунки дунё - касрат кўплик олами, Аллоҳнинг ижоди. Унинг сифатлари, қудратини намоён этиб турадиган кўзгу. Моддий дунёдаги жамики илм, инсонларнинг тўплаган ҳикмат-донишлари, ҳали очилмаган барча сиру асрорлар Аллоҳга тегишли, Аллоҳ - ҳикматларнинг жамулжами, бизнинг билимлар эса - Унинг тафсири, шархи. Демак, биз Раббимизни билиш учун тафсирдан Буюк аслга қараб боришимиз керак.

Тасаввуф ғояларининг тарқалиши, дарвешчилик ҳаракатининг ривож топишига турли пирлар, атоқли шайхларнинг номи билан боғлиқ тариқатларнинг аҳамияти катта бўлган. Тариқат (ёки сулук - йўллар) бирбиридан, аввало исломдаги икки мазҳаб - шиа ёки суннага рағбати билан, иккинчидан, шариатга муносабати билан, учинчидан, муайян тариқат тарқалган аҳолининг қадимий тасаввур-одатлари, маданий даражаси билан ва, нихоят, тўртинчидан ҳар бир пири муршиднинг тарбия усули, маъқул деб ҳисоблаган руҳий-маънавий таъсир воситалари билан ўзаро фарқланган. Масалан, Месопотамия ва Эрон, Хурасонда тафаккурий-ирфоний йўналиш, Туркия, Африка мамлакатлари, қисман Ҳиндистонда шариатга зич боғланган йўналиш, Мовароуннарда ҳам ирфоний ва ҳам шариат измидаги йўналишлар биргаликда ёйилган. Тариқатларнинг сони элликтадан ортиқ. Чунончи, тайфурия, заҳабия, хуруфия, ҳалложия, шозалия, жунайдия, сухравардия, сафария, қодирия, неъматуллохия, чиштия, низомия, бектошия, нурбахшия, мавлавия, маломатия, қаландария, маъруфия, фирдавсия, нурия, қушайрия, халватия, адҳамия, аҳмадия ва ҳоказо.

Булардан тайфурия (Тайфур Боязид Бистомий номи билан боғлик), ҳакимия (Ҳаким Термизий номи билан боғлиқ), ҳалложия (Мансур Ҳалложга нисбат берилади), сұхравардия (Яхё Сұхравардий номи билан боғланған) оқимлар құпроқ назарий томонлари билан маълум. Чунки Бистомий, Ҳаким Термизий, Жунайд Бағдодий ёки Яхё Сұхравардий маҳсус хонақо тариқатини тузиб, солик тарбияси билан шуғулланмаганлар. Уларнинг тарафдорлари бор, холос. Қаландария, маломатия каби оқимлар эса бирор шайх номи билан боғлик бўлмаган, алоҳида йўналишлардир.

Марказий Осиёда тасаввуф IX аср ўрталаридан бошлаб тарқала бошлаган. Дастрлаб Балх, Термиз, Насаф шаҳарлари, сүнгра Бухоро, Хива, Самарқанд, Туркестон, Тошқанд шаҳарларида ҳам назарий ва ҳам амалий ишлар билан шуғулланадиган пиrlар етишиб чиқдилар. Авлиёлик ҳақидаги биринчи китоб бўлган Ҳаким Термизийнинг “Хатмул авлиё” асари Термизда ёзилди. Марказий Осиёда қуйидаги тариқатлар қадимдан кенг тарқалган: ҳакимия, қодирия, яссавия, кубравия ва нақшбандия (ёки «хожагон»).

Яссавия - улуғ шайх ва шоир Хожа Аҳмад Яссавий (вафоти 1166 йил) асос солган тариқат. Шуни айтиш керакки, яссавия билан нақшбандиянинг илдизи Хожа Яъқуб Юсуф Ҳамадонийга (1048-1140) бориб тақалади. Аҳмад Яссавий илк устози Арслонбобдан хирқа кийиб, тасаввуф йўлига киргач, Бухорога бориб Хожа Юсуф Ҳамадонийдан тариқат таълимими олади. Алишер Навоий Насойим ул-муҳаббатда” асарида ”Хўжа Аҳмад Яссавий – Туркестон мулкининг шайхул машойихидир”, деб ёзган. Девони ҳикмат асарини ёзган.

Бешак билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро,  
Инномагил молингга, бир кун қўлдан кетаро,  
Ота-она, қариндош қаён кетти, фикр қил,  
Тўрт оёғлиғ чўбин от бир кун сенга етаро...»

Абдухолиқ Ғиждувоний билан бирга Ҳамадонийнинг энг ишонган халифасига айланади. Юсуф Ҳамадоний вафот этгач, унинг ўрнига учинчи бўлиб шайхлик мақомига кўтарилади, аммо кўп ўтмай Бухородаги ишларини биродари Абдухолиқ Ғиждувонийга топшириб, ўз ватани Туркестонга қайтади ва бу ерда янги тариқатни таъсис этади. Унинг кўп сонли муридлари туркий халқлар орасида юриб, тасаввуф ғояларини ёйганлар. Яссавий овоз чиқариб зикр айтиш («зикри жаҳрия») ва кароматлар кўрсатиб мурид тарбиялаш, хилватда сұхбат қилишни йўлга қўйган.

Кубравиянинг асосчиси хоразмлик улуғ шайх Нажмиддин Кубро (1145-1221)дир. У кишининг исми Аҳмад, отасининг исми Умар бўлиб, Нажмиддин, Кубро, Валитарош, Абулжанноб сўзлари у кишини шарафловчи куня ва лақаблардир. У киши Миср, Эрон, Ироқ, Шом мамлакатларини кезиб, турли илмларни эгаллаганлар. Шайх Рўзбекон Ваззон, Бобо Фараж, Шайх Ёсир Аммор, Шайх Исмоил ал - Касрийлардан сўфийлик сирини эгаллаб, Хоразмга қайтиб, хонақо қурганлар. Жуда кўп муридлари бўлган.

Нажмиддин Кубро бир неча китоблар таълиф этган, уларда инсон ва коинот, инсон руҳияти тадқиқ этилади. Ўзига хос тариқат йўли («усули ашъора» - ўнта усул) баён этилади. Нажмиддин Кубро муғул босқичиларига қарши жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, қабри Кўхна Урганчдадир. Кубравиянинг Эрон, Покистон, Африкада тарқалган, фирмавсия, нурия, рукния, ҳамадония каби ўндан ортиқ шоҳобчалари бор.

Нақшбандия Бухорои шарифда шаклланган бўлиб, дунёнинг энг кўп тарқалган тариқатидир. Асосчиси Баҳоваддин Муҳаммад бин Бурҳон бин Муҳаммад ал - Бухорий (1318-1389). «Нақшбанд», «балогардон» ул зоти шарифнинг муборак сифатлариdir. Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдухолиқ Гиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавий, Хожа Али Рометаний, Бобои Самосий, Сайд Амир Кулол, Қусам Шайх, Халил ота Баҳоваддин Нақшбанд пирлари бўлса, Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Яъқуб, Чархий ул зотнинг пешқадам муридлари ҳисобланган. Улардан кейин нақшбандия тариқатини Хожа Аҳорори вали, Муҳаммад Зоҳид, Хожа Дарвеш, Хожа Амкангий, Аҳмад Косоний, Эшони Валихонлар давом эттирганлар. Аммо ушбу силсила тариқатнинг бу бир шоҳобчасидир. Нақшбандиянинг Ҳиндистон, Малайзия, Филиппин, Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Россияяда яна кўплаб тармоқ силсилалари бор. Ҳатто Ғарбий Европа ва АҚШда тариқат тарафдорлари мавжуд. Нақшбанд зикри хафий (сокин зикр) тарафдори, у киши суҳбатни тарбиянинг асосий қурулига айлантириб, хилватнишинликни ҳам, самоу рақсни ҳам қабул қилмаганлар. Балки ботиний оламни ривожлантириш, шариатдан узоқлашмасдан сўфийлик мақомини эгаллашни талаб қилдилар. Нақшбанд ҳазратлари амал қилган «сафар дар ватан», «хилват дар анжуман», «ҳуш дар дам», «назар дар қадам», «дил ба Ёру даст ба кор» шиорлари одамни ҳам маънавий юксалишга кўмаклашади ва ҳам жамиятда баҳамжиҳат яшаб ўзаро бир-бирига ёрдам бериш, меҳнат, бунёдкорлик билан юртни обод қилишга сафарбар этади. Тасаввуф инсон ахлоқини поклаш, ўзликни таниш ва саҳоватпешалиқ, эзгу амалларга ўзини бағишлиҳ хислатини тарбиялаб келди, Комил инсон идеалини байроқ қилиб, одамларни руҳий-маънавий юксалишга чорлади, қалбларга илоҳий маънавий нурини киритишга интилди. Шу маънода бу муқаддас меросни ҳозирги авлодга етказиш, тўғри талқин қилиш муҳим бўлиб турибди. Одоби тариқат”, “Васиятнома” асарлари Гиждувоний томонидан ёзилган. Нафсни тийиш фақат ейиш-ичишни билдирамасдан, инсон ҳаётининг ҳамма жабҳаларида меъёрга амал қилишни, сабр-тоқатли, қаноатли бўлишни билдиради” дейди?

Тасаввуф ахлоқшунослигининг яна бир улкан намояндаси буюк юртдошимиз Шайх Азизиддин Насафийдир (XIII асрнинг биринчи ярми - XIV аср бошлари). Ахлоқий муаммолар унинг «Зубдат ул-ҳақойик» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Инсони комил» («Комил инсон») каби асарларида кўтарилади.

Мутасаввуф-файласуф меросида комил инсон муаммоси ана шу руҳ даражалари билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Шу сабабдан ҳам улкан

олимимиз Нажмиддин Комилов: «Азизиддин Насафийни комил инсон илмининг назариётчиси дейиш мумкин, чунки унинг барча асарларида бу мавзу марказий ўринни ишғол этади», деган фикрни билдиради ва алломанинг бу борадаги қарашларини биринчи бўлиб жиддий таҳлил қиласи.

### **3.3. Тасаввуф таълимотида илгари сурилган маънавий-ахлоқий ғояларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти**

Азизиддин Насафий наздидаги комил инсон, энг авва-ло, юксак ахлоқ эгаси; унинг ердаги вазифаси ҳалоллик ва ростгўйликни қарор топтириш, ёмон расму русумларни йўқотиб, яхши, эзгуликка бошлидиган қонун-қоидаларни жорий этиш, одамларни Худога томон даъват қилиш. Бу даражага етишиш учун эса инсон ўзини англаб етиши керак. Зоро, алломанинг фикрича, ўзини англамаган киши ҳеч нарсани англамай дунёдан ўтади.

Хўш, инсон ўзини тўла англаши мумкинми? Мумкин. Бунинг учун у тўрт мақомни босиб ўтиши керак: хайрли сўз, хайрли иш, хайрли хулқ, маърифат. Тасаввуф таълимоти намоёндаларидан Насафий комил инсон ҳақида гапириб, қўйидаги шартларни кўрсатиб ўтган Яхши сўз, яхши фъел, яхши ахлоқ ва маориф Мазкур мақомларга эришиш осон эмас; бутун борлиғи билан берилиб ҳаракат қилгандагина, ўзини унутиб, ўзлигига эришганда-гина инсон уларга муяссар бўлади. Бу ҳолни мутасаввуф - файласуф шундай образли шаклда ифодалайди: «Бирида ўлмаган одам, иккинчисида туғилмайди. Хордиқни истасанг - ишда ўлгин, Худони истасанг - ўзингда ўлгин. Ўз ишингда ўлолмасанг, ҳордиқни излама, ўзингда ўлолмасанг, Худони излама». Лекин мақсад «Худони излаш бўлмаслиги керак, чунки Худо ҳамма ерда мавжуддир ва уни излашнинг ҳожати йўқ. Борлиқнинг вужуди - Ундан... бутун борлиқ Унинг ўзидир». Шу сабабли инсон юқоридаги тўрт мартабани четдан излаши керак эмас, улар инсоннинг ўзида мавжуд: «...сенда аввал бошдаги ва охирдаги илму маърифат яширинган, нимаики изласанг, ўзингдан изла, нега ташқаридан қидирасан?». Эй дарвеш, айнан ҳайвон руҳи тарбия топиб, таълим ва таҳсил кўриб, билиш, такрорлаш, тақво ва зикр туфайли даражалар бўйлаб ривожланади дейди Азизиддин Насафий.Шундай қилиб, Шайх Азизиддиннинг таърифига кўра, комиллик - инсон деган улуғ номга муносиблиқ, Аллоҳ инсониятни ана шу комил инсонлар борлиги учун яратган, одамлар орасида комил инсонлар борлиги учун жами мавжудот одамзодга сажда қиласи, мавжудотлар ичидаги комил инсондан улуғроқ, донороқ ва олийроқ нарса йўқ; одамлар коинотнинг қаймоғи, хулосаси бўлсалар, комил инсон одам-ларнинг қаймоғи ва хулосасидир, комил инсон оламнинг сири, оламнинг қутби, у - оламнинг баҳри муҳити - денгизи.Одамлар

коинотнинг қаймоғи, хulosаси бўлсалар, комил инсон одам-ларнинг қаймоғи ва хulosасидир”

Тасаввуф таълимотининг яна бир йирик вакили **Жалолиддин Румий ёки Мавлоно Румий** номи билан машхур бўлган зот дунёнинг донишмандларидан бири, беназир шоир ва бетакрор бир мутафаккир, валий инсондир. Уни goҳ Кант, goҳ Спиноза, goҳ Хегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муazzам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишида намоён бўлади. Унинг олти дафтардан иборат “Маснавий маънавий” номли асарини “форс тилидаги Қуръон” деб тавсиқ этадилар. Жалолиддин Румий ўзидан кейинги Шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илоҳий ишқ куйчиси, буюклиknинг кўз илғамас чўққиси деб шарафлайди.

Жалолиддин Румийнинг илмий ва адабий мероси ғоят катта. Ғазал, маснавий ва рубоийларни ўз ичига оладиган “Девони кабир” (“Улуғ девон”)да уч мингдан ортиқ шеър бор. Фалсафий-сўфиёна мушоҳадалар, рухият диалектикасини қашф этиб, инсон ақлини лол қолдирадиган теранлик билан ёзилган “Маснавий-маънавий” ҳам бир неча минг байтдан иборат. Бундан ташқари “Мактуб“Ичиндаги-ичиндадир” – содда форс тилида ёзилган асар, улуғ муаллиф “Маснавий маънавий”даги ҳадис ва оятлар, ҳикоят ва тамсилларга ўралган, ўта мураккаб бир фалсафий муҳокамалар асосига қурилган фикрларини бу ерда равшан ва содда қилиб тушунириб берган. от”, “Фиҳи мо фихий” (“Ичиндаги ичиндадир”) номли асарлари ҳам мавжуд. Бу асар инсонни фикрлашга, фикрлаш орқали ўзлигини, ўзлиги орқали ҳақни - Яратганни тушунишга ундайди.Жалолиддин Румийнинг машхур асари “Маснавий маъна- вий”дир. Асада Қуръони карим ва Ҳадиси шариф маъноларини ўзига сингдирган, инсон ҳёти билан боғлиқ барча масалалар бадиий йўсинда баён этилган 6 жилд (дафтар)дан иборат асар- нинг дастлабки қисмларини адабнинг шогирди Ҳисомиддин Чалабий устози оғзидан ёзиб олиб, таҳлилдан ўтказган. Чалабий вафотидан сўнг муаллиф асарнинг давомини 10 йилда ёзиб тугатади. Қуръони карим оятларининг 70 фоизи моҳиятини ўзида мужассамлаштирган, 270 дан зиёд ҳикояларни, юзлаб панду ҳикматларни ўз ичига олган бу китоб ўз вақтида ва кейинчалик ҳам ёзувчи номининг дунёга кенг тарқалишига сабаб бўлган. Чунки Румий маснавийда ўзигача бўлган Шарқу Ғарб донишмандларининг фалсафий қарашларини, исломий фарзларини содда бир услубда, шеърий йўл билан бадиий ифодалаган.Румий ўз асарларида одамни тадқиқ этади, унинг табиати ва интилишларини кузатади, ботиний жилолар ва сурилишлар, қалб силжишларини қидириб топади. Инсоннинг иймон гавҳари, буюклиги баробарида, нуқсонлар – нафси, ҳирси оқибатида келиб чиқадиган ёвузликларни таҳлил этиб, булардан қутулиш, покланиш йўллари, фазилатини баён этади. Румийнинг ҳар бир фикри – бир машъала, бир чирок, шундокқина қалбга кўйиладиган зиёдир. Улуғ мутафаккир инсон камолоти учун муқтадир бир курашчи бўлиб майдонга чиқади, инсон боласини унинг

ўзига таништиради, ёмонликдан нафратланиш ва яхшиликдан, илоҳийликдан фахрланишга ўргатади. Жалолиддин Румийнинг таъбири билан айтганда: “Инсон- нинг ичи хуррият оламидир”....” Жалолиддин Румийнинг “Маснавий-маънавий” асаридан олинган. Румий буюк мутафаккир инсон сифатида дунё зиддиятлари, зиддиятларнинг ўзаро вобасталиги (“қарама-қаршиликлар бир- лиги”), дунёда миллиард шаклу шамойилда мавжуд бўлган ашё- ларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига бўлган ўтиш – эврилиш- лари, модда алмашинишининг заррадан коинот қадар амал қилиши, ҳаёт ва ўлим сабаблари (ҳаёт-зиддиятлар “келишуви”, “ярашиш”, ўлим-зиддиятлар “жанги”), жисм ва рух, одам ва илоҳ ҳақида ёзади, таҳлил ва тадқиқ этади. “Маснавий”да 690 ҳадисга румиёна шарҳ берилган. Кўз олдимизда ҳам Калом илмининг улуғ билимдони ҳам тасаввуф таълимотини сарбаланд чўққига олиб чиқсан ориф инсон ҳам муқтадир даҳо шоир гавдаланади. Оддий латифалар, ҳикоятлардан Румий фавқулодда фалсафий-сўфиёна маънолар чиқаради, теран тафаккури доира- дан доирага, даражадан даражага кўтарилиб боради. “Қуръон- нинг уч қабат ботиний маъноси бор”, деб қайд этади ва у ана шу маъноларни изчил тушунириади.

### **Назорат саволлари**

1. Тасаввуф таълимотида ҳақиқатга етишиш нима?
2. Марказий Осиёда кенг тарқалган қайси оқимларини биласиз?
3. Тасаввуф таълимотидаги ахлок, таълим-тарбия тўғрисидаги ғояларнинг ҳозирги замондаги аҳамиятини мисоллар билан тушунириб беринг.
4. Фазолий муҳаббатни қандай таърифлайди?
5. Фазолий фикрига кўра ният нима?
6. Ғиждувоний “Маслак ул-орифийн” асарида ботиний ва зоҳирий билимларни ўрганиш ҳақида қандай фикрлар баён этган?
7. Ғиждувоний ўз таълимотида инсонларни қандай ахлоқий амалларни бажаришга даъват этади.
8. Жалолиддин Румий комил инсонни қандай тасаввур этади? Румийнинг “Маснавий маънавий” асарида қандай ахлоқий масалалар кўтарилганлиги ҳақидаги сизнинг фикрингиз?
9. Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” асарида кўтарилган ахлоқий масалаларнинг ҳозирги замон таҳлили ва аҳамияти.
10. Азизиддин Насафий комил инсонга қандай таъриф беради? Унинг таърифини келтириб комил инсон ҳақидаги бошқа таърифлар билан қиёсий таҳлил қилинг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон. 1-китоб. Т., Ёзувчи, 1996.
2. Комилов.Н. Тасаввуф. 2-китоб. Т., F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриёти. 1999.

3. Куръони Карим. Т., Чўлпон, 1992.
4. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Т., Адолат , 2005.
5. Фалсафа қомусий лугат. Т., Шарқ,2004.
6. Усмон Туар. Тасаввуф тарихи. Т., Истиқлол, 1999.
7. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойик (Н.Комилов таржимаси) Т.: Камалақ, 1995.
8. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). –Т.: Янги аср авлоди, 2004.
9. Жалолиддин Румий Т. Маънавий маснавий Шарқ 1999
- 10.Шайх Нажмиддин Кубро. Мақолалар. Т.: Ёзувчи, 1995.
- 11.Фиш Радий. Жалолиддин Румий. Тарихий–биографик роман (русчадан
- 12.Жамол Камол таржимаси) –Т.: /./ F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 272 – бет.
- 13.Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. –Душанбе: Дониш, 1987. – 108 с.

## **4-Мавзу: XIV-XV асрларда маънавий-маърифий тафаккур тараққиёти Режа**

- 1. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида яратилган маънавий мероснинг ўзбек халқи маънавий тикланишида тутган ўрни.**
- 2. Шарқ мутафакирлари меросида маънавий баркамоллик масаласи ( Улугбек, Жомий, Навоий, Ҳусайн воиз Кошифий, Бобур)**
- 3. XIV-XV асрлар маънавий маънавий-маърифий тафаккурининг умуминсонийлик моҳияти.**

### **Таянч тушунчалар**

*Амир Темур, темурийлар сулоласи, Мирзо Улугбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Кошифий, Бобур, маънавий баркамоллик, маънавий—маърифий тафаккур*

#### **4.1. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида яратилган маънавий мероснинг ўзбек халқи маънавий тикланишида тутган ўрни**

Амир Темур — буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, конуншунос, талантли меъмор, нотик, рухшунос, шу билан бирга эл-юртини, халкини севган ва уни машхури жаҳон килган инсон. Амир Темурда ватанни севиш, халкини улуглаш, фахрланиш ва гуурланиш сингари олий маънавий фазилатлар барқ уриб турган. Амир Темур «Темур тузуклари», Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома»лари, Ибн Арабшохнинг «Темур ҳакидаги хабарларда тақдир ажойиботлари» ва бошка асарларда келтирилган сохибқироннинг ибратли ишлари, панд-насихатлари ва угитларидан хам унинг кимлигини билиб олса булади. Булар эл-юрт ва фуқароларнинг ташвиши, раиятпарварлиҳ меҳр-мурувват, кушничиликка риоя килиш ва ниҳоят, мардлик ва қаҳрамонлик ҳакидаги ўгитлардир. Амир Темур қиёфасининг асл ҳолатига яқин суратлар «Зафарнома» да учрайди

### **Темур тузукларидан**

Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур”

Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний заарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига. бошқасига жабр-зулм ўтказмадим» деб таъкидлайди.«Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир турри тадбир билан амалга ошириш мумкин».

Давлатни инсонпарварлик ва сабр – тоқатлилик асосида бошқариш лозим .

### **Темурийлар сулоласи даврида маънавият ва маърифат ривожи**

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрдаги Урта Осиёнинг мацаний, маънавий ва маърифий камолоти 1X-ХП аср маданияти, маънавияти ва маърифатининг давомидир. Урта Осиё халклари орасида етишиб чикдан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди худди шу даврда ижод қилишди. Бутун дунёга

номлари машҳур тарихчилар Шарофиддин АлиЯздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самаркандий, олимлар - Улуғбек Али Кушчи, Қозизода Румий; файласуф шоирлар — Абдурахтон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий; мусаввирлар — Қамолиддин Беъзод, Қосим Али, Мирак Наққош; Ҳаттотлар — Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Ҳандон, Муҳаммад бин Нур ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳаммаси уша давр ва ўзларигача булган инсоният маънавияти, маърифати ва маданияти ютутининг барча соҳаларини мукаммал билиб ва узлаштириб олган.,

Беҳзод узининг такрорланмас ижоди, гўзал миниатюра санъати ва ажойиб маҳорати билан нафақат Шарқда, балки бутун дунёда ҳам учмас из қолдиргандир. «Иккинчи Моний», «Шарқ Рафаэли» деб юксак даражада эъзозланган Беҳзод машҳур суз санъаткорлари — Жомий, Ҳусайн Бойкаро, Шайбонийхон ва бошқаларнинг сиймоларини яратган юксак маънавият эгасидир.

Темурийлар даври илм-фан, маданият, маърифат ривожи Мирзо Улугбек (1394-1449)нинг номи билан чамбарчас боғланиб кетган. У давлат арбоби, фан, маърифат ҳомийси, буюк олим ва мунахжим. У узи буёд эттирган расадхона ва илм-маърифат марказида турли соҳаларда иш олиб борувчи 300 дан ортик илм аҳлларини тўплаб илмий кузатиш ишларини олиб борган. Булар Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Кушчи, Мавлоно Аҳмад, Муҳаммад Ҳавофий, Абул Али Биржондий, Мирим Чалабий, Муиниддин Коший каби замонанинг забардаст олимлари булган.

Мирзо Улугбек шу асосдз Самарқандда «Самарқанд академияси» — «Улутбек академияси»га асос соглан эди. «Зижи жадиди Курагоний» («Курагонийнинг яиги астроном и к жадвали") ва «Турт улус тарихм» номли асарларнинг муаллифи дидир.

Тарихчи олим Давлатшоҳ Самарқанд ийн и нг езишича «Улугбек геометрия борасида Эвклидга, астрономия соҳасида Птоломейга ухшарди».

Мирзо Улугбек фан ҳомийси булиши билан бирга, мамлакатда маърифат ривожига ҳам катта ахамият берган алломадир. У Мовароуннахрда уч Мадраса курдирди. Булардан бири Самарқанда (1417-1420), иккинчиси Бухорода (1417) ва учинчиси Фиждувонда (1433)дир. Ҳатто, Бухородаги Мадраса пештокига Ҳадисдан: «Илм олиш ҳар бир мумин ва муслима учун фарзdir», — деб ёздириб куйди.

XV асрда аник фанларнинг, хусусан астрономиянинг ривожида Улутбекнинг хизматлари бекиёсдир.

Темурийлар даври маънавияти ва маърифати ривожи узларининг онгли хаёти ва фаолиятини инсоннинг баҳт-саодати, ҳалклар осойишталиги, ободонлик ишлари, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига баришлаган икки буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомий (1414-1492) ва Мир Алишер Навоий (1441-1501)лар номи билан чамбарчас боғликдир.

Абдураҳмон Жомий Урта Осиё ҳалклари маънавий ол амида, бадиий тафаккур осмонида ёрқин нур сочиб, учмас из колдиргаи мутафаккирлардан биридир.

Абдураҳмон Жомий тсмурийлар даври дунёкараши, мафкураси бўлмиш

накшбандийчиликка ихлос куйган, уни қабул қилган, узи шу йулдан борга н ва унинг г-ояларини таргигб этган. Накшбандийлик адолатни, уз меҳнати асосида бунёд этилган халол луқмани ' маъкуллаган, дабдабали ҳаётни рад этган, фирром' йуллар билан мол-мулк туплашни *коралан*. Бу таълимот инсонпарвалдиқ, Халоллик меҳнатсеварлик маънавий поклик камтарлик самимийлик каби чин инсоний фазилатларни улурлаган. Унинг «Дил ба еру, даст ба кор» — «Кунгил Оллохдаю, қул меҳнатда» шиори Жомий ва Навоий каби мутафаккирларни уз и га жал б этган. Щу сабабли б.у икки улуғ сиймо, суз санъаткорлари накшбандийлик йўлини қабул қилганлар ва ўз ижодларида унинг гояларини тараннум этганлар.

Абдурахмон Жомий «Хирадноман Искандар» («Искандар аклномаси») асарида эл-улус дарди билан яшовчи, унинг арзу-додига қулоқ тутувчи хук^мдор сиймосини яратади. Хукмдор адолатли ва од и л булиши лозим леб, одиллик ва адолатни нурга ухшатади.

Узбек халкининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, узбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий Урта Осиенинг маънавий ва маърифий фикр тарақкиётида алоҳидда урин тутади. У адабиёт, санъатнинг турли соғларига оид кирқдан ортиқ асар яратди. «Чор девон», «Хамса», «Маҳбубул-улуб», «Мукокаматул-лугатайн», «Мажолисун-нафис», «Лисонуттайдир» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Навоий уз асарларида золим, мустабид, нодон, майшатпаст шоҳ ва ҳукмдорларни коралаб, уларга қарши инсонпарвар, халкпарвар, одил, адолатли ҳукмдор образини ку"яди.

Одами эрсанг демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами. Олдига келганин емак хайвоннинг иши, Оғзига келганни демак нодоннинг иши”

Мазкур байт Навоий маънавияти ва инсонпарварлигининг марказий нуктаси десаҳ ҳеч янглишмаймиз. Навоий бутун умри буйича инсонпарварликни, одамийликни куйлаб, уни улуглаб ўтган. Унинг қабрида мана бу сузлар битиб қуилган: «Шоҳи гарифон», яъни ғариблар, ёлғизлар, факирлар шоҳи!.

Навоий саховат ва муруватда беназир инсон булган. Узининг жойлардаги ер-сувлари, мол-мулкларидан келган даромадларини тулалигича хайрия ишларига сарфлаган.

Алишер Навоий Махбубул-қулуб” да илмни ўрганиб унга амал қилмаган кишиларни “уруг сочиб ҳосил ололмаган” дехқонга ўхшатади Вафосизда ҳаёй ўқ, ҳаёсизда вафо йук” ахлоқий тамойили Алишер Навоий Насойимул – муҳаббат» комил инсонга хос хусусиятлар батафсил санаб утилган .Навоий асарида "руҳоният" тушунчаси инсон ички дунёси ва илоҳият боғланган, жумладан Лисон-ут тайр асарида комил инсон белгилари рамзий маънода тфодаланганди. Навоий Тавозеъ ва одоб эгаларига “ҳамма таъзим қиласи ва ҳурмат билдиради”, дейди. Маънавиятимиз юлдузи бўлмиш Алишер Навоийга аталган ҳайкаллар дунё шаҳарларидан Москва, Токио ва Бокуда бор. Президентмиз И.А. Каримов Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг сultonи” деб бежиз таъкидламаган. XV асрнинг йирик олимларидан бири Кошифий ахлоқ, нужум, мантиқ, адабиётшунослик, риёзиёт,

ҳисоб, ислом тарихи, илохиёт, тарих, мусиқашунослик, тасвирий санъат, табобат илмига оид 200 дан ортиқ асар қолдириб, Шарқ маънавий маданиятини ривожлантиришда муайян ўринни эгаллади.

#### **4.2. Шарқ мутафакирлари меросида маънавий барқамоллик масаласи ( Улугбек, Жомий, Навоий, Ҳусайн воиз Кошифий, Бобур)**

Ҳусайн Воиз Кошифий туғилган йили номаълум бўлиб, тахминан 1440 йилларда Хурсон вилоятининг Сабзавор шаҳри Байҳақи кентида дунёга келган дейилади. Кошифий Сабзаворда тез орада кўзга кўринган воиз - нотик бўлиб танилган. Кейинчалик Нишопурда 1455-1468 йилларда эса Машҳадда яшаб, воизлик қилган. 1468 йилнинг охирларида Абдураҳмон Жомийнинг тавсияси билан Ҳирот шаҳрига келади ва шу ерда яшайди. Ҳиротда у Навоий билан ҳам учрашади. Шу даврдан бошлаб бу уч буюк инсон ўртасида ижодий дўстлик иплари боғланади.

Кошифий Хурсонда Ҳусайн Бойқаронинг воизи (нотики), таъбирчиси, маслаҳатчиси сифатида шуҳрат қозонади. Чунки Кошифий Хурсон шаҳарларида ваъз айтиб, хулқ-одоб қоидалари, Қуръон ва Ҳадис масалаларини шарҳлаб халқ орасида ҳурмат-эътибор қозонган. Унинг ваъз айтишда тенгсиз эканлигини А. Навоий ва Ҳондамир ҳам таъкидлаб ўтади. Алишер Навоий Кошифийни жуда ҳурмат қилган ва “Мажолисун нафоис” тазкирасида унга алоҳида ўрин ажратиб, истеъдодини юқори баҳолаган:

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг тўртинчи мажлисида: “Мавлоно” Ҳусайн Воиз “Кошифий” тахаллус қилур, Савзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдадур ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқэ’ бўлубтур. Он фан бўлғайким, даҳли бўлмағай. Ҳусусан ваъз, инишо ва нужумки, аниг ҳаққидур ва ҳар қайсида муттайин ва машҳур ишлари бор...”- деб юксак баҳолаган. Бундан ташқари чет мамлакатларда Кошифий асарларига қизиқиши XVIII-XIX асрлардаёқ кучли бўлиб, Ғарбий Европанинг Х.Г.Кин, М.Дуайт, Д.Д.Донольсон, Э.Браун, А.А.Арберри, Э.С.Кэннеди, Э.Розентал, Х.Массе, К.С.Ламбтон, Р.Леви, А.М. Шастери каби машҳур олимлари Марказий Осиё ва Эроннинг XIV-XV асрлардаги маданияти тарихини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганлар ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ижодий меросига юксак баҳо берганлар.

Воиз Кошифий (“Кошифий” – кашф этувчи) ҳар жума куни намоздан сўнг Ҳиротнинг масжиди жомеъсида ваъз айтган, минг – минг одамлар унинг насиҳатларини берилиб тинглаганлар ўзларига фойда олганлар. Кошифий ваъзларига қизиқишининг ортиши унинг ғоят кўп ҳикоят ва ривоятларни, ҳадисларни Қуръон сураларини ёддан билиши ва буларни тингловчилар диди, савиясига мувофиқлаштириб, ёқимли ва таъсирчан усуlda баён этиб, моҳиятини тушунтириши, замона воқеаларига боғлаб шарҳлашида бўлган. Умрини одамлар хизматига сарфлаган адаб ҳалол яшашга, тўғри сўз бўлишга, дину иймон йўлидан чиқмасликка чақирар ва ўзи бунга қаттиқ амал қилас әди. Унинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолаи Хотамия”, “Анвори Сухайлий”, “Футуватномаи Султоний”, “Тавсири Ҳусайний”, “Жавоҳирнома”, “Лавомеъул

қамар”, “Лубби Лубоби Маснавий”, “Маҳбубул зуҳал”, “Бадоеъул афкор фи саноеъул ашъор”, “Искандар оинаси каби асарлари шулар жумласидандир.

Шу ўринда кўз одоби ҳақида гапирав экан унинг одобини, иккита деб айтади. Биринчидан кўзни тўрт нарса кўришдан сақлаш керак. Иккинчидан тўрт нарсани кўришга кўзни очиш керак. Агар кўз кўриши лозим бўлган тўрт нарса нима деб сўрасалар, айтгил: йўлни қўриб, қадамни қўйишни мулоҳаза қилиш учун аввал йўлга қараш керак. Иккинчидан, ер ва осмонга қараш керак. Учинчидан, ибратли нарсаларга кўзни очиб қараш керак, токи фойдали сабоқ бўлсин...

Агар кўзни беркитиши зарур бўлган нарсалар қайси деб сўрасалар, айтгил: биринчидан кўзни номаҳрамни кўришдан ман этмоқ керак. Чунки номаҳрамга назар шундай бир заҳарли ўқки, у қайси дилга бориб тегса, уни шайтон заҳри билан заҳарлайди ва хароб этади. Иккинчидан, кўзни шаҳват қўзғатувчи суратлардан асрар керак, аммо агар бирор поклик юзасидан бошқа бирорвга ва ё яхши суратга қараса, бунда ҳеч зиён йўқдир... Учинчидан, кўзни ўзгалар айбини кўришдан асрар керак, зоро бирорлардан айб излаш энг ёмон хислатдир:

Ўзгалар айбига боқма, ўзинга боқ,  
Кўзни ёқага беркит, дил шамини ёқ.

Тўртинчидан, кўзни бирорвга ҳақорат назари билан қарашдан асрагил. Ўзгаларни камситиши, мазах қилиш, ожизлар устидан қулишдан сақлан. Чунки ҳеч ким нуқсондан холи эмас. Хожа Имомиддин Фақиҳ ёзганидек:

Мамлакат шоҳи бўларсан ё илоҳинг сояси,  
Лек боқма сен ҳақорат кўзи-ла бир бандага.

Шу ўринда қулоқ эшитиши лозим бўлган одоб ҳам мавжуд. Биринчиси шуки, қулоқни уч нарсага очмоқ керак, иккинчиси шуки, уни уч нарсадан сақлаш керак. Агар қулоқ эшитиши лозим бўлган уч нарса нимадир деб сўрасалар, айтгил... учинчидан машойихлар ва ҳиммат ахлининг сўzlари.

Агар қулоқни нималардан беркитиши керак деб сўрасалар, айтгил: аввал ботил ва бидъат сўзлардан, иккинчи беҳуда ва фойдасиз фахш сўзлардан, учинчидан ғийбат ва бўхтон сўзларни эшитишдан. Чунки ғийбатга қулоқ солган ғийбатчига шерикдир.

Тилнинг одоби эса бу олти нарсага тилни очиш ва саккиз нарсадан тилни сақлашдир. Тилни очиш керак бўлган нарсалар: ҳожат зарурати юзасидан кўнгилларда яширин бўлган розни изҳор этиш, мазлумлар фарёдига жавоб бериш ва марҳумлар имдоди учун сўз айтиш. Чунки бу сўзлар орқали золимнинг зулми мазлумлар бошидан кўтарилиши мумкин.

Тилни сақлаш лозим бўлган нарсалар: биринчидан, ёлғон гардишидан, зоро ёлғончи худонинг душманидир.

Иккинчи, ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан. Учинчи, ғийбат ва бўхтон гаплардан, чунки бўхтон фосиҳлар ишидур. Тўртинчи, беҳуда баҳсу мунозарадан, айб қилишдан ва гап ташишдан. Булар шайтон васвасасига киради. Бешинчи, ўзини мақташ ва таърифлашданки, бу худбинликка олиб келади. Олтинчи, навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан. Еттинчи, қарғашдан, дуойи бад қилишдан, чунки бу жону дилнинг оғатидир.

Саккизинчи, мазах масхара қилиш ва ҳазил-хузулдан.

Шу билан бирга қўл, қорин ва оёқ одобининг мукаммалашуви инсон ахлоқий қиёфаси янада равнақ топишига хизмат қиласди. Қўл одоби бешта: аввал шуки, ҳалол иш билан шуғуллансан (касби бўлсан), иккинчидан, бирорвга озор бермасин, учинчидан, ҳаромга тегмасин, тўртингидан, омонатга хиёнат қилмасин, бешинчидан, қаламни тўғри сўз учун ишлатсан ва қалам билан ёзганини тил билан айтишга имкони бўлсан.

Қориннинг одоби эса, ҳаром ва шубҳали таомни емаслик ва пок бўлишдир.

Оёқнинг одоби иккита бўлиб, биринчидан, учта жойга бориш, иккинчидан, учта жойга боришдан сақланиш. Агар борилиши лозим бўлган мавзъе (жой): биринчидан, хайрли жойга бориш, иккинчидан, қабрлар ва қалблар зиёратига бориш, бирор гуноҳкорнинг шафоати ёхуд bemorning аёдатига бориш ёки жабру зулмни даф этиш учун қадам ташлаш.

Борилиши ман этиладиган жойлар: биринчидан, золимлар ва ҳаромхўрлар уйига бормаслик, иккинчидан, қиморхона ва харобат каби нолойик ва тухмат жойларга бормаслик, учинчидан, номаҳрамлар орқасидан қадам ташламаслик. Инсон ахлоқининг юқоридаги кўринишлари албатта ҳозирги кунда юксак маънавиятли шахсларни тарбиялаш учун жудаям муҳим ва кераклидир. Чunksи одоб ахлоқнинг бундай кўринишлари ўзаро муносабатда самимиятни оширади ва манфаатраастлик ва амалпарастлик каби салбий ахлоқий иллатларнинг жамиятдан йўқолишига хизмат қиласди. Бундан ташқари юқорида берилган кўнгил, кўз, қулоқ, оёқ, тил, қориннинг одоби ва бу тана аъзоларини қандай ахлоқий бузуқликлардан сақлаш муоммосининг қўйилганлиги инсоннининг ахлоқий қиёфасини ифодаловчи асосий мезонини белгиловчи ахлоқий фазилатлар ҳамда улага қарама қарши турган иллатлардан сақланиш одобини кўрсатади. Шундай экан алломанинг пир ва устоз билан муомола одоби хусусидаги, кейин ота онани ҳурмат қилиш одоби ва яна қариндош-урӯғ, дўст ёрлар, ошнолар, қўшнилар билан муомала одоби ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга.

Агар ота-онага нисбатан одоб ўн икки хил: биринчидан, керакли даражада уларнинг ҳурматини сақлаш. Иккинчидан, улардан дунё молини аямаслик, уларга қаттиқлик қилмаслик. Учинчидан, қилган яхшиликларини миннат қилмаслик. Тўртингидан, ота-она юзига тик қарамаслик. Бешинчидан, агар ота ва она чақирсалар, зудлик билан ҳузурларига боришилик. Олтинчидан, ота ва она билан мулоқотда юзини тескари бурмаслик. Еттинчидан, агар гуноҳга сабаб бўлмаса, нимаики буюрсалар бажариш. Саккизинчидан, ота-она билан сухбатда ёки улар билан гаплашганда овозни кўтармаслик. Тўққизинчидан, ота-она ризолигисиз, доусисиз сафарга чиқмаслик. Ўнинчидан, ҳар доим ота-она ҳурсандлигини таъминлаш райида бўлиш. Ўн биринчидан, ота-онага марҳаматни ибодат деб билиш, яъники “жаннат оналар оёғи остида” эканлигини унутмаслик.

Қариндошлар билан муомала одоби еттига. Аввал шуки, улар билан алоқаборди-келдини узмаслик керак, зеро яқинларни сийлаш пайғамбаримиз сололлоҳу алайҳи васалламнинг сунатларидир. Ва бу умрни узайтиради. Иккинчидан қўлдан келса, маблағ билан уларга кўмаклашиб туриш.

Учинчидан, уларнинг хурсандлигини баҳам кўриш ва ғаму андуҳидан қайғуриш. Тўртингидан, мадад бериш пайтида ўзини олиб қочмаслик. Бешинчидан, ҳар қанча жафо кўрсатсалар ҳам, уларга жафо қилмасдан, аксинча, вафо ва меҳрни канда қилмасик. Олтинчидан, уларнинг душманлари билан ошночилик қилмаслик. Еттингидан уларнинг мол-мулкига қасд қилмаслик, чунки агар қариндошлар молига кўз олайтиранг, номусинг, қадрингни кетгизасан.

Дўстларга нисбатан одоб шартлари, дўстлигига ҳеч бир шак-шубҳа уйғотмайдиган кишининг бешта хислати бор. Биринчидан, етук ақл, зеро ақсиз кишининг сұхбатида файз йўқ, улуғларнинг сўзи борким: “Нодон дўстдан доно душман афзал”. Иккинчиси - яхши хулқ, чунки бадахлоқ одам билан сұхбат қовушмайди. Учинчиси - яхши ният, некбинлик, зеро бадкирдор ва фосиқдан дўст чиқмайди. Тўртингиси - қаноат, чунки мол-дуёга ўч очкўз одам дўстликка арзимайди. Бешинчиси - тўғрилик, зеро кимки эгри, фирибгар ва қаллоб бўлса, унинг сұхбати кишига шараф келтирмайди, негаки бундай одамнинг лафзи ишонарли эмас.

Агар мажозий дўстлик қанақа бўлади, деб сўрасалар, айтгилки, ғараз ва фойда - тамаъ асосига ошнолик мажозий (ўткинчи) дўстликка киради. Бундайларнинг ошнолигига эътимод йўқ, чунки у бирор манфаатни кўзлаб яқинлашади, иши битгач, дўстликни узди ва агар мободо мақсади амалга ошмаса, унинг дўстлиги душманликка айланади. Бундайлар шириналликка ёпишган пашибага ўхшайдилар, шириналликни еб тутатгандан кейин эгасини талайдилар...

Агар ҳақиқий дўст мұяссар бўлса, унинг одобини қандай риоя этиш керак, деб сўрасалар, айтгин: ҳақиқий дўстликнинг одоби йигирмата нарсага риоя қилмоқдир, яъни: аввал шуки, мол дунёни ундан аямаслик керак, агар ҳамма бойликни беришни иложи бўлмасада, лекин унинг ҳожатини чиқарадиган даражада бериб туриш керак. Иккинчидан, унинг сирини бировга айтмаслик ва сирни жон ичида сақлаш лозим. Учинчидан, унинг айбини бошқалардан беркитиш, аммо ўзига айтиш, токи у айбини йўқотишга чора қилсин. Тўртингидан, унинг сўзларини жон қулоги билан эшитиш. Бешинчидан, унинг сўзларига эътиroz билдиримаслик ва сўздан хато қидирмаслик. Олтинчидан, унинг номини яхшилик билан тилга олиш. Еттингидан, унинг борлигидан ва кўрсатган карамидан шукур қилиш. Саккизинчидан, унинг орқасидан яхши гаплар гапириб эсга олиш. Тўққизинчидан, насиҳатга зарурат туғилса, охиста ва лутф билан гапириш, дағаллик ва таънага йўл қўймаслик. Ўнинчидан, унинг хатоларини кечириш ва кўрмасликка олиш. Ўн биринчидан, ўз юкини унга ағдармаслик. Ўн иккинчидан, унинг шодлигига шодланиб, ғамгинлигига ғамгин бўлиш. Ўн учунчидан, уни кўрганда биринчи бўлиб салом бериш, мактубни самимий дуо салом билан бошлиш. Ўн тўртингидан, хурматини жойига қўйиб, эъзозлаш. Ўн бешинчидан, унинг сўзини бўлиб, гап қистирмаслик. Ўн олтинчидан, ўзига раво кўрганни унга ҳам раво кўриш. Ўн еттингидан, уни яхши бир вазиятда таърифлаш. Ўн саккизинчидан, мажлисда уни олдинга ўтказиш ва муносиб ўринга ўтиргизиш. Ўн тўққизинчи, ёрдам зарур бўлган пайтда ҳимоя қилишдан чекинмаслик. Йигирманчи, унинг

душманлари билан дўстлик қилмаслик ва унинг дўстларига душманлик қилмаслик. Ва моҳият шуки, ҳақиқий дўстни чин юракдан севмоқ ва муносабатмуомалада буни амалда кўрсатмоқ шарт. Билгилки, оламда яхши дўстдан кўра саодат йўқдир:

Эй дўст, эшит, барча молингни сарфла

Бир ёр торки, жаҳон саодати шул...

Ошноларга нисбатан адаб бешта. Аввал шуки, ошноликни соат сайин ошириб боориш керак. Иккинчидан, қўл билан, тил билан ҳар нав қилиб бўлса ҳам, наф етказиб туриши лозим. Учинчидан, насиҳатни дариф тутмаслик, ошнолардан бирор нарса таъма қилмаслик. Бешинчидан, доимо уларнинг ахволидан сўраб суриштириб, хабардор бўлиб туриш. Олтинчидан, агар улар ёмонлик қилса, уни гапириб маломат қилмаслик.

Қўшнилар билан муомола-муносабат одоби ўн тўртта: аввал шуки, уларга меҳрибон бўлсин. Иккинчи, панду – насиҳатни дариф тутмасин. Учинчи, агар ёмонлик кўрса ҳам уларни беобрў қилмасин. Тўртинчи, имкони борича қўшниларга мададкор бўлиб, ҳамият кўрсатсин. Бешинчи, ўз юкини уларга ортмасин, балки улар кўнглининг юкини кўтарсин. Олтинчи, агар уларнинг хожатини чиқарса, миннат қилмасин. Еттинчи, агар қўшнилардан наф етса, шукрини қилсин. Саккизинчи, агар қўшнилар камчиликни кўрсатсалар, шикоят қилмасин. Тўққизинчи, агар камбағал ва муҳтоҷ бўлсалар, бор нарсасини бериб савоб олсин. Ўнинчи, агар бирор-бир асбоб-усқуна сўраб чиқсалар, очиқ кўнгил билан берсин. Ўн биринчи, туз, сув ва ўтинни улардан қизғанмасин. Ўн иккинчи, қўшниларнинг ёш болаларига меҳрибонлик кўрсатсин. Ўн учинчи, таъзия ва тўю маъракада улар билан бирга, ҳамдам бўлсин. Ўн тўртинчи, ариқ ва сув кетадиган жойлар, дераза ва даричалар ва бошқа қўшнилар фойдаланадиган нарсаларга монеълик қилмасин, хуллас, қўшнининг ҳурмат-эҳтиромини ҳамма вақт ўз ўрнида сақласин.

Бегоналар билан одоб шарти олтита. Аввал шуки, ҳеч кимга ҳақорат, камситиши кўзи билан қарамасин. Иккинчидан, бегоналар сухбатига сукулмасин. Учинчидан, уларнинг ёқимсиз сўзларини эшитмасин. Тўртинчидан, агар ножӯя ҳаракат кўрса, насиҳат билан тушунтиурсин. Бешинчидан, уларга шавқат кўрсатишни тарк этмасин. Олтинчидан, уларни яхшилаб синаб, муносиб деб билмагунча сухбатга йўлатмасин. Хуллас юқорида таъкидлаб ўтилган одоб қоидалари ижтимоий ҳаётда инсонларни ўзаро муносабатларида ахлоқий фазилатлар ҳамда иллатларнинг ўрни масаласи кўрилади. Айниқса бу ердаги энг актуал жиҳат шундаки, ҳозирги кунда ёшлар орасида йўқолиб борётган устозга ҳурмат ва устоз шогирд муносабатларидағи ахлоқий бузуқликларни олдини олишга хизмат қилади. Иккинчидан: ота онага ҳурмат борасида ҳам жамият ҳаётига оиланинг ўрни ҳамда ундаги ахлоқий тарбия жамият ҳаётини белгилаб берувчи тушунч эканлиги кўрсатиб ўтилгандир. Бунда қариндошларга муносабатларнинг ахлоқий қонун қоидалар доирасида бўлиши ҳам жамият истиқболини белгиловчи куч эканлигига гувоҳ бўламиз. Учинчидан: чин дўст топиш ва инсонлар билан муносабатда самимиятни чуқур фалсафий ўгитлар орқали баён этиб ўтилиши алломанинг инсоният камолотидаги ахлоқий фазилатлар ҳамда иллатлар диалектикасини

кўрсатиб туриди.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асосий ахлоқий қарашлари “Ахлоқи Муҳсиний” асарида баён этилган бўлиб, асар 1495 йилда ёзилган, бу асар Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг шухрат қозонди. У бир неча бор қайта кўчирилди бошқа тилларга таржима қилинди. 1858 йилда эса машхур ўзбек шоири Муҳаммад Ризо Оғаҳий томонидан эски ўзбек тилига таржима қилинди.

Асар панднома шаклида ёзилган бўлиб муқаддима ва 40 та бобдан ташкил топган.

Ахлоқий мухсиний асаридаги асосий ахлоқий тушунчалар		
№	Фазилатлар	Иллатлар
1.	Ихлос	Риё Ғараз
2.	Шукр	Ношукрлик Қаноатсизлик Сабрсизлик Ноумидлик
3.	Сабр	Шошмашошарлик Тоқатсизлик
4.	Ризо	Сабрсизлик Ҳаромга ружу қўйиш Беҳаёлик
5.	Таваккул	Тухмат Бўхтон Ёвузлик Ёлғончилик Сотқинлик
6.	Ҳаё	Диёнатсизлик Беҳаёлик Оқибатсизлик Уятсизлик Номуссизлик
7.	Покизалик	Ҳаромдан тийилиш Шаҳват Манманлик

		Шұхратпарастлик Маъсулиятсизлик
8.	Адаб	Нодонлик Илмсизлик Беҳаёлиқ Маънавиятсизлик
9.	Олийхимматлик	Тубанлик Пасткашлик
10.	Ахд	Шошмашошарлик Сусткашлик
11.	Собитқадамлик	Номардлик Дангасалик Үз – ўзига ёвузлик
12.	Адолат	Жаҳолат Зулм Оқибатсизлик Ёвузлик
13.	Афв	Зулмкорлик,
14.	Ювошлиқ	Ғазаб Қаҳри қаттиқлик Нодонлик
15.	Мулойимлик	Карамсизлик Одобсизлик Бадхулқлик
16.	Шафқат	Виждонсизлик Адолатсизлик Зулм
17.	Тавозе	Манманлик Шұхратпарастлик Лаганбардорлик
18.	Омонат	Диёнатсизлик Хиёнат

		Ғафлат
19.	Вафо	Бевафолик Одобсизлик Кўрқоқлик
20.	Ростгўйлик	Ёлғон Ёмонлик Сўзини устидан чиқмаслик
21.	Охисталик	Бемалоллик Шошмашошарлик
22.	Андиша	Номуссизлик Уятсизлик Бепарволик Лоқайдлик
23.	Шижаат	Кўрқоқлик ваўта юраклилик ўртасидаги фазилатдир
24.	Ғайрат	Ҳамиятсизлик Ишёқмаслик
25.	Огоҳлик	Лоқайдлик Бепарволик
26.	Фаросат	Фаҳмсизлик Фаросатсизлик
27.	Сир сақлаш	Фисқу- фасод Сотқинлик
28.	Бурч	Маъсулиятсизлик Бепарволик

#### **4.3. XIV-XV асрлар маънавий-маърифий тафаккурининг умуминсонийлик моҳияти.**

Ўзбекистон мустақилликка эришиши биланоҳ Президентимиз Ислом Каримов бой маънавий меросимиз, дину-имонимиз, Кадриятларимиз, шу жумладан улуғ бобомиз соҳиб^рон Амир Темур номини, у \акдаги тарихий ҳак^ҳатни тиклашга шахсан раҳнамолик килиб келмокда.. Хорижда сиймоси йиллар давомида театр сахналаридан тушмай келган, Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га як^ин китоблар езилган, купдан-куп

суратлари ишланган, қисқаси дунёга машхур булган улуг зот Амир Темур яна халкимиз калбидан муносиб урин олди. 1994 йилда Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йилда эса соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан дунё миқёсида улкан тадбирлар утказилди. Париждаги ЮНЕСКО кароргохида утказилган юбилей тантаналари жаҳон миқёсида, айникса, муҳим аҳамият касб этди. ўзбекистан Республикаси Вазирлар Махкамасининг карорига кура «Амир Темур» ҳайрия жамгармаси ташкил этилди. Дунёнинг таникли сиёsat арбоблари, олимлари, сувчилари, тарихчилари иштирокида илмий-амалий анжуманлар утказилди. Президент фармони билак юксак мукофот -- «Амир Темур» ордени таъсис этилди. Темурийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши республикамиз, халқимиз ёётида муҳим воқеа булди. Юбилей муносабати билан куплабтарихий-илмий асарлар, ресолалар, албомлар ва бошкалар нашр этилди. Шу уркнда Амир Темурнинг уз и яратган «Темур тузуклари» рисоласини, академик Бурибой Амировнинг «Амир Темур» тарихий романини, Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» шеърий драмасини, Шарафиддин Али

Яздий ва Низомиддин Шомийларнинг «Зафарнома» асарларини, Ашрафийнинг «Темурийлар даври миниатюраси» каби нашрларни алоҳида кайд этиш мумкин.

XIV-XV асрларда яратилган асарлар тарихга миллий ва умумисоний қадриятлар нуқтаи назаридан ёндошиб, тобора янгиланиб бораётган фалсафий тафаккуримизнинг ўтмиш маданиятимизнинг ажralmas қисми бўлган Шарқ маънавий-ахлоқий тафаккурининг янгидан – янги уфқларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса буюк мутафаккирларимиз меросида умумисонийлик тамойиллари асосий ўрин тутади. Фаробий асарларида эзгу фазилатлар, Навоий асарларида инсонпарварлик, тасаввуф таълимотида инсоннинг ўз-ўзини англаши хусусидаги фикрлар умумисоний аҳамият касб этади.

## **Назорат саволлари**

- 1..Амир Темур ўгитларининг ҳозирги замон ёшлар тарбиясидаги аҳамияти нималардан иборат?**
- 2.Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарининг замонавий таҳлили.**
- 3.Навоий “Маҳбуб ул-кулуб” асарининг ҳозирги замон ёшларини тарбиялашдаги аҳамияти.**
- 4.Навоий асарларида илгари сурилган ахлоқий ғояларнинг замонавий комил инсон концепциясини яратишдаги роли.**
- 6.Навоийнинг “Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йукдир” деган тамойилининг мазмунини очиб беринг.**
- 7..Абдураҳмон Жомийнинг ботини й ва зоҳирий билимлар ҳақида ўз мулоҳазаларингизни билдиринг**

- 8.Хусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” асарининг ахлоций моҳияти.**
- 9. Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарида илгари сурилган ахлоқий ғояларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?**

**Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**  
**Рахбарий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-21 жиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2014.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.

**Кўшимча адабиётлар:**

1. Амир Темур ўгитлари. Т., Наврўз, 1992.
- 2.Кэрэн Лъюсьен. Амир Темур салтанати. Т., Маънавият, 1999.
- 3.Муҳаммад Тарагай Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., Маънавият, 2000.
- 2.Навоий Алишер. Махбуб ул-қулуб (Қалблар севгилиси). – Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. -112 б.
- 3..Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати.-Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти,, 1994.-112 б. 4.Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.Чўлпон. 1989.
- 5.Нурматова М.А. Шарқ ахлоқий тафаккур тараққиёти босқичлари /Услубий қўлланма. Т., Университет. 2008.

## **5-Мавзу: Шарқ илмий-маърифий марказларининг замонавий аҳамияти РЕЖА**

- 1.«Байт ул-ҳикма» (Донолар уйи) ва Хоразм Маъмун академиясида амалга оширилган қашфиётлар, ихтиrolар.**
- 2. Шарқ илмий-маърифий марказларининг умуминсоний аҳамияти.**
- 3.Замонавий олим ва тадқиқотчиларнинг шарқ мутафаккирлари меросини ўрганишдаги роли.**

### **Таянч тушунчалар**

Ренессанс, Байт ул-ҳикма, Маъмун академияси, Самарқанд Улуғбек академияси, ал-Хоразмий, ал-Фаргоний, ал-Форобий, Ибн Сино, ал-Беруний, фан, маданият, илмий-маърифий марказлар, Марказий Осиёning қайта қашф этилиши.

### **5.1. «Байт ул-ҳикма» (Донолар уйи) ва Хоразм Маъмун академиясида амалга оширилган қашфиётлар, ихтиrolар**

IX-XV асрлар шартли тарзда «Ренессанс» (уйгониш) даври деб аташади. Бу даврда комусий илм эгалари, ажойиб шоирлар, буюк давлат арбоблари этишиб чиқкан. Дунёвий фанларнинг тез суръатларда таракхий этиши кенг таржимонлик фаолиятига таъсир этди. Бу жараён, айникса, халифа Маъмун даврида (813-833 и.) Бардодда «Байт ул-ҳикма» (Донолар уйи) ташкил этилган пайтда тезлашди. Юнон фалсафаси ва табобати, хинд ҳисоби, ал-химия ва илми нужумга оид асарлар араб тилига таржима қилди. Бунда Марказий Осиё'дан этишиб чик^ан мутафаккирлар ал-Хоразмий, ал-Фаргоний, ал-форобий, Ибн Сино, ал-Беруний каби мутафаккирлар хам катта рол уйнадилар.

Маълумки, ўша даврларнинг анъаналарига кўра, маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда хукмдорлар ва султонлар саройларида паноҳ топғанлар. Улар орасида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмун академияси ва "Байтулҳикма", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар. Бу даврга келиб, аввало Урта Осиё, Эрон, Ироқ ва Сурия илму фан ва маданиятнинг йирик учогига айланди. Хоразм, Бухоро, Хиротда йирик илмий марказлар ташкил топган эди. Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Фарроний, Беруний, Имом ал-Бухорий, Имом Исо ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий каби Урта Осиёлик олимлар вауламоларнинг донги етги иклимга тараган эди. Хоразмий қилган ишлари ва қашфиётлари

Боғдоддаги Байт-ул ҳикма илмий марказини мудири бўлган

Ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини илм-фан соҳасига жорий этган

Европа ва Яқин Шарқ илмини қадимги ҳиндуларнинг ўнлик

тизими билан таништиради  
“Китоб ал жабр ва ал-муқобала”, “Астролябия бўйича рисола”,  
“Ернинг шакли хақида китоб”, “Тригонометрик жадваллар” каби  
асарлар муаллифидир

**Асосий илмий кашфиётлари:**

Ер меридианини узунлигини аниқлаган

Ер харитасини тузган

Арифметикага асос солган

Алгебрани мустақил фан сифатида шакллантирган

**Беруний асарлари:**

“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”,

“Хоразмнинг машғур кишилари”, “Минерология”,

“Геодезия”, “Хиндистон” ва бошқалар

**Фарғоний** Буюк астроном, математик ва географ. Европада Алфраганус Номи билан машҳур. 11 та илмий асар муаллифи. Асосий асарлари:

“Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби”, “Астрономия асослари хақида китоб”, “Астурлоб ясаш хақида китоб”, “Ал-Фарғоний жадваллари”, “Қуёш соатини ясаш хақида” **Илмий кашфиётлари:** Ер шари меридианини катта кенглигини тавсифлайди Ерни шар шаклида эканлигини исботлайди

Нилометрни ихтиро қиласди.

## **5.2. Шарқ илмий-маърифий марказларининг умуминсоний аҳамияти.**

Урта Осиёнинг кадимий, ку^на ва ҳамиша навхирон Бухоро, Хива, Самарканд каби шахарлари кадимдан фан, маданият ва маънавиятгош маркази булиб келганлиги билан ажralиб туради..Хоразм Маъмун академияси”нинг 1000 йиллиги 2006 йил 2 ноябр нишонланди. Шарқ илмий марказлари бутун жаҳон илми ва фани тараққийсига катта ҳисса қўшди. Унда амалга оширилган ихтиро ва кашфиётлар умуминсоний аҳамиятга эгадир. Бу даврдаги фикр ва ғояларнинг ўлмаслиги хақида Фридерик Старнинг “Марказий Осиёнинг қайта кашф этилиш” номли асарида бирор бир минтақада интеллектуал мулкнинг бағрикенгилиги Марказий осиёдаги каби бўлган эмас. Бугунги авлод қонида генида анашундай улуғ аждодлар гени мавжуд.дека Ўзбекистондаги ривожланиш хақида гапириб ўтади. Ю^оридагилардан куриниб турибдики, IX-ХП асрлар давомида Марказий Осиёда илм, фан ва маърифат юкори даражада ривожланган. Уларнинг заминида авлод, аждодларимизнинг юксак даражадаги маънавиятга эга эканлиги туради. Чунки ма7,навий к^ашшоҳ инсон хеч качон илм, фан, маърифат ва маданиятни ривожлантира олмайди. Унинг улкан салоҳиятидан ба\ра ола олмайди.Буюк авлод-аждодларимиз томопидан амалга оширилган улкан ишлар жаҳрн цивилизациясининг ютути сифатида барча халкларга хизмат килиб келмокда. Бу уз наибатида хар бир узбек фарзандида ғУРУР уиротади ва бу маънавий бойликларни чукур узлаштиришга интилишини кучайтириб бораверади.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти

бўлмиш АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти»деган юксак ном берилиши юртимизда етишиб чиқсан илму уламоларнинг Ислом маданияти ва маърифати ривожига қўшган бебаҳо ҳисасини ислом дунёсида эътироф этилишидир.

Улар қолдириб кетган маънавий мерос бугунги кунда диний қадриятларимизни тиклашимизнинг асоси бўлмоқда, маънавиятимизни, қалбимиз ва руҳиятимизни бойитмоқда. Уларнинг асарлари ўзбек халқининг моддий ва маънавий бойлиги бўлиши билан бирга бутун дунё халқларининг мулкига айлангандир.

Авлод-аждодларимиздан қолдирилган ана шу моддий ва маънавий мерос мустақиллик шароитида маънавий тикланиш, маънавий покланиш, маънавий ривожланишимиз учун асосий манба бўлиб келаётганлиги, руҳиятимизни бойитиб бораётганлиги маданият ва маънавиятнинг ҳар доим уйғун ривожланишини тасдиқловчи ёрқин мисол бўла олади. Улар ҳар доим бир-бирларига ижобий таъсир ўтказиб ўзаро бир-бирларини бойитиб келганлар. Уларнинг узвийлиги умуммиллий маънавиятимизни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур бой миллий – маънавий меросимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиши, идрок этишимиз учун барча имкониятлар мустақил давлатимиз томонидан, бевосита Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан яратиб берилмоқда. Бу имкониятларни рӯёбга чиқариш учун тарихчи, олим, адабиётчи, санъаткорларимиздан, қўйингки миллий маънавиятимиз жонкуярларидан ғайрат –шижоат, кунт билан ишлаш, изланиш талаб этилади. Президентимиз айтганларидек, халқимизнинг таянчи аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи катта бир хазина. Бу хазинадан мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда оқилона фойдаланишимиз лозим. Қадимий ёзувлар, битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, улуғ шоир ва мутафаккирларимиз яратган дунёвий билим ва бадиий асарлар, Куръони карим, хадислар, Яссавий ва Бокирғонийлар яратган диний-ахлоқий руҳдаги асарлар, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиблар яратган ахлоқий, панд-насиҳат типидаги асарлар, Нажимиддин Кубро, Баҳоуддин Нақишибандийлар яратган, инсон ички дунёси, руҳиятига қаратилган таълимотлар, Навоийнинг ўлмас бадиий ижод хазинаси ва бошқалар бизнинг бой маънавий меросимиз ҳисобланади. Улар инсон ички дунёсини, руҳиятини, инчунун маънавиятни сайқал топишига қаратилган. Президентимиз айтганидек маънавий меросимиз бўлиш: “...муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюқ мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради”<sup>21</sup>. Уларда инсонлар маърифатга, илм-билим олишга, юксак ахлоқ – одобга, олижаноб фазилатларга, яхшиликка даъват этилади; ёмонлик, ёвузлик қораланиб ундан сақланишга чақирадиган панд-насиҳатлар, ўгитлар жуда кўп.

<sup>21</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 21 бет.

### **5.3. Замонавий олим ва тадқиқотчиларнинг шарқ мутафаккирлари меросини ўрганишдаги роли.**

Мустақилликдан кейин шарқ мутафаккирлари меросига бўлган муносабат ўзгарди. Уларнинг асарлари қайтадан нашр этилди ва бу борадаги илмий-тадқиқот ишлари жонланди. Ҳар бир мутафаккирнинг турли соҳадаги асарлари файласуфлар, адабиётшунос ва бошқа мутахассислар томонидан ишланиб янги-янги монография ва илмий тадқиқотлар юзага келди. Куръони Каримнинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва чоп этилиши, ҳадислар ва ҳадисшуносларга оид кўплаб китоблар, биргина Фаробий ёки Ибн Сино меросига бағишлиган номзодлик ва докторлик диссертацияларнинг ёқланиши ёки тасавуф таълимоти мутафаккирлари меросинининг кенг ўрганилиш фикримиз далилдир. Бу борада Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулнинг тасаввуфга оид тадқиқотлари, Маҳкам Махмуднинг Ғаззолий асарларини нашрга тайёрлаб чоп этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Нафақат Ўзбекистонда балки бутун жаҳонда шарқ мутафаккирларига бўлган янгича муносабатнинг вужудга келганлигини эътироф этиш зарур. Америкалик тарихчи, археолог, антрополог, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи – профессор Фредерик Старр жанобларидир. Унинг 2009 йилда “Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши” деб ном олган эссеси АҚШда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материали сифатида эътироф этилган.

Шарқ Ренессанси даври Ҳиндистоннинг академик ва маданий доиралари томонидан ҳам чуқур ўрганилмоқда. Бугун ушбу анжуманда Индира Ганди номидаги Миллий маданият марказининг илмий раҳбари, IV-XV асрлардаги Ўрта Осиё ёзма манбаларини қиёсий ўрганиш бўйича узоқ йиллардан буён самарали иш юритиб келаётган профессор Мансура Ҳайдар хоним ҳам иштирок этаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Олиманинг “Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарининг тарихий аҳамияти” деб номланган илмий монографияси халқаро миқёсда кенг эътироф этилган бўлиб, у Амир Темурнинг ҳаётлиги даврида унинг давлатчилик фаолиятига бағишлиб ёзилган ягона китобни батафсил тадқиқ этишга қаратилган.

Қоҳира университети профессори, турк филологияси ва адабиёти бўйича таникли олима Магида Маҳлуф хоним ўтган йили “Бобурнома”ни араб тилига таржима қилиш бўйича узоқ йиллик ишини якунига етказди ва унда ўзининг чуқур шарҳлари ва аввалги тадқиқотларга доир танқидий таҳлилларини баён этди. Энг мухими, бизнинг буюк аждодимиз Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари билан инглиз, форс ва бошқа кўплаб тиллар қатори эндиликда араб тилида ҳам танишиш имкони пайдо бўлди.

Шарқ тарихи ва фалсафасининг турли йўналишлари бўйича 60 дан ортиқ нашр қилинган ишлар муаллифи, Бельгиядаги Лувен католик университети профессори Юль Янссенснинг илмий фаолиятини ҳам биз юксак баҳолаймиз. Олиманинг “Ибн Сино ва унинг араб ва лотин дунёсига таъсири” китоби, “Абу Али ибн Сино ва унинг мероси” тўплами фақат мутахассислар эмас,

балки бутун дунё китобхонлари орасида ҳам юқори баҳоланди ва кенг эътироф этилди.

Европада таниқли врач, соғлиқни сақлашнинг замонавий тизимини ташкил этиш соҳасида тан олинган эксперт, доктор Марк Боннелнинг фидокорона фаолияти катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовордир. У раҳбарлик қилаётган “Абу Али ибн Сино – Франция” уюшмаси Франция ва Европада Ибн Синонинг маданият, фалсафа ва тиббиёт соҳасидаги илмий асарларини оммалаштиришга бекиёс ҳисса қўшмоқда.

шунингдек, Утрехтдаги Фан тарихи институтидан машҳур голланд олими Роберт ван Гент ҳам иштирок этмоқда. Ушбу тадқиқотчининг нашр этилган ўндан ортиқ китоби, 60 та мақоласи фақат астрономия, картография ва геодезиянинг бугунги долзарб муаммоларини эмас, айни пайтда уларнинг тараққиёт тарихини, жумладан, ўрта асрлар Шарқига мансуб даврни ҳам қамраб олади.

### **Назорат саволлари**

- 1.Форобийнинг давлат бошлиғи фазилатларига оид қарашлари қайси асарида баён этилган?
2. Ибн Синонинг санъатга оид қайси асарларини биласиз?
3. Хоразмийнинг илмий кашфиётларини изоҳлаб беринг?
- 4.Берунийнинг –ilm-фанга қўшган ҳиссаси нимадан иборат?
5. Фаргоний қандай ускуна ихтиро қилган?
- 6.Шарқ алломалари меросини тадқиқ этаётган замонавий олимлардан кимларни биласиз?
7. “Марказий Осиёнинг қайтадан кашф этиши” эссесининг муаллифи ким?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати Раҳбарий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-21 жиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2014.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

### **Дарслик ва ўқув қўлланмалар:**

4. Абдураҳмонов М., Отамуротов С. Маънавий салоҳият. / Ўқув қўлланма. Тошкент: Университет, 2009.
5. Отамуротов С., Абдураҳмонов М, Хусанов С. Маънавият асослари. / Ўқув қўлланма. Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2011.
6. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. / Ўқув қўлланма. Тошкент: Cho’lron номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006.

7. Қуранбоев Қ., Абдураҳмонов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича ўкув-услубий қўлланма. Тошкент: 2010.

**Кўшимча адабиётлар:**

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис.4- китоб. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. -527 б.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси рашириёти, 1993. -223 б.
3. Ал-Фақих Абу Лайс Ас-Самарқандий. Танбехул-ғофилийн. Биринчи китоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. -112 б.
4. Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. –Душанбе: Дониш, 1987. – 108 с.
5. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. - Тошкент: Ёзувчи, 1996. -272 б.
6. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгилиси). – Тошкент: F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. -112 б.
7. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати.-Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,, 1994.-112 б.
8. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг.–Тошкент: Фан, 1971. - 336 б.
9. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари асосида. – Тошкент: Шарқ Нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. - 2001 й.
10. Чориев А. Инсон фалсафаси. II. Мустақил шахс. Тошкент: Чинор ENK. 2002.

## ГЛОССАРИЙ

**“МАЬНАВИЯТ” ТУШУНЧАСИ** Маънавият – инсонни рухан покланиши, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қараашларини мезонидир.(Ислом Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент.Маънавият, 2008.6.19)

Маънавият инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турган энг бақувват ботиний куч ҳисобланади. Инсон – табиатнинг барча мавжудотнинг гул тожи дейилганда унинг ушбу ҳислати яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Инсон маънавиятини ўзини шахс сифатида англағандан бошлаб умрининг охиригача шакллантиради ва ривожлантириб боради. Инсоннинг ўз маънавиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиздир. У инсоннинг бутун онгли фаолияти давомида шаклланади ва ривожланади. Шу маънода маънавият инсоннинг онглилигини, қобилияти ва юксак мақсадлар сари интилишларини ҳам ўз ичига олади.

Айтиш мумкинки, маънавият инсонни тараққиётга етакловчи барча ботиний дунёсини ифода эттирувчи тушунча.

**ХАЛҚ МАЬНАВИЯТИ** - халқ ёки миллат қадриятларнинг муайян тартибда, даражада ва йўсинда тизим олига келиши. Барча халқларнинг маънавияти ам асосан бир хил қадриятлардан ташкил топади. Бу тизим сирасига озодлик, тинчлик, хотиржамлик, иймон, инсоф, лафз, орият, фаровонлик, катталарга урмат, амкорлик, адолат, мемондўстлик сингари қадриятлар киради. Лекин, айни бир хил қадриятлардан ташкил топишига қарамай, турли халқлар маънавиятининг ўзига хос бўлишига боис шуки, ўша айни бир хил қадриятлар маънавиятда ўзига хос йўсинда боғланади. Масалан, бир х.м.да мемондўстлик устувор бўлса, бошқа х.м.да жасурлик устун бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айни бир х.м. тараққиётидаги бир босқичда ўша мемондўстлик ёки катталарга урмат катта ўрин тутса, кейинги босқичда жасорат ёки адолат энг устувор қадрият бўлиб қолиши мумкин.

**МАЬНАВИЙ ҚАДРИЯТ**-бу мафкурага боғлиқ бўлмай, балки миллий мафкура қадриятларимизга, маънавиятимизга асосланган бўлиб, дастлаб бундай маънавиятнинг мезони кишиларнинг масъулиятига юклangan муқаддас вазифа бўлиб, кишиларда ҳалоллик, поклик,инсоф, диёнат, қаноат, шижаат, сабр-тоқат, интизом, ватанин севмок, садоқат, муҳаббат каби фазилатлар бўлиши демакдир.

**МАЬНАВИЙ ҲАЁТ** – жамиятдан маънавий ишлаб чиқариш б-н боғлиқ бўлган ижтимоий онгни шакллантириш, яратиш жараёни. М.ҳ. икки хил кўринишга эга: маънавий бойликлар яратиш ва маънавий бойликларни ўзлаштириш. М.ҳ.нинг муҳим белгиси шуки, борлиқни назарий, рационал билишга ва айни пайтда янги маънавий қадриятлар ишлаб чиқишига қаратилгандир. Ушбу жараёнда инсон ўз онгини ўстиради, бойитади. Бошқа томондан эса, маънавий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилувчи ғоялар,

билимлар, назариялар, бадиий образлар ва бошқа маънавий қадриятлар ишлаб чиқарди. М.ҳ. Президент таъкидлаганидек, парвоз қилаётган күшнинг бир қанотидир. М.ҳ. моддий ҳаёт б-н уйғунлашса, том маънодаги юксалиш юз беради, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўзгариш жараёнлари содир бўлади.

**ТАФАККУР** (араб. — фикрлаш, ақлий билиш) — инсон маънавий оламининг таркибий қисми, оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ғртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс этадиган билишнинг рационал босқичи. Тафаккур ибораси арабча "фикр" сўзидан келиб чиқсан бўлиб, ўйлаш, муҳокама, мушоҳада ва фикр юритиш маъноларини билдиради. Т. қуйидаги асосий хусусиятларга эга: Унда воқелик абстрактлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. <sup>2</sup>иссий билишдан фарқли ўлароқ, Т бизга предметнинг номуҳим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа б-н белгиланади) белгиларидан фикран четлашган, мавхумлашган ҳолда, эътиборимизни унинг умумий,, муҳим, тақорланиб турувчи хусусиятларига ва муносабатларига қаратишимизга имкон беради.

**Аҳмад Фарғоний** IX асрда яратилган “Астрономия асослари” фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютукларидан бири унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиқсан ва шунингдек, Нил дарёсида “ниломер” деган, кўп асрлар давомида сув сатхини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратган.

**Абу Наср Форобийни** X асрнинг қомусий алломаси замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, “Шарқ Аристотели” деб атаганлар. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантириди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машҳурлари “Моҳият хусусида сўз”, “Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб”, “Тафаккур моҳияти” ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва шарқ тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чуқур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда.

**Абу Али ибн Синонинг** Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти аввало тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тишлинослик соҳаларига бағишиланган.

**Абу Райҳон Берунийнинг** 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради.

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асли” деб аталиши бежиз эмас.

**Мирзо Улуғбек** XV асрда тузган астрономия жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди.

---

**ШАРҚ ПАНДНОМАЛАРИ** – Шарқ мамлакатларида насиҳатнома, васиятнома ва пандномалар кенг тарқалган бўлиб, уларда ижтимоий-сиёсий масалалар билан бир қаторда ахлоқ ва таълим тарбияга ҳам кенг ўрин берилган. Бундай асарлар жумласига “Қобуснома”, Фаридиддин Атторнинг “Пандномаси” ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, Тусий, Жомий, Навоий, Давонийларнинг асарларида ҳам панд-насиҳатлар мавжуд.

**ТАСАВВУФ** - Тасаввупнинг асосий моҳияти инсон ва унинг Худога муносабатидир, яъни солиҳнинг Худо васлига етишишидир. Худо васлига етишишнинг 4 босқичи бўлиб, булар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдир. Суфий ана шу босқичларни босиб ўтиб ҳақиқатга, Худо васлига етишиши мумкин. Умуман олганда тасаввуп руҳий покланиш бўлиб, унинг назарий ва амалий томонлари мавжуддир. Унинг назарий томони таркидунёчилик, яъни аскетизм, мистицизм ва пантеизмдан иборат. Унда Худо васлига етишиш марказий ўринни эгаллайди.

Тасаввупнинг амалий томони солиҳнинг хулқ-одоб қоидаларини бажаришда, энг аввало, Аллоҳга содиқ бўлишда, ҳеч кимга ёмонликни раво кхрмасликда, касб-ҳунар орқали ҳаёт кечиришда, ўзгаларга ёрдам беришда, сахий ва сабр-қаноатли бўлишда, Тасаввупнинг қоидаларини сидқидилдан бажаришда намоён бўлади.

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ** - Тасаввуп таълимотининг яна бир йирик вакили Жалолиддин Румий ёки Мавлоно Румий номи билан машҳур бўлган зот дунёнинг донишмандларидан бири, беназир шоир ва бетакор бир мутафаккир, валий инсондир. Уни goҳ Кант, goҳ Спиноза, goҳ Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муazzам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуп тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишда намоён бўлади. Унинг олти дафтардан иборат “Маснавий маънавий” номли асарини “форс тилидаги

Куръон” деб тавсик этадилар. Жалолиддин Румий ўзидан кейинги Шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илоҳий ишқ қуйчиси, буюкликнинг кўз илғамас чўққиси деб шарафлайди. Жалолиддин Румийнинг илмий ва адабий мероси ғоят катта. Ғазал, маснавий ва рубоийларни ўз ичига оладиган “Девони кабир” (“Улугъ девон”)да уч мингдан ортиқ шеър бор. Фалсафий-сўфиёна мушоҳадалар, руҳият диалектикасини кашф этиб, инсон ақлини лол қолдирадиган теранлик билан ёзилган “Маснавий-маънавий” ҳам бир неча минг байтдан иборат. Бундан ташқари “Мактуб“Ичиндаги-ичиндадир” – содда форс тилида ёзилган асар, улугъ муаллиф “Маснавий маънавий”даги ҳадис ва оятлар, ҳикоят ва тамсилларга ўралган, ўта мураккаб бир фалсафий муҳокамалар асосига қурилган фикрларини бу ерда равшан ва содда қилиб тушунтириб берган. от”, “Фихи мо фихий” (“Ичиндаги ичиндадир”) номли асарлари ҳам мавжуд. Бу асар инсонни фикрлашга, фикрлаш орқали ўзлигини, ўзлиги орқали ҳақни - Яратганни тушунишга ундейди.

**ҒАЗЗОЛИЙ** - Тасаввуф ахлоқшунослигига Ҳужжат ул-ислом **И мом** Ғаззолийнинг (1058 - 1111) ўрни бекиёс. Унинг ахлоқий қарашлари, асосан, ҳар жиҳатдан буюк асар бўлмиш «Иҳёи улум ад-дин» деб аталган тўрт жилдлик китобида, шунингдек, «Кимёйи саодат», «Мукошафат ул-қулуб» асарларида ўз аксини топган. Уларда таваккул (ҳамма нарсада Аллоҳга суяниш) Худонинг яккалигига эътиқод сифатида талқин этилади ва муҳаббат, ихтиёр эркинлиги, тақдир, ният сингари муаммолар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади.

**АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ** - Тасаввуф ахлоқшунослигининг улкан намояндаси (XIII асрнинг биринчи ярми - XIV аср бошлари). Ахлоқий муаммолар унинг «Зубдат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Инсони комил» («Комил инсон») каби асарларида кўтарилади. Мутасаввуф-файласуф меросида комил инсон муаммоси ана шу руҳ даражалари билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Шу сабабдан ҳам улкан олимимиз Нажмиддин Комилов: «Азизиддин Насафийни комил инсон илмининг назариётчиси дейиш мумкин, чунки унинг барча асарларида бу мавзу марказий ўринни ишғол этади», деган фикрни билдиради ва алломанинг бу борадаги қарашларини биринчи бўлиб жиддий таҳлил қиласи. Азизиддин Насафий наздидаги комил инсон, энг авва-ло, юксак ахлоқ эгаси; унинг ердаги вазифаси ҳалоллик ва ростгўйликни қарор топтириш, ёмон расму русумларни йўқотиб, яхши, эзгуликка бошлайдиган қонун-қоидаларни жорий этиш, одамларни Худога томон даъват қилиш. Бу даражага етишиш учун эса инсон ўзини англаб етиши керак. Зоро, алломанинг фикрича, ўзини англамаган киши ҳеч нарсани англамай дунёдан ўтади.

**“ҚУТАДГУ БИЛИК”** - Ахлоқий, фалсафий ва сиёсий фикрлар теранлиги жиҳатидан “Қутадғу билик” асари дурдона асар эканлигини жаҳон олимлари эътироф этганлар. “Қутадғу билик” нинг мукаммал матни нашрини амалга оширган Қаюм Каримов фикрича, Юсуф Хос Хожиб

мазкур асарини 18 ойда яъни ҳижрий 462 (милодий 1069) йилда ёзиб тутатган. Агар тутатган йили унинг эллик ёшдан ўтиб, олтмишга қараб кетаётганигини инобатга олсақ, унинг туғилган йили Баласоғун шахрида, ҳижрий 410, (милодий 1019 ёки 1017) йил эканлигини таҳмин қилиш мумкин. Муқаддимада яна бундай сўз билан асарнинг фазилатлари маълум қилинади: “Мочин (яъни Шарқий Туркистон) олимлари ва ҳокимлари донишмандлари (бир фикрда) яқдил, иттифоқ бўлдиларким, Машриқ вилоятинда, туркистон элларинда Буғрохон тилида битилган бу китобдан яхшироқ бир китоб тасниф қилинмади”. Шундан сўнг, юқорида келтирганимиз, “Қутадғу билиг” асарига турли мамлакатларнинг олимлари турли номлар берганлиги айтилгач, учинчи шахс тилидан (эҳтимол, уни китобат қилувчи котиб тилидан) Юсуф Хос Хожиб ҳақида қисқа маълумот берилади: “Бу китобни тасниф қилувчи Баласоғунда туғилган, пархез эгаси эр туур”. Яъни, бу китобни тузган одам азиз-авлиёлар қаторидаги одам, турли ёмонликлардан ва мубах-руҳсатлардан, зебу зийнатлардан, нозу-неъматлардан ўзини тиовчи, тақводор, уламо, сабр-қаноатли инсон”.

**“ХИББАТУЛ ҲАҶОЙИҚ”** - Аҳмад Юғнакийнинг «Хиббатул-ҳаҷойик» асарини биринчи бўлиб, топиб нашр этган турколог олим Қозоқбой Маҳмудов ёзишича, бу асар 780-йилларда яшаб, Имоми Аъзамнинг шогирди бўлган Адид Аҳмад эмас, балки XII асрда қораҳонийлар даврида (мўғуллар истилосига қадар) Туркистонда, Юғнак шахрида туғилиб ўсган донишманд шоирдир. Мутафаккир «Хиббатул-ҳаҷойик» асарида ўз замондоши, ўз даврида элпарварлиги билан машҳур бўлган адолатли подшоҳ, лашкарбоши (силоҳсолар) Додбекни мадҳ этар экан, унинг раиятга қилган ва қилаётган яхшиликларини мақтаб, бошқа ҳукмдорларга ибрат қилиб кўрсатади. Аслида бу тарихий шахс чиндан ҳам салжуқийлар салтанатида катта мавқега эга бўлган, Хуросон, Хоразм ва Шарқий Туркистон вилоятларида ҳукмронлик қилган, хоразмшоҳлар давлатининг асосчиси Ануштегинга яқин қариндош бўлган Додбек Хабаший эканлиги аниқланди. Аҳмад Юғнакий достонида «Ан-навъул-аввалу. Фи манфаатил-илми ва мазратил-жақили»- (Илм манфаати ва жаҳолат заарлари ҳақида) деб аталган фаслда Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асаридаги ҳалқ ижоди дурдоналарига хос мақол ва маталга айланиб кетган ҳикматли сўзлар кўп учрайди. Бу ҳикматли сўзларнинг бир қисми-туркий ҳалқларнинг поэтик ижодига алоқадор эстетик тафаккур дурдоналарини ташкил этса, бошқа қисми ҳадиси шарифларининг изоҳи ва тафсиридан иборат эканлигини кўрамиз

**“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”** - “Темур тузуклари”-Амир Темурга нисбат бериладиган, тарихий-сиёсий рисола. Ушбу асар 14-15-асрлар тарихига оид қимматли манба бўлиб, унинг биринчи қисмида Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсиё ва маданий фаолияти ҳақида гап борса, иккинчи қисмида эса, унинг давлатни бошқариш, мамлакатни идора қилиш услублари ҳақидаги тузуклари, яъни йўл-йўриклиари, қонун-қоидалари, панд-насиҳатлари ўрин олган.

Амир Темур салтанатни бошқаришда 12 та қоидага асосланади.

Давлатни бошқаришда у ислом дини ва шариатга, адолат, инсоф ва ҳақиқатга таянади, турли табака ва тоифага мансуб кишиларни тенг кўриб, қилган хизматига қараб, уларни ҳурматини жойига қўяди. Соҳибқирон мамлакатни бошқаришда, энг аввало, олиму-фузало, саййидлар, шайхлар ва фозилларга таянади. “Темур тузуклар”ида ахлоққа оид қимматли фикрлар баён қилинган. Унда дўстлик, вафодорлик, инсоф, адолат, иймон ва эътиқод, илм-маърифат, касб-хунар ва бошқа инсоний фазилатларга риоя қилиш тўғрисида фикр юритилади. Айниқса, ҳалоллик, тўғрилик, адолатлилик, кечиримлилик, хушхулқлик, одоблилик каби атоқли инсоний фазилатлар ва уларга риоя қилишнинг ўн икки йўл-йўриқлари ҳақидаги панд-насиҳатлари жуда муҳим.

**АЛИШЕР НАВОИЙ** - Жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси, машхур шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг ижоди мана неча асрлар ўтса ҳам дунёни ларзага солиб келмоқда. Навоий ижоди бой бўлиб, асарлари турли мавзуларга бағишлиланган. “Хамса”, яъни “Ҳайратул аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Саъди Искандарий”, достонлари ҳамда “Лисон уттайр”, “Мажолисун нафоис”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мезон ул-афzon”, “Муҳокамат ул-лугатайт” ва бошқалар. Навоий асарлари фалсафий фикрларга бой бўлиб, унда жамият ва инсон муносабати, инсоннинг баҳт – саодати, комил инсон ва фозил жамоа, таълим – тарбия ҳақидаги фикр-ўйлари ўз ифодасини топган . “Маҳбуб ул-қулуб” Навоийнинг умри охирида (1500-1501) йилда ёзилган йирик насрий асаридир. У муаллифнинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўпланган бой тажрибаси ва хulosаларининг йигиндиси ҳисобланади. Навоий бу асарида болалигидан то қарилигигача кўрган билган воқеаларини ёритиб беришга харакат қиласи.

**КАМОЛИДДИН ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ** - (тахм. 1440/1450-1505 йилларда яшаган) булиб, Ўрта Осиё ва Хурросонда ахлоқ фалсафаси ривожига ҳисса қўшган Кошифий Сабзавор шахрида таваллуд топади, кейинчалик Абдураҳмон Жомийнинг таклифи билан Ҳиротга кўчиб келади. У қолган умрини Ҳиротда ўтказади ва шу ерда вафот этади. Кошифий катта олим ва муддарис бўлиб етишади, бутун умрини илм-фан ва насрү-назм равнақига бағишлиайди. У Навоий ва Жомий билан дўстона алоқада бўлади. “Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий татахаллуси қилур, сабзворлиқдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳардадур ва мавлоно зуфундур ва рангин ва пуркон воқеъ бўлубтур. Оз фан бўлгайким, даҳли бўлмагай. Ҳусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида машхур ишлар бор... ”-деган эди Навоий унинг ҳақида.

Воиз Кошифий илмнинг кўп соҳаларида ижод қилган. У воизлик саънатини пухта эгаллаган, иншо, илоҳиёт, фалакиёт, адабиёт, фалсафа, ахлоқ ва педагогика соҳаларида ишлари бор. Олимнинг муҳим рисолалари “Ахлоқи Муҳсиний”, “Футувватномай” сultonий ёхуд жавонмардлик тариқати”, “Анвари Сухайлий”, “Маҳзанул-иншо”, “Рисолай хотамия” ва бошқалардир. Ушбу асарларда мутафаккир давлатни оқилона бошқариш, инсонга гўзал хулқ-одоб қоидаларини сингдириш, илм-фан ва касб-хунарни

эгаллаш, тижоратчи ва савдогарлар хулқ-одоби, умуман таълим-тарбия хақида қимматли фикрларни илгари суради. Олим ўз асарларида хукмронликлардан халққа ғамхўрлик қилишни, уларни ҳақсизлик ва ўзбошимчалиқдан муҳофаза қилишни кўрқмасдан талаб қилади. Унинг ижтимоий фалсафий ва ахлоқий гоялари ҳозирги кунда ҳам ўз тарбиявий қимматини йўқотмай келмоқда.

**АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ** - Форс-тоҷик адабиётининг буюк шоири, мутафаккир Абдураҳмон Жомий (1414-1492) ўзининг диний-ирфоний, сиёсий ва ахлоқиё қарашлари билан мусулмон Шарқи мамлакатларида катта шуҳрат қозонган. У ўзининг “Лавойих” (Лавҳалар”), “Нақши фусус” (“Маънолар нақши”), “Хирадномаи Исқадарий”, “Силсилат уз-заҳаб” (“Олтин тизмалар”), “Тухфат ул-аҳрор” (“Нуронийлар тухфаси”), “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Соломон ва Абсол”, “Рисолаи мусиқи”, “Баҳористон” ва бошқа асарларида давлатни оқилона бошқариш, севги-муҳаббат, ахлоқ ва хулқ-одоб қоидалари, илм-маърифат, таълим-тарбия, тасаввуф тарихи, мусиқа назарияси каби мавзуларни ёритди.

Жомий дунёқарашининг шаклланишида Рудакий Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Низомийларнинг таъсири катта бўлди. Жомий дунёқараши асосини тасаввуф фалсафаси, яъни ваҳдати вужуд ташкил этади. Жомий ўз ахлоқий қарашларида билимларни иккига бўлади, яъни ботиний ва зоҳирий билимлар. Зоҳирий билим кўпчиликка хос бўлиб, зоҳирий ва илоҳий билимларни ўз ичига олади. Ботиний билимларга эса фақат авлиёлар, пирлар, умуман комилликка эришган инсонлар етишиши мумкин. Зоҳирий билимларни сезги ва ақл орқали идрок этса бўлади. Лекин ботиний билимларни эгаллашда ақлий билим етарли эмас. Унга қалб ва рух, яъни интуиция орқали эришиш мумкин. Мутафаккир илмнинг инсон камолоти ва жамият фаровонлигига катта ўрин эгаллаши ҳақида ўз фикрларини илгари суради.

**ЖАЛОЛИДДИН ДАВОНИЙ** - XV асрда фақат Эронда эмас, балки Хуросон ва Мовароуниахрда ҳам ижтимоий-фалсафий, маърифий фикр тараққиётiga катта хисса қўшган олимлардаи бири Жалолиддин Давонийдир. Давонийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари Алишер

Навоии, Абдурамон Жомийларнинг ижтимоий фикрлари билан кўп жихатдан туташ келади. Улар дунёқарашининг мағзини комил инсонни тарбиялаш учун юксак инсонни фазилатларни таркиб топтириш ташкил этади.

Жалолиддин Муҳаммад Ибн Асад ас-Сиддиқий ал-Давоний Эроннинг Казарун вилоятидаги Давон кишлогида 1427 йилда дунёга келган.

Давонийдан қуйидаги илмии мерос қолган: «Рисолаи исботи вожиб» (Заруриятнинг исботи ҳақида рисола), «Рисолат ул-муфрадот» (Моддалар ҳақида рисола), «Рисолат ул-хуруф» Ҳарфлар ҳақида рисола), «Рисолати фитавжих ул-ташбих» (Мажоз талқини ҳақида рисола), «Рисола дар элм уннафс» (Рухшунослик тўғрисида рисола), «Тариқати тарбият ул-авлод» (Болаларни тарбиялаш усули), «Арзнома» (Армияни бошқариш қоидалари) кабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Давонийнинг шеърлари ҳам «Фоний» тахаллуси билан чоп

этилган. Лекин дунёга машхур бўлган, форс тилида ёзилган «Ахлоқи Жалолий» асари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган ва Шуҳрат қозонган. Мазкур асар 1470-1478 йилларда яратилиб, Фарбий Эрон хокими Узун Ҳасан Оқ қўйинлига бағишланган. Бу асар 1839 йилда В. Ф. Томпсон томонидан инглиз тилига таржима қилинган. 1911 йилда Калькуттада нашр қилинган. 1948 йилда Эшонжон Ибн Мухаммадхўжа томонидан ўзбек тилига қисқача таржима қилинган. Мазкур асарни рус шарқшуноси А. А. Семёнов, Рье ва Браунлар фикрига таянган ҳолда уни Мусулмон Шарқидаги машхур китоблар қаторига қўшади, дейди тадқиқодчи.

**КОМИЛ ИНСОН** - “камол”, “к.” сўзлари арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “ҳар жиҳатдан тўқислик, муқаммалик, етуклиқ” деган маъноларни англатади “комил”, “камол”, “к.” сўзларининг луғавий маъноларидан, уларнинг ҳозирги кундаги маънавий ҳаётни, эҳтиёжни, муносабат ва манфаатларни акс эттиришларига қараб, к. бу-шунчаки комилликка эришиш, камол топиш эмас, балки узоқ давом этган таълим-тарбия, олинган билим, шаклланган ақл, содир этилаётган ахлоқий ҳатти- ҳаракатларни шакллантиришнинг бир-бирини тўлдириб борувчи бир неча босқичлардан иборат бўлган жараёнлар тизимиdir, деб баҳолаш мумкин. Комил инсон гоясини амалга оширишнинг энг мақбул йўли шахсни маънавий жиҳатдан камол топтиришдир. Замонавий комил инсон концепциясига асосан у-юксак маънавият соҳиби бўлган комил шахсдир. “Комил” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “к.га эришган, бекаму-кўст, тўла даражада” деган маънени англатса , к. йўли зиддиятларга машшаққатларга, ютуқларга бой бўлган, элим деб, юртим деб, меҳнат қилиш, заҳмат чекиши натижасида мукаммаликка, олижаноб инсоний фазилатларга эга бўлиш йўлидир.

**ЁМОН ХУЛҚ-** жамиятнинг ривожланишига тўқинлик қилувчи, кишиларнинг ахлоқий идеалларига, улар эъзозлайдиган қадриятларга зид келадиган, бахтга эришишга, одамлар оасидаги муносабатларда ахлоқий тараққиётнинг қарор топишига ва инсонийликнинг камолига зид келадиган ҳатти ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган тушунчалар йифиндисидир. Ё. х.ли одам деганда ўзининг феъл-атвори, қилган ишлари билан атрофдагиларга заарар етказувчи ахлоқан нопок, ярамас кишиларни тушунамиз.

**БЕОДОБЛИҚ**-инсоннинг ўз фаолиятида бошқалар билан бўлган муносабатида, иймон, инсоф, андиша, шарм-у ҳаё, инсонпарварлик каби ахлоқий мезонлар чегарасидан чиқишидир. Б. туғма хусусият эмас, балки тарбиясизликнинг , элга эътиборсизликнинг ифодасидир. Ахлоқий тубанлашган шахс одобсиз бўлади. Хулқ-атвори бекарор инсонларнинг ёмон йўлларга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Агар инсон олим бўлса-ю, унинг ҳатти- ҳаракатлари ғайри ахлоқий бўлса, тезда ундан инсоннинг кўнгли қолади. Шунинг учун халқимизда “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин” деган нақл бор.

**ШАХС МАЪНАВИЯТИ**-бу ҳар бир кишининг ўзини инсоният фарзанди, муайян миллат вакили, давлат фуқароси деб билган ҳолда ўз Ватани тупроғини, сувини, ҳавосини ва жамики бойликларини қўз

қорачигидай асралари, унинг озодлиги-ободлиги, равнақи, ҳар бир фуқаронинг ҳуқук ва эркинликларини ҳурмат қилиш, иззатини жойига қўйиш йўлида чин виждан, иймон, эътиқод, садоқат, ишонч, халоллик, довюраклик, беғаразлик, ҳурмат, катта фидойилик ва ақлий теранлик билан фаолият олиб боришига қаратилган ички руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир.

**АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР**-инсон маънавий камолоти сарчашмаларидан бири бўлиб, у туфайли жамият равнақ топади, фуқароларнинг баҳт-саодат ҳақидаги орзу-умидлари рӯёбга чиқади.

Қадрият мақомини олган ахлоқ ана шу жараёнда ўзининг ижобий кучини намойиш қиласди. А. қ. деб ҳар бир киши, миллат, элат, халқнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий, кундалик майший турмуш фаолиятида нисбатан турғун, барқарорлик касб этиб ўзлигини билдириб, намоён этиб ниҳоятда қадрланадиган, ардоқланадиган юксак даражада шаклланган ахлоқий сифат ва фазилатларининг муайян тизимиға айтилади.

**УМУМИНСОНИЙ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР**-бу бутун инсониятининг ободлиги, озодлиги, равнақи йўлида хизмат қилган ва қиласдиган энг қадрли ва умумижтимоий аҳамиятга молик бўлган нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ва жараёнлардир. Унга Ер сайёрасининг атмосфера қатламини асраш, ер юзида тинчликни сақлаш, инсон парварлик, ижтимоий адолат, демократияни қарор топтириш, инсон ҳукуқларининг поймол этилишига йўл қўймаслик, ҳалқаро хавфсизликни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ва ҳоказолар киради.

**МИЛЛИЙ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР**-ҳар бир миллатнинг келиб чиқиши, ривожланиши, тенглар ичида тенг бўлиб яшashi, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий фаолияти билан боғлиқ бўлган тақорланмас, нисбатан турғун, барқарорлик касб этиб ўзлигини англатиб, намоён этиб, ниҳоятда қадрланадиган, инсонда ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотадиган ахлоқий фазилатлардир. Булар миллатимизнинг руҳиятига сингиб кетган ахлоқий-маънавий фазилатлардир. Ўзбек халқининг ҳозирги м. а. қ.и тизимиға дўстлик, ўртоқлик, меҳмондўстлик, одамгарчилик, инсон парварлик, ахлоқий теранлик, тадбиркорлик ва чаққонлик, уқувчанлик, сахийлик, хушмуомалалик, жамоатчилик ичида ўзини тута билиш, кўпчилик билан мулоқотда бўлишга интилиш,, ҳаёлилик, сизлаб муомала қилиш, озодаик, хушчакчақлик, хушфеълиқ, мардлик, назокатчилик, самимилик, зийраклик, лутф карамлилик, рўзгорпарварлик, шинавандалик, ширинсўзлик, ташаббускорлик, она юрти ва халқига муҳаббат, инсофлилик, диёнатчилик, ростгўйлик, ҳалоллик, ор-номуслилик, тўғрилик, режалилик, поклик, сабр андишалилик, вазминлик, ҳожатбарорлик, юмшоқкўнгиллик, ота-онани ва катталарни ҳурмат қилиш, андишалилик, меҳнатсеварлик, ўтмишга ҳурмат,, инсофлилик, иймонлилик, миллий ғурур, мустақилликни қадрлаш, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналминаллик сингари фазилатлар киради. Бу қаторни яна чексиз давом эттириш мумкин.

**МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЭҲТИЁЖ-** Маънавият инсонни муайян

мақсад сари етаклайди, унда келажакка ишонч уйғотиб, куч ва қудрат бахшида этади. Маънавиятнинг мазмун жиҳатидан серқирра ва кенг кўламлилиги инсон маънавий камолоти жараёни чексиз эканлигини кўрсатувчи асосий омил-унинг ривожланиш имкониятларидир. Жамият эҳтиёжи ва имкониятларига қараб ҳар бир тарихий давр, вазият, шароитлар тақозо қилган ҳолда маънавиятнинг янги шакллари ва мезонлари вужудга келади. Бу шакллар ва мезонлар сунъий равишда эмас, балки тарихий тараққиётнинг муйян босқичларида инсон камолотининг янги йўналишларига бўлган имконият ва эҳтиёжларнинг ифодаси сифатида таркиб топади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг замонавий маънавий баркамол инсон концепциясини яратиш учун вужудга келган зарурий эҳтиёж ва имкониятлар фикримизнинг яққол далилидир.

Маълумки, эҳтиёж бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш ва юксалиш бўлмайди. Чунки эҳтиёжнинг ўзи ҳам инсоннинг маънавиятлилик даражасига боғлиқ.. Шахснинг маънавий камолоти эса, маънавий эҳтиёжларнинг мазмуни ва даражаси билан белгиланади. Жамият тараққиёти узлуксиз жараён бўлиб, унинг маълум бир нуқтада тўхтаб қолмаганидек, инсоннинг маънавий камолоти ҳам доимо ўзгариб тараққий этиб боради. Унинг белгилаб қўйилган маълум бир чегараси йўқ.. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир даври маънавий камолотнинг ҳам янги босқичидир. Маънавий камолотнинг ҳар бир босқичи маълум бир даврнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва имкониятлари билан белгиланганди.

**АХЛОҚЛИЛИК** – (араб. ҳулқнинг кўплиги; лот. moralis – хулқ-атвор) – маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижтимоий онг шаклларидан бири, маънавият соҳасига оид тушунчадир. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турадиган беқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндисидир. Маънавий ҳаёт талаблари, инсоннинг юриш-туриши, хулқ-атвори, муомаласини тартибга солиб турадиган, бошқариб борадиган ахлоқий тушунчалар тизимидир. Инсоннинг реал ҳаётдаги турли воқеа-ҳодисаларга муносабатида акс этган ҳолда, унинг ҳаётда ўз ўрнини топишига, ҳаётий позициясини мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қиласи. У инсоннинг маънавий жиҳатдан юксалишига чорлайди. Ўтмиш ҳаётини танқидий таҳлил этишга, ҳозирги кунда амалга оширилаётган хатти-харакатларини ибрат бўлишга муносиб инсонларники билан солиштириш, келажакда эса ўз ҳаётини янада мазмунли ташкил этишга хизмат қиласи.

**ЭЗГУЛИК, САХОВАТЛИЛИК ВА САМИМИЙЛИК** – инсонга энг кучли маънавий завқ бағишлийдиган, уни ижтимоий шахсга айлантириб, ҳақиқий бахтга олиб борувчи фазилат, шахсни комилликка, жамиятни эса юксак тараққиётга етказувчи ахлоқий қадриятдир. Эзгулик, саховатлилик ва самимийлик инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатувчи тушунчалардир. Бу тушунчалар ахлоқий идеал билан боғлиқлиги билан бир қаторда инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига ҳам эга. Мазкур учта тушунча инсон комолотини белгиловчи ахлоқий тушунчалар бўлиб, улар инсонда ёқимли

туйғуларни ҳосил қиласы, кишиларни аттрофдагиларга бефарқ муносабатда бўлмасликларини таъминлайди, инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатидек соф бўлишини таъминлайди. Бу тушунчалар орқали кишиларга қалбан хайрихоҳлик билдириш, покдиллик, сидқидиллик, очиккўнгиллилик, бағрикенглик, билимлилик, сўз билан ишнинг бирлигини тушунамиз. Қалби эзгулик, саховатлилик ва самимийлик билан йўғрилган инсонлар доимо одамларга яхшилик қилишга интилиб яшайдилар.

**МАРҲАМАТЛИЛИК** - инсоннинг ўз олдида бурчли бўлмаган кимсага кўрсатган ёрдами ҳамда ўз олдида жавобгар, жазога лойик одамни, унинг инсоний ҳукуқини ва табиатини ҳисобга олиб, кечиришdir. Бу тушунча адолатпарварлик ва инсонпарварлик тамойилларининг асосий мезони ҳисобланади. Марҳаматлилик раҳмдиллик ва муруватлилик каби инсонни на фақат инсонга, балки ҳайвонот ва наботот оламига бўлган муносабатида ҳам намоён бўлади. Зеро, уларга нисбатан бешафқат муносабатда бўлган одам инсонга марҳаматли бўлмайди.

**САХОВАТПЕШАЛИК** – халқимизнинг азалий фазилатларидан ҳисобланиб, асрлар давомида шаклланиб, ривож топиб келган. Саховатпешалик одамларга беминнат яхшилик қилиш, эҳсон қилиш, уларга муруват кўрсатиб сидқидилдан ёрдам бериш, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйишни англатади. Маънавий жиҳатдан камол топган бағрикенг инсонлар саховатли инсонлар ҳисобланади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида саховатпешаликни ҳомийлик сифатларида кўришимиз мумкин.

**ЯХШИЛИК ҚИЛИШ** - шахснинг одобига, хулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зеро, унда мардлик, очиккўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Яхшилик қилиш орқали эзгуликнинг бир кўринишини намоён этиш мумкин. Яхшилик эзгуликнинг синоними тарзида қўлланса-да, моҳиятан бир-бираидан фарқ қиласи. Хусусан эзгулик чексизликда, яхшилик эса муайян чегара доирасида намоён бўлади. Эзгулик ижтимоийлик хусусиятига эга бўлса, яхшилик асосан, шахснинг одоби, хулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса бўлиб, унда мардлик, очиккўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар ўз ифодасини топади. Яхшилик қилишнинг аҳамияти шундаки, бу холат бағритошлиқ, сержаҳллик, бепарволик каби иллатларнинг олдини олишга хизмат қиласи. Мас., Алишер Навоийнинг “Одами эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами”, деган мисраларида одамийликка яхшилик нұқтаи назаридан баҳо берилади. Яхшилик қилиш инсонларнинг инсонларнинг моддий ёки маънавий манфаатлари билан боғлиқ тарзда намоён бўлади. Баъзан одамлар ўз манфаатларига зид бўлган ҳодисаларни ҳам уларга қилинган яхшилик сифатида баҳолашлари мумкин.

**МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ИФТИХОР**-замонавий комил инсон концепциясидаги маънавий камолотнинг кирраларидан бири. Ўз халқининг асрлар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва

эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир. Ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унугтган, ўз миллатининг истиқболи учун курашмайдиган кишиларда миллий ғуур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Бундай инсонларни маънавий жиҳатдан камол топган баркамол инсонлар дея олмаймиз.

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ**-жамият ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг асосини ташкил этади. М. ў. а. ҳам халқнинг маънавий камолот даражаси билан боғлиқ. Миллий ўзлигини тўла-тўкис ва тўғри англаш имконига эга бўлиш учун инсон юксак маънавият соҳиби бўлиши лозим. Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, миллий ўзлигини, манфаатларини, тараққиёти истиқболини чуқур, ҳар тарафлама холисона, одилона англаган халқгина кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олади.”Ҳар бир миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларини ифодаловчи этник бирлик, тил, урфодатлар, анъаналар, қадриятларга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга миллий ўзликни англаш,-деб аталади”.<sup>22</sup>

**МУСТАҚИЛ МИЛЛИЙ ТАФАККУР**-миллий онгнинг ақлий фаолият, амалиёт борасида намоён бўлишидир. Мустақил миллий, ижодий тафаккур ҳам-маънавий камолотнинг асосий белгилариданdir Миллий манфаатларни англаб етиш, ҳимоя қилиш ва уларни амалга ошириш йўлларини ўйлаш миллий мустақиллик тафаккурининг асосий жиҳати ҳисобланади. Унга бевосита таъсир қилувчи омиллар-миллатнинг ахлоқи.руҳияти, тарихий анъаналари, турмуш тарзи, меҳнат фаолиятининг хусусияти, йўналишлари ва ҳ.к. М. м. т.ни айниқса ёшларда шакллантириш ниҳоятда зарур. Ёшларда мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор, ғуур бўлмас экан, уларда фидокорлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби хислатлар ҳам ривожланмайди. “Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади, ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз.

Аждодларимиз бизга қолдирган бой ва муқаддас маънавият-бу мустақилликдир. Ана шу маънавиятни асраб-авайлаш нафақат ҳар биримизнинг бурчимиз, балки давлат аҳамиятига молик бўлган муҳим вазифадир. Бу муҳим вазифани амалга ошириш нақадар зарурлигини бутун халқимиз ва ёшларимиз онгига сингдириш эса жуда катта аҳаят касб этади.

**МИЛЛИЙ ОНГ**-баркамол миллий маънавиятнинг маҳсули сифатида етук юзага келади. Шунинг учун ҳам м. о. миллий маънавиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. “М. о. оддий ҳис, туйғу эмас, балки муайян ахлоқий, хукуқий, илмий, мафкуравий қадриятларга асосланган эътиқоддир”<sup>23</sup> М. о. шаклланган

<sup>22</sup> С.Отамуратов, Ж.Раматов, С.Хусанов. Маънавият асослари. Т.,2000. 193-б.

<sup>23</sup> Юсупов.Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Унивеситет. 1998. 165-б.

Эътиқодлар, мақсад ва манфаатлар тизими, миллий ўз-ўзини англаш эса шу тизимнинг шаклланиш жараёнидир. М. о.нинг мазмуни ва моҳияти ҳам миллатнинг ўз-ўзини англаш даражасига боғлиқ.. Бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти, миллий хусусиятлари ва манфаатларига холисона баҳо берга олиши учун миллат, авваламбор ўз-ўзини англамоғи, тарихи, келажаги, манфаатларини чуқур тушуниб етмоғи лозим. Чунки ўзлигини чуқур англаб, миллий онги камол топаётган миллатгина бошқа миллатларни ҳам тўғри англаш, уларни Миллий холисона баҳолаш имкониятига эга бўлади.

---

## СЛАЙДЛАР

### Шарқ Мутафаккирларининг дунё илм-фани ривожида тутган ўрни

- Режа
- 1.Шарқ мутафаккирларининг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси
- 2.Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг шарқ мутафаккирлари меросига янгича ёндошувнинг ўзига хослиги
- 3.Мутафаккирлар мероси ёш авлод учун ибрат мактаби сифатида.

### Абу Райхон Беруний

Беруний замонасининг қатор фанлари:  
Астрономия, физика, математика,  
геодезия, геология, минерология, тарих  
Каби фанларни ўрганди. Унинг қаламига  
150 дан ортиқ асарлар мансуб

#### Асосий асарлари:

“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”,  
“Хоразмнинг машғур кишилари”, “Минерология”,  
“Геодезия”, “Ҳиндистон” ва бошқалар



973 – 1048 й.й.

Хоразмшоҳ “Маъмун” академиясини 1010 йилда бошқарган

# Ахмад Ал-Фарғоний

Буюк астроном, математик ва географ.

Европада Алфраганус

Номи билан машҳур. 11 та илмий асар муаллифи.


Асосий асарлари:

“Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби”,  
“Астрономия асослари хақида китоб”, “Астурлоб  
ясаш хақида китоб”, “Ал-Фарғоний жадваллари”,  
“Қуёш соатини ясаш хақида”

**Боғдод ва Дамашқ расадхоналарининг қурилишида  
иштирок этган**

**Илмий кашфиётлари:**

- ① Ер шари меридианини катта кенглигини тавсифлайди
- ② Ерни шар шаклида эканлигини исботлайди
- ③ Нилометрни ихтиро қиласди




797 – 865 й.й.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан  
алломанинг 1200 йиллик таваллуд санаси нишонланди

# Абу Али ибн Сино

Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизгача факат 160га яқин асари етиб келган. Унинг асарлари табобат соҳаси, фалсафа, мантрик, этика, математика, астрономия, ботаника, геология, минералогия, кимё каби фанларга кўп маълумотлар келтирди. Ўзининг кўп тармоқли маҳсулдор ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараккиётида катта роль ўйнади. У ўз даврида Шарқ ва Оврўпада “Шайх ур-раис”, “Олимлар бошлиғи”, “Табиблар подшохи” каби энг буюк номларга сазовор бўлди



980 – 1037 й.й.

- ① 10 ёшидаёқ Қуръони Каримни бошдан-оёқ ёд ўқир эди
- ② 16-17 ёшидаёқ ибн Сино машҳур табиб-ҳаким бўлиб танилди
- ③ Бизга маълум бўлган катта асари “Китоб уш-шифо”
- ④ Ўз дунёқарашида пантеистик принципга асосланади
- ⑤ 1002-1017 йилларда хоразмшоҳ Маъмун академиясида фаолият юритган

# Абу Наср Форобий

Машхур файласуф, қомусий олим. Шарқ мамлакатларида “Иккинчи мұаллим” “Шарқ Арастусы” деб юритилған. Унинг Қаламига 160 дан зиёд асар мансуб. Улар асосан Қадимги юон олимлари асарларидаги табиий-илмий ва фалсафий мұаммоларни шархлаш ҳамда бу соҳаларнинг долзарб масалаларини тахлил қилишга бағишилған. “Метафизика”, “Әтика”, “Риторика” шулар жумласидандир. Эң асосий фалсафий асари “Фозил шаҳар ахолисининг маслаги” рисоласидир. У фалсафа, тильтунослик, мусиқа, география, тибиетта оид асарлар яратған

**Фаннинг мақсади – саҳоватли ва муруватпеша  
табиатнинг сир-асрорларини билишдир**  
**Абу Наср Форобий**

- Объектив борлықни исботлаб берди
- Сон хақидаги әхтимоллик назарияси түғрисидаги ғо:
- илм олиш-инсон мөхиятини тушунтириб беришнинг сифатида Қаради
- Фанларни классификациялади



873 – 950 й.й.

## Мирзо Улугбек

(1394 – 1449 й.й.)

### Буюк олим ва давлат арбоби:

- Фан ва маданият хөмийси;
- Учта мадраса бунёд этган – Бухоро мадрасаси (1417 й.), Самарқанд мадрасаси (1417-1420 й.) ва Гиждуон мадрасаси (1433 й.);
- 1424-1429 йилларда Самарқанд яқинида Улугбек расадхонасига асос солинди;
- Самарқандда 15 минг томдан иборат кутубхона ташкил этди;
- Шеърият сұлтони, астрономия, риёзиёт, тарих, мусиқа фанлари бүйічіца Қатор илмий асарлар мұаллифидір



## Имом Ал-Бухарий (810-870)



■ Имом ал-Бухорий авлодларга бой ва Қимматли илмий мерос қолдирған бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улардан «ал-Жомъ ас-саҳих», «ал-Адаб ал-Муфрад», «ат-Тарих ас-сағир», «ат-Тарих ал-авсot», «ат-Тарих ал-Кабир», «Китоб ал-Илал», «Барр-ул волидайн», «Асоми ус-саҳоба» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин

**«Ал-Жомъ ас-саҳих»** –  
қитоби ислом динида Қуръони қаримидан  
кейинги иккиччи мукаддас манба бўлиб,  
ахли ислом эътиқодига кўра, у башарият  
томонидан битилган қитобларниң энг  
улуғ и хисобланади. Бу асарга Қиритилган  
ишончли ҳадисларнинг сони  
тақоруландишиланылари билан бирга 7275  
та бўлиб, тақоруламайдиган ҳолда эса  
4000 ҳадисдан иборат.



1998 йилда Имом ал Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги бизнинг юртда ва  
бутун ислом дунёсида кенг нишонланган

## Абу Исо Мұхамимад ибн Исо Термизий (VIII аср ўрталари)

■ Ҳадис илми намоёндаси, 80 дан ортиқ асар муаллифи, «Сунани Термизий» асари хам мусулмон оламида юксак қадрланади.  
Алломанинг асрлар давомида олиму фузалоларга дистур бўлиб келган  
инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари хозирги  
мураккаб давримизнинг қўплади ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал  
етишида хам мухим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир



Ат – Термезийнинг Термез  
шахридаги мақбараси

## **Маҳмуд Абул Қосим ибн Умар аз- Замахшарий (1075 – 1144 йй.)**



Замахшарий күләмалари

Буюк мутафаккир

аз-Замахшарий граматикаси,  
лугатшунослық, адабиёт,  
аруз илми, жүгроғия,  
тағсир, хадис на фикхга  
оид әллиқдан ортиқ асарлар  
яратған. Үлардан

«Ал-Муғассал» ва «Ал-  
Кашшоф» номлы асарлари  
бизгача етиб келған



СУФИЙСКИЙ  
ОРДЕН  
НАШЕАНДЫР

Төркөмдөң көбінә, яғни борбор-жыныс тәжірибелерінен шынайы, олардың өзіндең көбінә, яғни борбор-жыныс тәжірибелерінен шынайы, олардың өзіндең



## **Бурхониддин Марғиноний (1118 – 1197 йй..)**

Ўзининг бекиёс салохиҳит билан буюк илмий мактаб яратиб, гўзал Фарғона диёрини жаҳонга тараннум этган ислом ҳукукшунослигининг яна бир улкан намояндаси Бурхониддин Марғинонийнинг табаррук номини бутун мусулмон дунёси юз йиллар давомида эъзозлаб келади. Бу мўътабар алломанинг Шарқ оламида «Бурхониддин ва милли», яъни «Дин ва миллатнинг хужжати» деган юксак унвонга сазовор бўлгани ҳам буни яққол исботлайди. Марғинонийнинг ўлмас мероси, хусусан, эллик етти китобдан иборат «Ҳидоя» — «Тўғри йўл» деб аталган асари, мана, саккиз асрdirки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқукий манба сифатида эътироф этиб келинаётгани албатта бежиз эмас



- Тасаввуф ва унинг маънавиятга таъсири
- Режа
- 1.Тасаввуф (сўфизм) таълимотининг пайдо бўлиши.
- 2.Тасаввуф таълимоти намоёндалари (Хожа Ахмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Накшбандий, Жалолиддин Румий ва х.к).
- 3.Тасаввуф таълимотида илгари сурилган маънавий-ахлоқий гояларнинг хозирги кундаги ахамияти.
- 

Тасаввуф Шарқ маънавияти тарихида муҳим ўрин эгаллаб келган тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган.

Сўфийлар (“Сўфий” сўзи арабча “сүф” сўзидан ҳосил бўлган, ундан тасаввуф сўзи келиб чиқади, яъни суфий - жун матодан кийим кийган одам демак)

Тасаввуфнинг илк даврида мақомот ва тариқат асосларини ишлаб чиқиши, сўфиийлик йўриқларини белгилаш ва илоҳий ҳақиқатларни эл орасига ёйишда Абуали ал Ҳорис Муҳосибий (781-857), Зуннун Мисрий (796-861), Абуязид Бистомий (вафоти 875), Жунайд Бағдодий (вафоти 910), Ҳаким Термизий (вафоти IX аср охири) ва Мансур Ҳаллож (858-922)ларнинг хизмати катта бўлган. Кейинчалик Абусаид Абулхайр (967-1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089), Аҳмад Яссавий (вафоти 1166), Яҳё Суҳравардий (1155-1191), Ибн Арабий (1165-1240), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) каби шайхул машойихлар тасаввуф илмини янги фикрлар, қарашлар билан бойитдилар, янги оқим, силсилаларини вужудга келтирдилар

- XIII аср охири - XIV аср бошлари тасаввуф тарихида алоҳида бир маҳсулдор давридир. Бу даврга келиб, тасаввуф ҳам назарий-илмий нуқтаи назардан, ҳам амалий ҳаракатчилик нуқтаи назаридан ўзининг юксак чўққисига кўтарилиди. Тасаввуф адабиётининг гуллаши ҳам шу даврга тўғри келади. Айниқса, Нажмиддин Кубро (1145-1221), Яҳё Суҳравардий (1155-1191), Муҳйиддин Ибн Арабий (1165-1240), сингари мутафаккир шайхлар, Аҳмад Яссавий (ваф. 1166), Фаридиддин Аттор (ваф. 1220), Жалолиддин Румий (1207-1273) каби улуғ сўфий шоирлар тасаввуф илмининг доирасини кенгайтиrdилар, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитдилар

## Шайх Азизиддин Насафий

- Тасаввуф ахлоқшунослигининг яна бир улкан намояндаси буюк юртдошимиз Шайх Азизиддин Насафийдир (ХІІІ асрнинг биринчи ярми - XIV аср бошлари). Ахлоқий муаммолар унинг «Зубдат ул-ҳақојик» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Инсони комил» («Комил инсон») каби асарларида кўтарилади.
- Мутасаввуф-файласуф меросида комил инсон муаммоси ана шу рух даражалари билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Шу сабабдан хам улкан олимимиз Нажмиддин Комилов: «Азизиддин Насафийни комил инсон илмининг назариётчиси дейиш мумкин, чунки унинг барча асарларида бу мавзу марказий ўринни ишғол этади», деган фикрни билдиради ва алломанинг бу борадаги қарашларини биринчи бўлиб жиҳдий таҳлил қиласиди.

## Жалолиддин Румий

- Тасаввуф таълимотининг яна бир йирик вакили **Жалолиддин Румий ёки Мавлоно Румий** номи билан машхур бўлган зот дунёning донишмандларидан бири, беназир шоир ва бетакор бир мутафаккир, валий инсондир. Уни гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга уҳшамайди, у муazzам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти хам, илму ҳикмат ва фалсафа хам, шеърият ва маънавият хам бирлашиб, олий қўринищда намоён бўлади. Унинг олти дафтардан иборат “Маснавий маънавий” номли асарини “форс тилидаги Куръон” деб тавсиқ этадилар. Жалолиддин Румий ўзидан кейинги Шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илохий ишқ қўйчиси, буюкликнинг кўз илғамас чўккиси деб шарафлайди

## НАЖМИДДИН КУБРО ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

- Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келган. Унинг тўлиқ исми Ахмад ибн Умар ибн Мухаммад ал-Хивакий ал-Хоразмий. Илм олиш учун Эрон, Миср, Шом, Ироқ Табриз, Нишопур, Тус, Дизфул каби шаҳарларга сафар қилиб, атоқли олимлардан шариат илмлари, ҳадис ва тафсирни, чуқур ўзлаштириб, донишманд инсон бўлиб етишади. Лекин Нажмиддин эгаллаган илмлар бўлғуси улуғ шайхга ҳали етарли эмас эди. Нажмиддин Кубро қалбида руҳий-маънавий камолатга, ғайб асрори, қаромат ва қашфу ҳол илми ҳисобланмиш тасаввуф таълимотига иштиёқ зўр эди. Шу боис у шариат илмларипи ўрганиш баробарида тариқатдан ҳам хабардор бўлишига интилиб, катор шайхлар, дарвешлар сұхбатида бўлади, хонақоларда хилват ўтириб, риёзат билан машғул бўлади. Нажмиддиннинг буюқ сўфий шайх бўлиб ётишишида мазкур уч нажиб инсон — Рӯзбеҳон Мисрий, Аммор Ёсир ва Исмоил Қасрийларнинг хизмати сингган. Нажмиддин Кубро тасаввуф назариётчиси ҳамdir. Улуғ шайх амалий фаолияти хуносаларини «Фавоийхул жамол ва фавотихул жалол» («Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи»), «Ал-усул ал-ашара» («Унта усул») номли китобларида жамлаб тасниф этгган. Дожи Халифа Нажмиддин Кубронинг арабча асарлари сонини саккизта деб кўрсатади. Шайхнинг форс тилида ёзган «Фи одобус соликин» («Соликлар одобида») номли рисоласи ҳам бор. Нажмиддин Кубро 1221 йилда Чингизхон тўдаларига дарши жангда шаҳид бўлади.

## Ahmad Yassaviy

Ahmad Yassaviy hazratlari turk dunyosining eng mashhur shaxsiyatlaridandir. Farididdin Attor uni „Piri Turkistoniy“ („Turkiston piri“) deb atagan edi. Buyuk Navoiy „shayxul mashoyix“ („shayxlar shayxi“) deb nomlaydi. O‘z yurtida esa „hazrati sultonim“ deydilar. Yassaviyning hayoti va faoliyati haqidagi ma'lumotlar juda oz. Borlari ham rivoyat va afsonalarga qorishib ketgan. Buning ustiga, Yassaviy ijodi O‘zbekistonda mustaqillikdan keyingina o‘rganilmoqda.

## **Devoni hikmat**

**Devoni hikmat.** Hikmatlar Ahmad Yassaviy merosini jamlagan asardir. Ular Hikmatlarga "Qul Xoja Ahmad", "Xoja Ahmad Yassaviy", "Ahmad ibn Ibrohim", "Sulton Xoja Ahmad Yassaviy", "Yassaviy miskin Ahmad", "Miskin Yassaviy", "Xoja Ahmad", "Ahmad", "Ahmadiy", "Qul Ahmad", "Miskin Ahmad" kabi taxalluslar qo'yilgan. Ahmad Yassaviyning bizgacha yetib kelgan asari "Devoni hikmat"dir. "Devoni hikmat" - hikmatlar to'plami demakdir. Devon "Faqrnama" deb atalgan so'zboshi bilan boshlanadi. "Faqrnama" faqirlilik ta'rifiga bag'ishlangan.

### **Мавзу: XIV-XV асрларда маънавий-маърифий тафаккур тараққиёти Режа**

- 1 Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида яратилган маънавий мероснинг ўзбек халқи маънавий тикланишида тутган ўрни.**
- 2. Шарқ мутафакирлари меросида маънавий баркамоллик масаласи ( Жомий, Навоий, Ҳусайн воиз Кошифий, Бобур ҳ.з)**
- 3. XIV-XV асрлар маънавий маънавий-маърифий тафаккурининг умуминсонийлик моҳияти.**

## Амир Темурнинг тарих олдидағи хизмати бениҳоят катта



## Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида



1. Алишер  
Навоийнинг

хәёти ва

Ижоди.



Низомиддин мир Алишер

Алишер Навоий (1441-1501) Хирот шаҳрида дунёга келди. Буюк шоир, мутафаккир, ўз даврининг илгор намоёндаларидан бири. Унинг бой ва серқирра илмий адабий меросида ижтимоий-сиёсий ҳәёти, даврнинг барча муаммолари ўз ифодасини топган. Улуг мутафаккир фақат илмий-бадиий ижоди билангина эмас, ўзининг давлат арбоби сифатида ижтимоий-сиёсий фаолияти ва гоялари билан хам машҳурdir

## Алишер Навоий

- Ўзбек халкининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси Алишер Навоий Ўрта Осиёning маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида урин тутади. У адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид Қирқдан ортиқ асар яратди. «Чор девон», «Хамса», «Маҳбубул-улуб», «Муҳокаматул-луғатайн», «Мажолисун-нафис», «Лисонут-тайр» ва бошқалар шулар жумласидандир.

## Ҳусайн Вөиз Кошифий

- XV асрнинг йирик олимларидан бири Ҳусайн Вөиз Кошифий ахлоқ, нужум, мантиқ, адабиётшунослик, риёзиёт, Ҳисоб, ислом тарихи, илоҳиёт, тарих, мусиқашунослик, тасвирий санъат, табобат илмига оид 200 дан ортиқ асар қолдириб, Шарқ маънавий маданиятини ривожлантиришда муайян ўринни эгаллайди.
- Унинг “Ахлоқи Мұхсиний”, “Рисолаи Ҳотамия”, “Анвори Сұхайлий”, “Футуватномаи Султоний”, “Тавсири Ҳусайнний”, “Жавоҳирнома”, “Лавомеъул қамар”, “Лубби Лубоби Маснавий”, “Маҳбубул зұҳал”, “Бадоеъул афкор фи саноеъул ашъор”, “Искандар оинаси каби асарлари бор

Z.M.Bobur O`rtas asr Sharq madaniyati,  
adabiyoti va she`riyatida o`ziga xos  
o`rin egallagan adib, shoir, olim  
bo`lishi bilan birga yirik davlat arbobi  
va sarkarda hamdir. U 1483-yil 14-  
fevralda Andijonda Farg`ona usuli  
hokimi Umarshayx Mirzo oilasida  
dunyoga kelgan. Barcha temuriy  
shohzodalar singari otasi saroyida  
tahsil oladi. 12 yoshida shiddatli saroy  
kurashlari girdobida qolib, biron-bir  
madrasani ham tugatishga imkon va  
fursati bo`lmasa-da, adabiyot, nafis  
san`atining chinakam shaydosi bo`lib  
yetishadi



- Бобурнинг қарашлари «Бобурнома»да ўз аксини топган. Асарда узоқ муддат давомида юз берган ижтимоий-сиёсий ва тарихий воқеалар хронологик тартибда баён қилинган ва унда XV аср охири-XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Хурросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда юз берган ҳодисалар тасвирланган.

# Boburning Hindistondagi ijodi

- Bobur Hindistonda katta hajmdagi davlat ishlari bilan bir qatorda o`zining adabiy-badiiy faoliyatini ham davom ettirdi. 1503-yilda “Xatti Boburiy” ni yaratdi. 1521-yilda “Mubayyin al-zakot”, 1523-25-yillarda “Muxtasar”, “Xarb ishi”, “Musiqa ilmi” (topilma), “Voldiyya” asarlarini, 1519-yilda 1-devon “Qobul devoni” ni, 1528-29-yillarda 2-devon “Hind devoni” ni yaratdi. “Tuzuki Boburiy”, “Voqeoti Boburiy”, “Voqeanoma”, “Boburnoma” nomlari bilan mashhur bo`lgan asarni 1525-1530-yillarda yozdi


**Мавзу: Шарқ илмий-маърифий марказларининг замонавий аҳамияти**  
Режа

1. «Байт ул-Хикма» (Донолар уйи) ва Хоразм Маъмун академиясида амалга оширилган кашфиётлар, ихтиrolар.
2. Шарқ илмий-маърифий марказларининг умуминсоний аҳамияти.
3. Замонавий олим ва тадқиқотчиларнинг шарқ мутафаккирлари меросини ўрганишдаги роли.

- Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо бериш ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улуг' алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим .

## Академиялар

- Маълумки, ўша даврларнинг анъаналарига кўра, маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда Ҳукмдорлар ва сultonлар саройларида паноҳ топганлар. Улар орасида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмун академияси ва "Байтулҳикма", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шуҳрат Қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат Қилган бир гурӯҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар. Хоразм Маъмун академияси"нинг 1000 йиллиги 2006 йил 2 ноябр нишонланди.



## Профессор Като

- Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг биз учун номаълум бўлган саҳифаларини очишга ёрдам берган япон профессори жаноб Като миңтақамизнинг йирик тадқиқотчиси ҳисобланади. Унинг Буюк Ипак йўлини, Бақтрия давлатини ўрганишга бағишиланган ишлари, шунингдек, 1989 йилдан бўён Сурхондарё вилоятининг кўхна Даъварзинтепа ва Қоратепа шаҳарлари ўрнида олиб бораётган археологик тадқиқотлари, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ва Марказий Осиёнинг бошқа улуғ мутафаккирлари асарларини япон тилига қилиган таржималари бизнинг улкан миңтақамиз тарихи ва маданияти Ҳақидаги билимларни жаҳон мулкига айлантириш имконини берди.

## Федерик Стар

- Таниқли америкалик тарихчи, археолог, антрополог, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи – профессор Фредерик Старр жанобларидир. Унинг 2009 йилда “Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши” деб ном олган эссеси АҚШда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материали сифатида эътироф этилган.

---

## Мансура Ҳайдар ҳоним

- Шарқ Ренессанси даври Ҳиндистоннинг академик ва маданий доиралари томонидан ҳам чуқур ўрганилмоқда. Индира Ганди номидаги Миллий маданият марказининг илмий раҳбари, IV-XV асрлардаги Ўрта Осиё ёзма манбаларини қиёсий ўрганиш бўйича узоқ йиллардан бўён самарали иш юритиб келаётган профессор Мансура Ҳайдар ҳоним нинг “Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарининг тарихий аҳамияти” деб номланган илмий монографияси халқаро миқёсда кенг эътироф этилган бўлиб, у Амир Темурнинг ҳаётлиги даврида унинг давлатчилик фаолиятига бағишлаб ёзилган ягона китобни батафсил тадқиқ этишга қаратилган.

## Кореялик Пак Чун-Бэ

- Корея ва Осиё минтақасидаги етакчи олий ўқув юртларидан бири – Инха университети президенти, олий таълим тизимининг тан олинган ташкилотчиси, аэрокосмик муҳандислиги соҳасидаги йирик мутахассис Пак Чун-Бэ Корея Республикасида аэронавтика ва коинот соҳасидаги тадқиқотларга кўп йиллар давомида раҳбарлик қилиб келган. Унинг бевосита ва шахсан иштирокида Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали бакалавр ва магистрларни тайёрлашга ихтисослашган Кореяning машҳур Инха университети филиали очилди.

---

## Магида Маҳлуф хоним

- Қохира университети профессори, турк филологияси ва адабиёти бўйича таниқли олма Магида Маҳлуф хоним ўтган йили “Бобурнома”ни араб тилига таржима қилиш бўйича узоқ йиллик ишини якунига етказди ва унда ўзининг чуқур шарҳлари ва аввалги тадқиқотларга доир танқидий таҳлилларини баён этди. Энг муҳими, бизнинг буюк аждодимиз Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари билан инглиз, форс ва бошқа қўплаб тиллар қатори эндилиқда араб тилида ҳам танишиш имкони пайдо бўлди.
-